O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 9-oktabr, shanba № 82 (7691)

**Da'vat**

*Avvaliga biz bolalarimizni o'rgatamiz. So'ngra o'zimiz ulardan o'rganamiz. Kimki buni xohlamas ekan, o'z davridan orqada qoladi.*

*Yanis RAYNIS*




# МУАЛЛИМЛИК НАШИДАСИ

**Инсонни саодат йўлига бошламоқлик мардлик ва тантиликдир, кўнгли ярим инсонга мурувват кўрсатиш, бу йўлда жон фидо қилиш эса олижанoблик ҳисобланади. Бунга эришмоқлик учун тинимсиз ҳаракат ва чин кўнгилдан қилинган меҳнат зарур.**

**Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 106-сонли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Лутфи Юнусова ана шундай улуғворлик нашидасига эришган мураббийлардан. Бу йил Юртбошимизнинг фармонига биноан Л. Юнусова «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Унинг бундай қувончига боқиб, машаққатли меҳнат самараси нима эканлигини англайсиз.**

**—Ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътибор ҳар бир ўқитувчига юксак масъулият юклайди, — дейди муаллима мамнуният билан.**

Бурҳон **РИЗОҚУЛОВ** олган суратлар.




**ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:**

**ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ЭТИЛМАГАН ЎҚУВЧИ** унинг тақдирига ким масъул? 2-бет

**МУАЛЛИМ, САЙЛОВГА ТАЙЁРМИСИЗ?** 3-бет

**ЎҚУВЧИНИНГ ДАРСДАГИ ИШТИРОКИ...** у қачон фаоллашади? 4-бет

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЎЗ МУАЛЛИМЛАРИДАН ИБРАТ ОЛСИН** 5-бет

**ШОИРНИ НИМА ЎРТАЙДИ?** 6-бет

**ТАЛАБАГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЕРАКМИ?** ёки кўнгил-кўнгилдан тафт олса... 11-бет

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ** венгерча кроссворд (мактаб дарсликлари асосида тайёрланди) 16-бет

**Ibrat**

*Xatirchi tumanidagi Mirzo Ulug'bek nomidagi fermerlar uyushmasi hududida respublika Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi homiyligida 440 million so'mlik sport majmuasi bunyod etildi. Yangi majmuani jihozlash uchun 11 million so'm homiylar mablag'i jalb qilindi.*

## PREZIDENT SAFARI

Prezident Islom Karimov 6-oktabr kuni joylarda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayoni, qishloq ahlining turmushi bilan bevosita tanishish uchun Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida bo'ldi. Davlatimiz rahbari Qashqadaryo viloyatiga safarini Qarshi shahridagi serjantlar tayyorlash maktabi bilan tanishishdan boshladi. Shuningdek, Qamashi tumanidagi «Azizbek Qo'ziyev» fermer xo'jaligi dalasida, Yakkabog' tumanidagi Juman Mixliyev nomidagi shirkat xo'jaligida oilaviy pudrat asosida mehnat qilayotgan Qo'yli Hasanov dalasida bo'ldi. Mamlakatimiz hayotida muhim ahamiyatga ega yirik loyihalardan biri — «Toshguzar-Boysun-Qumqo'rg'on» temir yo'li qurilishi bilan ham tanishdi. Surxondaryo viloyatining Angor tumanidagi «Saidnosirxon» fermer xo'jaligi paxtazorlarida bo'lib, Prezidentimiz ushbu xo'jalik jamoasiga «Damas» avtomobili hadya qildi.

**SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI**

## MAJMUA YIG'ILISHI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Oila, onalik va bolalikni ijtimoiy muhofaza qilish majmuining yig'ilishi bo'lib o'tdi. O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari S.Inomova boshqargan yig'ilishda Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklarining Oila, onalik va bolalikni ijtimoiy muhofaza qilish kotibiyatlari hamda majmua tasarrufidagi tashkilotlarning shu yilning to'qqiz oyi davomidagi faoliyat natijalari to'g'risidagi masala ko'rib chiqildi.

Yig'ilishda ota-onasiz va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalar manfaatlarini ta'minlash yuzasidan Muvofiqlashtiruvchi Kengash tuzildi.

**Joriy yilning 3-oktabr kuniga qadar 442 nafar ta'limga jalb etilmay qolgan 9-sinf bitiruvchilaridan 103 nafari tuman va shahar xalq ta'limi bo'limlari sa'y-harakatlari tufayli 10-sinflarga qabul qilindi. Qolgan 339 nafar bitiruvchining taqdiri hali-hanuz noma'lum.**



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### MALAYZIYA DELEGATSIYASI TOSHKENTDA

**Mamlakatimizda mehmon bo'lib turgan Malayziya ishbilarmonlari va ta'lim sohasi mutaxassislaridan iborat delegatsiya O'zbekiston Respublikasi Aloqa va axborotlashtirish agentligida bo'ldi.**

**Muloqot chog'ida yurtimiz mutaxassislarining axborot va telekommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha Malayziyaning nufuzli oliy o'quv yurtlarida tahsil olishini tashkil etishga oid masalalar ham muhokama qilindi.**

### RUSTAM - YANA BIRINCHI!

**Rustam Qosimjonov yaqinda Hindistonning Puna shahrida tashkil etilgan «Puna Interneyshnl» xalqaro superturnirda birinchi o'rinni egallagan edi.**

**Kuni kecha hamyurtimiz dunyoning yuz nafardan ziyod eng kuchli shaxmatchilari qatori Gollandiyaning Xellevoystlus shahrida rapid — tezkor shaxmat bo'yicha o'tkazilgan «NK-Rapid» xalqaro turnirida to'qqiz uchrashuvdan oltitasida raqiblari ustidan zafar quchib, birinchi o'rinni egalladi.**

# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

## унда оммавий ахборот воситаларининг ўрни қандай?

Таълим ва келажак. Улар эгизак тушунча. Зеро, келажакни таълим тараққиётисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис ҳам юртимиз таълим тизимида кечаётган бугунги ислоҳотларга ҳеч ким бефарқ эмас десак, муболаға бўлмайди. Демак, ахборотга, соҳадаги ҳар бир янгиликдан хабардор бўлишга эҳтиёж катта. Ўз ўрнида тизимдаги мавжуд муаммолар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни рўй-рост кўрсатиб беришда оммавий ахборот воситалари холис дастёрдир. Савол туғилади: хўш, тизимдаги ўзгаришлар оммавий ахборот воситаларида қай даражада ёритилаяпти-ю, соҳа мутасаддилари эътиборидан четда қолаётган муаммолар яна нималардан иборат?





Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида айни юқоридаги саволларга жавоб изланилганлиги аҳамиятли бўлди. Эътиборлиси, давра суҳбатида республика ҳамда хорижий матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов юртимиз мустақиллигидан бошлаб таълим тизимида кечаётган ислоҳотлар, айниқса жорий йилда қабул қилинган "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Президент фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қатор қарорлари ижросига боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.





Хабарингиз бор, ўтган қисқа давр мобайнида умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолати чуқур таҳлил этилиб, биргина 2004 йилда авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига 6850 ўринли 26 та янги мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Капитал реконструкция қилиниши мўлжалланган 8 та мактабнинг 4 тасида, капитал таъмирланиши лозим бўлган 430 та мактабнинг 418 тасида, жорий таъмирланадиган 174 та мактабнинг барчасида режалаштирилган ишлар тўлиқ бажарилди. Бу борадаги вазифалар ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда.



Таъкидлаш лозимки, давра суҳбатида соҳада эришилаётган мавжуд ютуқлар билан бир қаторда ҳал этилмаган муаммолар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида ҳам савол-жавоб, мунозаралар бўлди.

Хулоса шуки, ҳамкорлик, ўзаро фикр алмашиш ҳеч қачон беҳуда кетмаган. Бу галги йиғилиш ҳам яна кўплаб ечилмаган муаммоларнинг ҳал этилишига кўмак беради.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

---

*Kasbga yo'naltirish*

***Мамлакатимизда умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтиш йўллари ва унинг ҳуқуқий асослари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонунда ўз аксини топганлиги барчамизга маълум. Ҳар йили 200 мингга яқин 9-синф битирувчилари республикамизда мавжуд бўлган 850 дан зиёд ЎМКҲТ муассасаларида таълим олишни давом эттиришмоқда. Эътиборлиси, бу кўрсаткич галдаги йилларда замонавий таълим муассасалари — янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фойдаланишга топширилиши билан ортиб бормоқда. Шу боисдан ҳам бугунги кунда 9-синф битирувчиларини ЎМКҲТ муассасаларига қамраб олишни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда ЎМКҲТ Маркази томонидан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларга мўлжалланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтишнинг истиқболли режасига биноан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Ана шундай жараён билан яқиндан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятида бўлдик.***

# ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ЭТИЛМАГАН ЎҚУВЧИ

## унинг тақдирига ким масъул?

Мазкур вилоятнинг танлашимиз бежиз эмас, албатта. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази берган маълумотларга қараганда, 2003-2004 ўқув йилида Сирдарё вилоятни умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги босқичи ва тури билан қамраб олиниши бўйича кўрсаткичи анча паст экан. Хўш, бунинг бош сабаблари нимада ва ана шундай ҳолатларни бартараф этиш йўлида вилоятда қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

Вилоятда бугунги кунда 309 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, ўтган 2003-2004 ўқув йилида 15441 нафар ўқувчи 9-синфни тамомлаган. Айни пайтда вилоятда 2 та академик лицей ва 30 та касб-ҳунар коллежи бор. Янги 2004-2005 ўқув йилида 9-синф битирувчиларидан 7935 нафарини ЎМКҲТ муассасаларига қамраб олиш режалаштирилган.

Айни дамда битирувчилардан 539 нафар ўқувчи академик лицейларга, 4775 нафар ўқувчи эса, ҳудудий касб-ҳунар коллежларига қабул қилинган. Бошқа туман ва шаҳарлардаги касб-ҳунар коллежларида 1629 нафар, вилоятдан ташқари таълим муассасаларида 1120 нафар ўқувчи таълим олишни давом эттираётир. Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган 10-синфларда эса 6614 нафар ўқувчи ўқимоқда. Доимий яшаш жойини ўзгартирганлар эса 321 нафарни ташкил этади.

Ҳудудий ЎМКҲТ муассасаларига қамраб олиш режаси 7935 нафарни ташкил этгани ҳолда, вилоятдаги Гулистон ва Янгиер академик лицейларига 450 нафар, вилоят касб-ҳунар коллежларига 6649 нафар ўқувчи қабул қилинди. Шундай қилиб, белгиланган қабул режаси 89,4 фоизга бажарилди. Жорий йилнинг 3 октябрь кунига қадар 442 нафар таълимга жалб этилмай қолган 9-синф битирувчиларидан 103 нафари туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари саъй-ҳаракатлари туфайли 10-синфларга қабул қилинди. Қолган 339 нафар битирувчининг тақдири ҳали-ҳануз номаълум.

— Вилоят ХТБ ҳамда ЎМКҲТ бошқармалари билан ҳамкорликда таълимга жалб этилмаган 9-синф битирувчиларини илм масканларига қамраб олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди Сирдарё вилояти ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази раҳбари Ғайрат Бозорбоев. — Шу кунгача Гулистон шаҳридаги таълим муассасалари компьютер ва ахборот технологиялари, тиббиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежлари ҳисобига қабул режасини 112 фоизга бажарди. Аммо Гулистон академик лицейи ва санъат коллежи (вилоятда ягона!)нинг қабул кўрсаткичлари 75 ва 86,3 фоизни ташкил этди, холос. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Гулистон академик лицейининг умумий қуввати 600 ўринли, айни чоғда лицейнинг 2 ва 3-курсларида 400 ўқувчи таҳсил олаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, жорий йил ҳам бу ерга қабул режаси 300 эмас, балки 200 нафар этиб белгиланиши керак эди.

Янгиер шаҳрида 10 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, уларни 694 нафар ўқувчи тугатган. Аммо, шаҳар бўйича қабул режаси 1175 нафар этиб белгиланган. Демак, қўшни туман ва шаҳар ёшларини қўшимча равишда ўқишга тортиш керак. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли қабул режасини Янгиер тиббиёт коллежи 127 фоизга, Янгиер академик лицейи ва педагогика коллежи 100 фоизга бажаришган.

Бундай маълумотларни вилоятимизнинг ҳар бир тумани ёки шаҳри бўйича батафсил беришимиз мумкин. Минг афсуски, 339 нафар ёш йигит-қизнинг таълимга вақтида жалб этилмай қолишининг бир неча сабаблари бор. Булар сирасига жойларда мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари онгига Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти талаб даражасида сингдирилмаганлиги, тарғибот-ташвиқот ишларининг суст олиб борилганлигини киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда жойларда таълимга жалб этилмай қолган 339 нафар ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари билан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ва ЎМКҲТ муассасалари мутасаддилари, маҳалла фаоллари тушунтирув-тарғибот ишларини юритмоқда. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг қарорлари асосида бундай ёшларни таълимнинг кейинги босқичи ва турларига қамраб олиш чоралари кўрилмоқда.

**Нурлан УСМОНОВ,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

# ДИҚҚАТ! ЯНГИ САҲИФА: МУАЛЛИМ, САЙЛОВГА ТАЙЁРМИСИЗ?

***Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтадиган сайловлар олдингиларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бу, энг аввало, илк бор икки палатали парламент шакллантирилишида кўринади.***

***Парламентнинг юқори палатаси — Сенат -юз нафар аъзо (сенатор)лардан иборат бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси, фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.***

***Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси эса, ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма нафар депутатдан иборат бўлади. Демак, Қонунчилик палатасидаги 120 ўринга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5 та партия ҳар бир сайлов округидан бир нафардан, жами 120 нафар ўз номзодини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан ҳам ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан, яъни 120 нафар номзод кўрсатилиши мумкин. Шу тариқа, ташкил этиладиган ҳар бир сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутати бўлиш учун 6 нафардан депутатликка номзод кўрсатилиши мумкин.***

***Бундан кўринадики, аввалгидек, бир партия ва муайян бир номзодни тавсия қилиб, ўшани қўллаб-қувватлаш билан бугунги демократик сайловлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Сайловчида депутатликка энг муносиб номзодни танлаш имконияти кенгайган.***

***Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати беш йил муддатга сайланади. Беш йил муддат давомида у ўзи эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниб, фақат Олий Мажлисда фаолият юритади. Сиз ва бизнинг, яъни мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти, турмушини, жамиятни тартибга солиб турувчи, эркин фаолият олиб боришимизни кафолатловчи қонунларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шундай экан, Қонунчилик палатасига энг муносиб шахсларни, сиз ва бизнинг, халқимизнинг, фарзандларимиз — келажак авлоднинг муаммоларини ҳал қилишга хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқишга қодир, сизнинг талабларингизни қонунларга сингдира оладиган интеллектуал етук шахсларни депутат этиб сайлашингиз зарур.***

***Муаллим — зиёли, маърифатли шахс сифатида жамият ҳаётида муносиб иштирок этиб келган ва бугун ҳам бу вазифа унинг зиммасида. Сайлов участкаларининг аксарияти жойлардаги умумий ўрта таълим мактаблари қошида ташкил қилиниши ҳам фикримизга далил бўлади. Жойларда бўлиб ўтаётган сайловолди кампаниясида, тарғибот-ташвиқот, депутатликка номзодлар билан бўлиб ўтадиган очиқ ва ошкора мулоқотларда муаллимларимиз фаол иштирок этиб, бошқа фуқароларимизни ҳам ўз ортидан эргаштира олади, номзодлар орасидан энг муносибларини танлай билади, деб ишонамиз.***

***Газетамизда сайловлар билан боғлиқ жараёнларни мунтазам ёритиб бориш мақсадида махсус саҳифа очдик. Унда сиз учун қизиқарли ва муҳим бўлган маълумотларни бериб боришга ҳаракат қиламиз. Ўзингизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишингизни кутиб қоламиз.***

## Saylov savodxonligi

# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАН САБОҚЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтишига ҳам саноқли кунлар қолди. Жойларда ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик изчиллик билан амалга оширилмоқда. Таълим соҳаси ходимлари ҳам ушбу жараёнда фаоллик билан иштирок этишлари, шубҳасиз. Кўпчилик муштарий, муаллимларнинг талабларини инобатга олган ҳолда газетамизнинг бугунги сонидан бошлаб сайлов қонунчилиги юзасидан материаллар бериб боришни мўлжалладик. Ўйлаймизки, муаллимлар, ўқувчилар ва бошқа барча сайлов қонунчилиги билан қизиқувчи газетхонлар ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб оладилар.*

**— Қонунчилик палатасига кимлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга?**

— Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар сайланиш ҳуқуқига эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Қонунчилик палатасига сайланиши мумкин эмас ҳамда сайловда қатнашмайдилар.

**— Сайлов жараёнида қатнашадиган кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?**

— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқиш жараёнида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;

— сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланиши, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

— овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

— сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

— агар сайлов участкасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида"-ги қонуни бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

**— Кузатувчиларга нималар ман қилинади?**

— Сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

— сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

— сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

— участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

**Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.**

# ОАВ — ҲОКИМИЯТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

*Бугун дунё жамиятида ОАВнинг ўрни беқиёс эканлиги ҳаммага маълум. Масалан, АҚШ—Испания урушига газетада чиққан биргина мақола сабаб бўлганди. Буни қарангки, АҚШ—Ветьнам урушининг тугашига ҳам матбуотда эълон қилинган мақола сабаб бўлган.*

*Демак, бу икки воқеадан хулоса қичариш қийин эмас. Чунки ОАВда қилинган ҳар бир чиқиш жуда кўп нарсани ўзгартириб юбориши мумкин. Айниқса, давлат аҳамиятига эга бўлган сиёсий ҳаракатларда жуда эҳтиёткорлик талаб этилади. Сабаби, ОАВ ходими бундай вазиятда ҳокимият ва халқ ўртасида кўприк вазифасини бажаради.*

## Jarayon



*7-8 октябрь кунлари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида бўлиб ўтган "Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва этик жиҳатлар" мавзуидаги халқаро конференция ҳам ОАВнинг бу муҳим тадбирдаги ўрнига бағишланди. ЖИДУ, Марказий сайлов комиссияси, Сиёсий тадқиқотлар маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман сайлов кампанияси доирасидаги навбатдаги муҳим тадбир бўлди.*

*Халқаро конференцияни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Рустам Қосимов кириш сўзи билан бошлаб берди. Шундан сўнг анжуман қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов, Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Фикрет Акчура, Ўзбекистондаги Европа Комиссияси Уйи раҳбари Питер Реддиш қутлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

*Конференция ўз ишини "Демократик сайловлар, сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари", "Сайлов технологиялари: имкониятлар, муаммолар ва истиқболлар", "Сайловларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши" мавзуидаги сессиявий йиғилишларда давом эттирди.*

*"Ўзбекистондаги сайловларда ОАВ иштироки амалиёти ва тажрибалари" (Шерзодхон Қудратхўжаев), "Демократик сайловлар ва инсон ҳуқуқлари" (Рейн Мюллерсон), "Демократик сайловлар билан боғлиқ ЕХҲТ стандартлари" (Мари Карин фон Гумппенберг), "Сайлов технологиялари, ОАВ ва сайловлар: ҳуқуқий жиҳат" (Акмал Саидов), "Давлат ва ОАВ" (Райнхард Крумм) ва яна кўплаб мавзулардаги чиқишлар анжуман иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Олий Мажлис депутатлари, қатор мамлакатлар сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат уюшмалари ва Ўзбекистон фуқароларининг ўз-ўзини бошқариш идоралари вакиллари, дипломатик миссиялар раҳбарлари, бир қанча давлатлардан ташриф буюрган сайлов технологиялари бўйича мутахассислар, ОАВ вакиллари анжуманда иштирок этиб, маърузачилар фикрларига ўз муносабатларини билдирдилар.*

*Бутун жаҳонда сайловларни оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Сайловларнинг очиқ, ошкора, демократик меъёрларга таянган ҳолда ўтишида ОАВнинг роли беқиёсдир. Ўзбекистонда ҳам бу борада тажрибалар тўпланмоқда. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Шерзодхон Қудратхўжаев келтирган маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди.*

*1994 йили мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларни 384 газета, 66 журнал, 19 телестанция, 2 радиостанция, 2 электрон ОАВ, битта ахборот агентлиги ёритиб борган бўлса, бу рақамлар 1999 йилги сайловларда мос равишда 490; 138; 26; 5; 22; 4 тага кўтарилди. 2004 йилги сайлов жараёнлари эса мамлакатимиздаги жами 928 та оммавий ахборот воситаси томонидан ёритиб борилмоқда. 1994 йили Марказий сайлов комиссияси қошида Матбуот маркази ташкил қилинмаган эди. 1999 йили ҳамда жорий йилда Марказий сайлов комиссияси қошида, барча вилоят марказларида матбуот маркази ташкил қилинди.*

*Конференция иштирокчилари сайлов кампаниясини ўтказиш стратегияси ва тактикаси, унинг ташвиқот-реклама, ташкилий-оммавий ҳамда ахборот-таҳлилий таъминоти, сайловчилар билан ишни режалаштириш ва бошқариш, партиявий шаклланиш, оммавий ахборот воситаларининг сайловлар жараёнидаги фаолияти, "қора технологиялар"нинг такрорланиш ҳолларини бартараф этиш ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.*

*Турли мамлакатлардаги сайлов кампанияларининг этик-ҳуқуқий жиҳатлари ва унда ОАВ роли ҳамда иштирокини ўзаро қиёслаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш йўлларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.*

*Сайлов технологияларида фойдаланилаётган усуллар ва воситалар, уларнинг психологик, ижтимоий ва маданий жиҳатлари, мамлакатда имиджмейкерлик муаммолари ва истиқболлари, сиёсий маркетинг ва сиёсий реклама ҳамда давлатнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабати масалалари юзасидан ҳам фикрлар алмашилди.*

*Халқаро конференция қатнашчилари Олий Мажлисга аввалги сайловларнинг ўтиш жараёни ва хусусиятлари, уларда оммавий ахборот воситалари фаолиятини таҳлил қилиб, сайлов технологияларини янада такомиллаштириш ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократиялаштиришга йўналтирилган таклифларни қабул қилдилар.*

**Ҳусан НИШОНОВ,**
**Шерзод АҲМАТОВ,**
**"Ma'rifat" мухбирлари**

***Bir gal o'quvchilarimizdan biri betob bo'lib qolganida a'lochi o'quvchilar unga dars mavzularini navbat bilan tushuntirib borishgan. Natijada, darsga qatnay olmagan o'quvchining o'zlashtirishi namunali yakunlangan.***



*Fikr*

# ЎҚУВЧИНИНГ ДАРСДАГИ ИШТИРОКИ...

## у қачон фаоллашади?

Ўқувчиларнинг айримлари билимларни тинглаш орқали, бошқалари мутолаа асносида яхшироқ эгаллайдилар. Баъзилари эса ўқитувчи уларда кучли қизиқиш уйғотсагина кўпроқ ўқишади. Яна бир тоифа болалар эса дарс давомида иштирок этмаса, мавзуни англаб етмайди. Қобилият ва қизиқишлари турлича бўлган ўқувчиларга илм ўргатишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтилса, кўзланган мақсадга осонроқ эришилади.

Янги педагогик технология асосида дарс ўтиш ўқитувчининг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ. Дарс давомида ўқувчиларнинг психологияси ҳамда ларни ижодкорликка йўналтириш таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, ўқитувчи ўқувчида ўз устида ишлаш, янгиликка интилишга кўникма ҳосил қилиши лозим. Ўқитувчининг ўқувчи билан ҳикоя, суҳбат, маъруза шаклидаги мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши керак.

Янги педагогик технология дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имконини беради. Натижада, ўқувчилардаги нуқсонлар бирин-кетин бартараф этилиб, нутқ маданиятининг ривожланиши, фикрлаш доирасининг кенгайишига ёрдам беради. Ҳар бир ўқитувчи ўз фан йўналиши доирасида (1, 2, 3-ўрин каби) ҳамма ўқувчиларнинг билим даражасини қобилиятини ҳисобга олиш ҳар жиҳатдан зарур. Маълумки, дарс қолдирадиган ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари мактаб маъмурияти томонидан қатъий назорат остига олинган. Баъзи ҳолларда бу борада ўқувчилар билимидан фойдаланиш қўл келмоқда. Бир гал ўқувчиларимиздан бири бетоб бўлиб қолганида аълочи ўқувчилар унга дарс мавзуларини навбат билан тушунтириб боришган. Натижада, дарсга қатнай олмаган ўқувчининг ўзлаштириши намунали якунланган. Шунингдек, дарсни замонавий услубда ўтишда ўқувчиларга далилларга асосланган ахборот бериш, ўз шахсий фикрини эркин айтишга ўргатиш, синфда ижодий, ишчан муҳитни вужудга келтириш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш лозим бўлади.

Ўқувчилар орасида ўзига бўлган ишончсизлик туйғуси туфайли тўғри жавобни ҳам айта олмайдиганлари учраб туради. Бундай ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш лозим. Билганларини ифодалай олмаслик илмга бўлган рағбатни сўндириши мумкин. Бу қобилият турли давра суҳбатлари, танловлар, адабий кечаларда шаклланиб боради. Ёшларни ижодкорликка... белгилаб чиқишган. Жадвалларни тузишда қабул қилинган ёзма иш ва диктантлар, дарсларга қатнаши, фаоллиги ҳам ҳисобга олинади. Фанлар жамламасидаги кўрсаткичлар асосида синф лидерлари сараланади. Бу тарздаги дўстона олимпиада ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ҳосил қилади. Икки ҳафтада янгиланадиган лидерликка интилиш ҳамда ўрнини сақлаб қолиш ҳаракатида ўқувчилар тинимсиз изланиб, мутолаа билан машғул бўладилар. Таълим-тарбиянинг мақсади ҳам ўқувчилардаги ижобий жиҳатларни ўстиришга қаратилган. Ёшларда зукколик, ақллилик хислатлари шакллантирилаётганда унинг мезонларига эътибор қаратишимиз керак бўлади. Бу асрлар давомида шарқ мутафаккирлари томонидан исботланган. Демак, янги педагогик технология асосида олиб борилган дарс жараёнида ҳар бир ўқувчи эркин фикрлашга, қизиқишлари асосида ижод қилишга, топшириқларни мустақил бажаришга интилади. Бунда дарснинг самарадорлиги ҳам ошаверади.

**Тўлқин ЭСОНОВ,**
**Шаҳрисабз туманидаги 30-мактаб директори**

# СИДҚИДИЛДАН БИЛИМ БЕРИШАДИ



*Tadbir*

Пойтахтимизнинг қоқ марказида қад кўтариб турган 25-махсус меҳнат мактаби 1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу илм даргоҳида 200 нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мактаб ўқувчилари туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Мана, яқиндагина шаҳар миқёсида ўтказилган «Спорт ва меҳнат ёнма-ён» тадбирида баскетбол, теннисдан совринли ўринларни эгаллашди.

Бундан ташқари, мактабда шаҳар миқёсидаги кўплаб очиқ дарслар ўтказилиб турилади. Шулардан "Очиқ эшиклар куни", "Меҳнат байрамлари", "Оламга саёҳат", "Она тилим — жони дилим" очиқ дарсларини айтишимиз мумкин.

Мактаб ўқитувчиларининг салоҳияти юқори бўлганлиги учун пойтахтимизда жойлашган бир неча олий ўқув юртлари дефектология факультети талабалари ҳам шу ерда ўз амалиётини ўтайди. Бундай ёш педагогларга шу ерда таълим бераётган мураббийлар сидқидилдан ўз билганларини ўргатишади.

Бу йил «Меҳр ва мурувват йили» бўлганлиги муносабати билан мактабдаги кам таъминланган ўн нафар оила фарзандига саховатпеша инсонлар томонидан пул маблағи ажратилди.

**Мухбиримиз**

# МИРЗО БЕДИЛ НОМИН УЛУҒЛАБ

**Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Улуғбек номидаги жамоа ширкат хўжалигининг Денов қишлоғида жойлашган Мирзо Бедил номидаги 30-мактабда 41 нафар муаллим 492 нафар қишлоқ болаларига илму одоб ўргатишаяпти. Мактабда таълим-тарбия ишлари тўлалигича тожик тилида олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, илм масканида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган.**

*Maktablar hayotidan*

## СОҒЛОМ ТАНДА СОҒ АҚЛ

Мирзо Бедил номидаги 30-мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишларига бош масалалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Бир неча йилдирки, мактабда футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, миллий кураш, гимнастика, шахмат-шашка турлари мунтазам фаолият кўрсатиб келаётир.

— Ўқувчиларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун илм масканимизда тўлиқ шарт-шароитлар яратилган, – дейди мактаб директори Боймаҳмат Рўзаев. — Барча талабларга жавоб берадиган спорт майдонимиз ва залимиз бор. Натижаларимиз ҳам ёмон эмас. Қатор спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз туман ва вилоят миқёсида ўзларини кўрсатиб туришибди. Мана бир неча йилдирки, волейболчи ўқувчиларимиз Китоб тумани, қолаверса, Қашқадарё вилоятида фахрли ўринларни қўлдан бермай келишаяпти. 3 йилдан буён улар "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг республика босқичида иштирок этишаяпти...

Мактабда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларда ўз касбини севган фидойи инсон, «Халқ таълими аълочиси», олий тоифали жисмоний тарбия фани муаллими Алимурод Муҳаррамовнинг алоҳида хизматлари бор.

## "КАШТА ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН"

Каштачилик қадим миллий қадриятларимиз сирасига киради. Аслида каштачилик ихтирочилик, яратувчанлик, керак бўлса, ижодкорлик ҳамдир.

Каштачи қизларнинг ишларини қаранг. Улар қанчалик нафис ишлар. Нақш ва безаклар симметрия ўқларига мос ҳолатда бехато жойлаштирилган. Ишонасизми, ҳатто бир марта ноўрин игна қадаш ҳам каштанинг кўринишига путур етказади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир игна ҳисоб-китоб билан қадалган. Кашталарнинг ранг-баранглигини айтмайсизми! Бу ерда қадимда момоларимиз тикишган нақшинкор "терма" кашталардан тортиб, айни кунда кўпчиликка маъқул тушиб қолган табиат манзаралари акс эттирилган кашталар ҳам бор.

— Каштачилик тўгарагининг ташкил этилганига 13 йил тўлди, — дейди 30-мактаб муаллимаси, каштачилик тўгараги раҳбари Ферузахон Сатторова. — Биласизми, мана шу Денов қишлоғида азал-азалдан каштачилик санъати юқори даражада бўлган. Шўролар даврида момоларимиз тиккан кўплаб ноёб кашталар йўқолиб кетди. Айни кунда биз уларнинг айримларини тикладик. Айримларини қидираяпмиз. Ўтган йили ўқувчи қизларимиз ўзлари "тилло жило" бериб тиккан кашталари билан туман, вилоят, ҳатто, республика кўрик-танловларида иштирок этиб келишди...

Биз Мирзо Бедил номидаги 30-мактаб каштачилик тўгараги аъзоларининг ишларини синчковлик билан кузатар эканмиз, каштачилик иши гўё "игна билан қудуқ қазиш" каби бир иш эканлигига иқрор бўлдик.

**Абдували ОБИДДИНОВ**

# Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

**Қорақалпоғистон Республикаси Манғит шаҳрида яшовчи И.Пирмоновадан САВОЛ:**

— Келиним 1992 йилдан тарбиячи ёрдамчиси бўлиб ишлаган эди. Малакасини ошириш учун 1998 йил 13-сон ХТБЮ кундузги бўлимига ўқишга кирди. 1999 йил тарбиячи лавозимида ишлай бошлади. Тарбиячи бўлиб ишлаб юргани ҳолда Беруний педагогика билим юртининг (2001 йил) сиртқи бўлимига ўқишга кирди. 2004 йил уни тугатиб, МТМ тарбиячиси малакасини олди. Кадрлар сиёсатини тушунган ҳолда Нукус давлат педагогика институти махсус сиртқи бўлимига ҳужжат топширай деса, педагогик стаж йўқ деб ҳужжатини қабул қилишмади. Шу масала юзасидан ойдинлик киритиб беришингизни сўрайман.

**ЖАВОБ:** — 2004 йил 24 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "2004—2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. Мазкур қарорда давлат педагогика институтларининг махсус сиртқи бўлимларига ўрта махсус маълумотли ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабалар қабули режаси белгиланган. Ҳақиқатан ҳам шу талабларга мос келган бўлса, Нукус давлат педагогика институтидагилар нотўғри тушунтириш берганлар.

**Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида яшовчи А.Ботировадан САВОЛ:**

**— Мен кутубхоначи бўлиб ишлаётган 32-мактабда 25 та синфда 716 нафар ўқувчи таълим олади. Менга 0,5 штат бирлигида ойлик тўлашади, иш ҳақи тўғри тўланмоқдами? Мактаб кутубхоначиларига тўланаётган иш ҳақи тўғрисида тушунча берсангизлар.**

**ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги №358-сонли "Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга келтириш тўғрисида"ги қарорига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 22 октябрдаги умумтаълим ўқув-тарбия муассасаларидаги штатларни тартибга келтириш мақсадида умумтаълим мактабларининг намунавий штат бирликларида 30 ва ундан кўпроқ синфлари бор мактабда, мактаб кутубхоналарига 0,5 штат бирлигида ойлик тўланади.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бош мутахассиси**




**Қурбон ота Юнусов Зангиота туманидаги Собир Раҳимов номидаги 43-мактабда 47 йил физика-математика фанидан дарс берди. Нафақага чиққач эса уйида бемалол ўтиролмади. Ўз вақтини маҳалладаги ёшлар билан ишлашга бағишлаяпти.**

**— Болага тарбия беришни бўйнига олган ҳар бир ўқитувчи, аввало, ўзи тарбияланган бўлиши керак, – дейди Қурбон ота. — Акс ҳолда бирор натижага эришиб бўлмайди.**

**Бурҳон РИЗО олган сурат.**

***Бугунги меҳмонимиз – публицист ва адиб Нусрат РАҲМАТ.***

***Нусрат Раҳматнинг асли касби – агрономлик. Унинг илк китоби "Агар табиатни севсангиз" деб аталиб, 1975 йили "Ўқитувчи" нашриёти томонидан нашр этилганди. Ўтган давр мобайнида эса муаллиф ўттизга яқин публицистик ва бадиий китоблар чоп эттирди.***

***Нусрат Раҳматнинг "Буни ҳаёт дебдилар" романи, "Фарзандга ўгитлар", "Мен редакцияданман", "Асалари мўъжизаси", "Сўқмоқлар ва сабоқлар" сингари китоблари бир неча бор қайта нашр қилинган.***

***Меҳмонимиз — Нусрат Раҳматов мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан кўп йиллик самарали, ҳалол ижодий фаолияти учун Президентимиз фармонига биноан, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирланди. Яна бир жиҳат: умрида ўқитувчилик қилмаган бўлса-да, уни "муаллим" деб аташади.***



Нусрат РАҲМАТ:

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЎЗ МУАЛЛИМЛАРИДАН ИБРАТ ОЛСИН

**— Мукофот муборак, Нусрат ака. Суҳбатимиз муқаддимасида анъанавий саволимизга жавоб берсангиз, яъни илк муаллимингиз ҳамда устозларингиз ким бўлганлигини батафсилроқ ҳикоя қилсангиз.**

— Раҳмат! Менинг мактаб остонасига илк бор қадам қўйишим 1947 йилга тўғри келади. Табиийки, ўқитувчиларимизнинг бир қисми урушдан ногирон бўлиб келган кишилар эди. Биринчи муаллимим – Абдураҳмон ака, тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлсада, ўша давр кишиларига хос тиришқоқ, диёнатли одам эди. Гоҳида дарс қолиб, уруш таассуротларини гапириб кетар ва биз сукут сақлаб, қулоқ тутардик. Қий-чув қилаверсак, вужудининг ўқ теккан жойларини зарда билан кўрсатиб қолар ва биз зоҳирий хавотирланиш билан жимиб қолардик. Орадан йиллар ўтиб, уруш ва тинчлик ҳақида туркум публицистик мақолалар, шеърлар ёзганим — ўшанинг таъсири эди.

**Ёғоч оёқ ғичирлайди,**
**Ғичирлаб хазин –**
**Одамларга баён этар,**
**Серҳасрат арзин:**
**"Мен садақайрағоч**
**эдим бир замон –**
**Она ергинамнинг**
**чайир ўғлони**
**Чорак аср аввал**
**кесиб беомон,**
**Кесилган оёққа**
**улашди мани**
**Чорак аср мадад**
**бўлдим-у, аммо,**
**Оёқ бўлолмадим,**
**бўлолмайман ҳам**
**Чорак асрдирки,**
**менга муаммо:**
**Мажруҳ этар нечун,**
**одамни-одам?!"**

Эрнест Хемингуэй: "Урушни ёмон одамлар бошлайдилар, аммо унда яхши одамлар қурбон бўлишади", дейди. Менинг фалсафам ҳам шунга яқин: "Урушни ёмон одамлар бошлайдилар, унга қарши эса публицистика бош кўтаради."

Устоз ҳақида гап кетганда, кўп ҳолларда Асқад Мухторнинг жиддий, сокин, аммо салобатли қиёфалари кўз ўнгимда бутун борлиғи билан намоён бўлаверади. Ғалати-да: у киши бирор бор елкамга қоқиб, "баракалла" дегани йўқ, "бу менинг шогирдим", деб эътироф этганини ҳам эслолмайман, ҳатто, бақамти ўтириб, маслаҳат берганлари ёдимда йўқ. Аммо ортимда, ҳавас қилса арзигулик ашраф ва комил сиймо турганини доим ҳис этардим. Асқад аканинг Дўрмондаги дала-ҳовлиларига бориб, ток, дарахтларни чилпишга киришганимда, устознинг ўзлари ҳам, умр йўлдошлари ҳам хижолат бўлишар ва мен агроном эканлигимни айтиб, ижозатларини сўрагач, жилла мойил бўлишарди. Шунда Асқад ака бир қўлда чойнак, бир қўлда радио кўтариб чиқардилар. "Майли, биз далада ишловчиларга хизмат кўрсатамиз", дердилар ҳазиллашиб. У киши билан суҳбатлашиб ишлаш бағоят мароқли, сурурли ҳиссиётларга тўла бўларди. Аммо бу ҳол узоқ давом этмасди: янга дастурхон безаб, бизни ичкарига таклиф этарди.

**— "Фарзандга ўгитлар" китобингизда: "Меҳрибон қизим! Майли, ёшлигингдаёқ Оврупо ва Ғарб адабиёти, маданиятига меҳр қўй, аммо бир оёғинг мўйсафид Шарқ заминидан узилиб кетмасин", дейсиз хавотирона бир ташвиш билан. Ҳаёт эса Оврупо ва Ғарб маданиятига меҳр қўйган айрим ёшларимиз урф-одатларимиз, удум ва анъаналаримизга андак написанд бўлиб қолишаётганини кўрсатмоқда.**

— Агар, ҳақиқатан ҳам шундай ҳол рўй бераётган бўлса, бунга энг аввало биз – ота-оналар, муаллимлар, устозлар айбдормиз. Худди шу ўринда мени бот-бот ташвишга соладиган бир муаммо ҳақида тўхталмоқчи эдим. Ҳозир, айниқса қизларимиз, эстрада юлдузларига тақлид қилиш, улардан ибрат олишга мойил бўлиб боришаяпти. Ваҳоланки, айрим эстрада хонандаларининг турмуши, оилавий ҳаёти, кўп ҳолларда анчайин нохуш, кўнгилсиздир. Улар орасида уч-тўрт мартагача эрга тегиб чиққанлари борлигини биламиз. Шунинг учун ҳам гулдай қизларимиз ўзларининг ибратомуз муаллимлари, зиёлилари, қавмларидан намуна олса, тузук бўларди. Бундай кишилар эса атрофимизда оз эмас.

**— Бугун таълим-тарбия соҳасидаги муаммолар хусусида гап кетганда, нималарга кўпроқ урғу берган бўлардингиз?**

— Гапни маорифимиздаги ислоҳотлар, жадидчилик ҳаракатларидан бошламоқ лозим. Жойларда қурилаётган ҳашаматли коллеж, мактаб бинолари, спорт иншоотлари; ўқиш, ўқитиш борасидаги дигаргунликлар ўз мевасини бермай қолмайди, албатта. Мен бунга аминман! Модомики, муаммолар ҳақида гап кетар экан, фикрларим кўп. Газетада жой масаласини ҳис қилиб, улардан бирига тўхталишни лозим деб билдим.

Биз болакайларимизни табиатга юксак муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бошқалардан анча ортда қолиб кетдик.

Яқинда Самарқанд давлат университети хиёбонида бўлиб ўтган бир ибратомуз воқеани эътиборингизга ҳавола этсам, ортиқчалик қилмас.

Япониядан келган ёш сайёҳ – қўлида сигарет қолдиғи — у томон, бу томон аланглаб, ахлат қутиси изларди. Скамейкада ўтирган ёшларимиз унинг бу ҳаракатини андиликка йўйиб, устидан кула бошлашди. Шунда талабалардан бири японга ариқни кўрсатиб, шунга ташлашни ишора қилди. Япон ҳалиги ўсмирга надоматли нигоҳларини қадаб, алланима деди ва сигарет қолдиғини қоғозга ўраб, кичик сумкачасига солиб қўйди. Энди у қачон ахлат қутисини кўрса – ташлайди, бўлмаса йўқ! Чунки у боғчада, мактабда шу руҳда тарбияланган.

Бир ҳақиқатни ҳисобга олинг: республикамизга оқиб келадиган тоза сувнинг саксон фоизи Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудидадир. Эндиликда ҳеч ким ариқ ёки ҳовуздан сув ичмайди, ҳатто водопровод жўмрагига лаб босишдан ҳам хавотир тортишади: санэпидемиология врачлари бу сувда турли микроблар пайдо бўлганлигини ёзишаяпти. Дўконларга чиқариладиган тоза сувнинг нархи эса тобора ошиб бормоқда: бошқа жойларни билмадим, Самарқандда бир литр "Нестле" сувнинг нархи шунча миқдордаги сутга тенглашди. Хўш, ўн йилдан сўнг аҳволимиз нечук бўлади? Йигирма, ўттиз йилдан сўнг-чи... Наҳотки, сизни ваҳима босмаётган бўлса...

**— Юқорида жадидлик сўзини ишлатдингиз. Сизни ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолияти тадқиқотчиларидан бири деб ҳисобласак бўлар...**

— Йўқ! Тадқиқотчилар ҳақида гап кетганда, Солиҳ Қосимов, Аҳмад Алиев, Мўмин Фаттоев, Бегали Қосимов сингари олимларга таъзим қиламан. Мен, улар қазиган ариқдан сув ичадиган ижодкорман ва жадидлар тўғрисида нимаики ёзган бўлсам, шу заҳматкашлар яратган манбалардан фойдаланганман. Фақат, аҳли илмга нисбатан радикалроқ хулосалар чиқарган пайтларим бўлган.

**— Масалан?**

— Сўнгги пайтларда Беҳбудийнинг қатл этилишига бевосита большевикларни айбдор қилиб кўрсатишга кўпроқ урғу берилаяпти: факт ва асосларни ҳам қалаштириб ташлашаяпти. Аммо мантиқни мададга чақирсангиз...

Бу борада шахсий фикр, мулоҳазаларим қуйидагича. Ҳар қандай ҳокимият дастлабки пайтда ўз рақиблари билан муроса-ю мадора йўлини тутади; кучланиб олгандан сўнггина уларга ўт очади. Беҳбудий қатл этилган 1919 йилда большевиклар партияси жуда ожиз эди ва душман излашдан кўра заруррок вазифалари бошидан ошиб ётарди. Лениннинг ўша йиллари ёзган мақолаларини ўқисангиз, имкон қадар компромисликка, мамлакат иқтисоди тиклангунча келишиб ишлашга даъват қилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ва, магарам шундай бўлганда, яъни Беҳбудийнинг қатл қилинишида ленинчиларнинг қўли бўлганида, улар орадан олти йил ўтиб, 1926 йили Қарши шаҳрига унинг номини беришмасди. Айнийнинг "Бухоро жаллодлари" асарида айнан 1919 йилги воқеалар қаламга олинган. Адибнинг ёзишича, амир айнан ўша йилга келиб, жадидларни аёвсиз қатл этиш ҳақида фармон берган. Ҳатто, боласини янгича мактабда ўқитган, газета билан алоқадор бўлган, ўзгача кийинган, худрафтор қилган кишилар ҳам шафқатсизларча ўлдирилган. Модомики, шундай экан, жадидлар сардорининг Бухоро тупроғига қадам қўйишидан амир айғоқчилари бехабар қолмасди ва унинг қисмати ҳам бошқача бўлиши мумкин эмасди.

**— Бу фикрингизга қўшилмасликка ижозат беринг. Бизнинг қўлимиздаги ҳужжатлар фикрингизнинг аксидир...**

**Биринчидан, сизу бизга мажбурлаб ўқитилган В.Лениннинг ёзганлари, яъни "компромислиги" бир томон—ёлғон бўлаяптию, унинг барчани террор қилиш, жисман йўқотиш ҳақидаги буйруқлари, айтганлари—ваҳшийлиги бир томон—ҳақиқат бўлаяпти. Буни Россия олимлари аллақачон исботлаб беришди. Бу каби маълумотлар кенг оммага етиб борганича йўқ.**

**Иккинчидан, 1917 йилда Беҳбудий Туркистонда мухторият бўлиши, уни парламент бошқариши, парламент аъзоларини эса маҳаллий халқ сайлаши лозимлиги ҳақидаги фикрларига биринчи бўлиб большевиклар қарши чиқишгани давр матбуотини таҳлил қилганимизда аён бўлди. Демак, большевиклар вақт пойлагани йўқ.**

**Учинчидан, Қаршига Беҳбудий номининг қўйилиши большевикларнинг "сиёсий ўйини" эди. Туркистон мухторияти қонга ботирилгач, большевикларнинг навбатдаги мақсади Бухоро ва Хивани қўлга киритиш эди. Қарши эса Бухоро амири қўл остида эди, қолаверса, тарихдан маълумки, яъни бу ҳудудда унинг тарафдорлари, шунингдек, озодлик тарафдорлари 30 – йилларда ҳам большевикларга қарши курашган. Беҳбудий номи амир тарафдорларини камайтириш ва маҳаллий аҳолини амирга қарши қўйиш учун "ишлатилган".**

**Тўртинчидан, Беҳбудийнинг чора қидириб, Самарқанддан ташқарига чиқишига большевикларнинг халқ мулкини талон-тарож этиши, ҳатто хотин-қизлар номусини, ўз-ўзидан миллат руҳини топташга асосланган муҳит сабаб бўлганди...**

— Майли, иккаламиз ҳам ўз фикримизда қолайлик. Дарҳақиқат, большевиклар 1936 йилга келиб, ҳазратнинг руҳига ҳужум бошлашгани бор гап. Унинг номи тарих саҳифаларидан ўчириб ташлашга аҳд қилинган эди. Ва масаланинг қай тариқа давом этгани барчамизга аён.

**— Билишимизча, сиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг муфтилик фаолиятига анчагина ойдинлик киритган экансиз...**

— Мен қўлга киритган ҳужжатларга таянадиган бўлсак, Беҳбудий 1911 йилда Жомбойда муфтилик қилган. Бу ерга ҳафтада икки бор (файтунда) келиб кетганига қараганда, у киши Самарқандда ёки бошқа жойларда ҳам муфти бўлган.




Муфтилик — ҳозирги прокурор ёки адлия раҳбарига ўхшаш унвон десак, адашмаган бўламиз. Жумладан, қози чиқарган ҳукмларни тасдиқлаш (муҳр босиш) ёки рад этиш; энг муҳим диний ҳолатларга фатво бериш, вақф ишлари билан шуғулланиш муфтилар зиммасига тушган.

Биз ҳозирги пайтда "Эски Жомбой" деб атайдиган қишлоқ ўша пайтларда волост маркази бўлиб, обод, гавжум шаҳар бўлганлиги аён. Бу ерда олмонларнинг каттагина шоли тозалайдиган фабрикаси, талай қандолатчилик корхоналари фаолият кўрсатган. Бундан ташқари, карвонсаройлар, дорихоналар, дўконлар, мачитлар, хонақолар... дегандай. Волост бошқарувчиси — ургутлик Нарзиқул Салимбой ўғли Беҳбудийни жуда ҳурмат қилган, у билан маслаҳатлашиб иш тутган.

Маҳмудхўжа ҳазратлари муфти сифатида иш бошлагунча қози Абдулмажид Юнус ўғли фуқароларнинг ишларини ўз ҳовлисида кўраркан. Беҳбудий кўрсатмаси билан қозилик ишлари катта мачитга ўтказилган.

Шу билан бирга у киши Жомбойда янги типдаги мактаб ҳам очган. Мазкур мактаб ўқувчиларидан бири Мирзахўжа Ўринхўжаев ўз эсдаликларида қайд этишича, мактабда диний дарслар билан бирга адабиёт, тарих, география фанлари ҳам ўқитилган.

Биз бугун бир ҳақиқатни айтишдан андиша қилмаслигимиз керак: Беҳбудий ҳазратлари бой бўлганлар. Таажжуб, биз — ҳаммамиз ҳам бой бўлишни истаймиз, аммо бойларни ёмон кўрамиз. Бу иллат қонимизда бор — ҳатто ўша пайтларда ҳам муфти ҳазратларининг бойлиги ҳақида сафсата сотадиганлар оз бўлмаган. У кишининг Самарқанд, Жомбой теграларида катта ерлари, боғлари бўлган. Аммо улардан келадиган даромадни ҳазрат нима мақсадларда сарфлаганини бугун кўпчилик билади, деб ўйлайман.

**— Сўнгги йилларда Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасини абадийлаштириш борасида Самарқандда анчагина ишлар қилинди, чамаси...**

— Унчалик эмас. Беҳбудий қурган уйни набираларига олиб бериб, музей қилиш, каттароқ кўчага унинг номини қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетаяпти.

Самарқанд ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори Азиз Аминовга минг бор раҳмат. У киши елиб-югуриб, ушбу институтни жадид бобомиз номига қўйдириб олди. Энди янаги йили у кишининг 130 йиллик юбилейини ўтказишда вилоят ҳокимиятининг раҳбарлари бу борадаги арз-додларимизга қулоқ солар, деган умиддамиз.

**— Тағин анъанавий савол: "Ma'rifat" ўқувчиларига айтадиган гапингиз, тилакларингиз...**

— Билишимча, газетанинг асосий ўқувчилари – муаллимлар. Биз томонларда эса ҳаммага ҳам "муаллим" деб мурожаат этишмайди: комил ва порсоларгина бу номга сазовор бўлиши мумкин. Муаллимни эъзозламаган, у билан ҳисоблашмаган жамият ҳамиша инқирозга юз тутган.

Муаллимлар ва бошқа муштарийларнинг остонасига осойишталик тилаб қоламан.

**Ҳалим САЙИД**
**суҳбатлашди.**

*Jamiyatimizda ro‘y berayotgan tub o‘zgarishlar birinchi navbatda qadriyatlarga bo‘lgan munosabatni o‘zgartirishni taqozo etadi.*



*Tajriba, sinov, natija*

# ШОИРНИ НИМА ЎРТАЙДИ?

**бу каби саволлар воситасида ўғил-қизларнинг мустақил фикрлашларини янада кучайтириш мумкин**

**Адабиёт — сўз санъати. Шу боис адабиёт фани ўқитувчилари бадиий асар таҳлилининг ранг-баранг усулларидан фойдалана олишлари, муайян асар таҳлили юзасидан синфдаги барча ўқувчиларнинг бир хил хулоса чиқаришига интилмаслиги лозим. Муаллим бирор бадиий асарни таҳлил қилишда муайян синфдаги ўқувчиларнинг ривожланиш даражалари, руҳий ҳолатлари, шунингдек, асарнинг таъсирчанлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриши мақсадга мувофиқ саналади. Пухта ва чуқур таҳлилгина ўрганилаётган асарнинг ўқувчилар ҳиссиётига таъсирини таъминлайди.**

**Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулбаҳор Зуфарова юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда дарс ва машғулотлар ўтиб, ижобий натижаларга эришаяпти. Муаллиманинг «Маърифатга етмоқни чоғла, Туркистон!» (7-синф) мавзуси ҳам муштарийларимизни беэътибор қолдирмайди.**

**Дарснинг мавзуси:** «Маърифатга етмоқни чоғла, Туркистон!»

**Дарснинг шиори:** Дариғ тутманг илм учун кетса, молу жон,

Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон.

**Дарснинг мақсади:** ўқувчиларни маърифатпарвар шоир Ҳамза шеър ва ғазалларидан хулоса чиқаришга, маърифатга ундаш; жаҳолат, илмсизлик туфайли юзага келадиган салбий ҳолатлардан асраш; шеърдаги асосий фикрни, айрим мисраларга юкланган бадиий маънони тушуниб олишга ўргата бориш; Ҳамзани янгидан кашф этиш; миллат тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш; уларни тараққиёт асрида фаолликка ундаш.

**Дарс усули:** Интерфаол усул, «Ақлий ҳужум», кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс, муаммоли саволлар билан ўқувчиларни изланиш, фикрлашга ундовчи усуллар.

**Дарс жиҳози:** кўргазмалар, магнитафон, маърифатга чорловчи шиорлар, Ҳамза портрети, асарлари, у ҳақида газета ва журналларда босилган мақолалар тахлами.

**Дарснинг бориши:** Адабий ва маданий ҳаётдаги янгиликлар; янги китоблар ҳақида маълумот.

**«Уқиб олинг»**

*Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур оби-ҳаёт,*

*Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб.*

*Кўзнинг нури, дил ҳузури, дилларинг дармонидур,*

*Ҳар қоронғу дилга гўё моҳи тобондир китоб.*

*Ҳар киши ёшликда қилса озгина ғайрат агар,*

*Тез замонда ошно бўлмоғи осондир китоб.*

Ўқитувчи уч хил, яъни сариқ, қизил, яшил рангдаги гуллар қўйилган столларга уч хил муаммони ёзиб, тайёрлаб қўяди. Ўқувчилар ўзлари танлаган мавзу бўйича гуруҳларга бўлиниб ўтирадилар. **Қизил столга** кучли муаммо қўйилади, бу гуруҳда энг фаол, фикрини дадил айтувчи, ҳиссиётлари кучли ўқувчилар ўтиргани маъқул.

**Сариқ столга** эса йўқотишлардан, аянчли аҳволдан таъсирланувчи, айрилиқ, ҳижрон, дардни тушуна олувчи ўқувчилар, **яшил столга** эса ўйлаб фикр юритувчи, шошмай, аммо янги умидлар сари интилувчилар жойлашишади.



Ўқитувчи дарснинг мавзуси ва шиори ҳамда муаммолар билан гуруҳ аъзоларини таништиради. Сўнг уларнинг дарсдан кутадиган ва интерфаол усулдаги дарсда риоя қилишлари лозим бўлган қоидалари доскага ўқитувчи томонидан ёзиб борилади (кутув ва қоидаларни гуруҳ аъзолари айтишади).

**Kutuvlarimiz**

1. Yangilik.
2. Erkin fikr.
3. Faollik.
4. Eng sevimli dars bo‘lishi.
5. Zarur xulosa chiqara bilish.
6. Mazmunli she’rlar.

**Qoidalar**

1. Ahillik.
2. Bir-birini hurmat qilish.
3. O‘zgalar fikrini tinglay bilish.
4. Bir-biriga o‘zaro yordam berish.
5. Intizom.
6. Vaqt.

«Ақлий ҳужум»га қуйидаги савол билан ўтиш мумкин.

**Ўқитувчи:** — Азиз ўқувчилар, сиз Ҳамза ҳақида уйда, ота-онангиздан қандай маълумотларни билиб келдингиз?

Ўқувчиларнинг жавоблари тинглангач, уларга қўшимча маълумотлар берилади. Ҳамзанинг девони ҳақида гапирилади.

Ҳамза яшаган замона унга ҳам шафқат қилган эмас. Шўро тузуми шароитида 12 йил яшаган, «Халқ ёзувчиси» бўлган адибнинг бу даврда бирор китоби чоп этилмади, кўп асарлари йўқотиб юборилди. Айримлар таъкидлаганидек, у худосиз ҳам, коммунист ҳам эмас. Шунинг учун у бир умр чет қишлоқларда яшашга мажбур бўлди.

Ҳамза Ниҳоний, баъзан Товонтешар тахаллуси билан гўзал лирик ғазал ва ҳажвий асарлар яратди. Ғазаллари қўшиқ қилиб куйланса-да, буни Ҳамза ёзганлиги айтилмади. «Ҳеч ким мендек илоҳи ёридин айрилмасун», «Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим соғиниб», «Ўйласам, шул дилбарим маккорага ўхшайди-ку», «Эй маҳваши замоним», «Сабо арзимни еткур, моҳитобон бир келиб кетсун» каби ғазаллари қўшиқ қилиб куйлаб келинмоқда. Ўқувчиларга шу ва бошқа маълумотлар берилгач, уларга Ҳамза мусаддасидан ўқиб бериш мақсадга мувофиқдир:

*Худовандо, санга йиғлаб қиларман арзи додимни,*

*Карамлик подшосан, сан ўзинг бергил муродимни,*

*Турубман боргоҳингда оқузуб кўзда қонимни.*

*Қабул эт осий бандaнг, гарчи бу ажз ила зоримни,*

*Етур дарёси раҳматдин мани мақсуди комимни,*

*Ўзинг раҳм айлағил, кечғил ҳама қилган гуноҳимни.*

Муаммога киришиш учун саволлар.

**1-гуруҳ — «Умид юлдузлари»** билан қуйидагича савол-жавоб ўтказиш мумкин.

1. Аллоҳ одамзотга нима ато этган? — Руҳ.

2. Руҳсизлик нимани келтириб чиқаради? — Фикрсизликни.

3. Фикрсизлик нимага олиб боради? — Ўзликни англамасликка.

4. Шоир нега Туркистон аҳлини руҳсиз тан деб атайди? Руҳсиз тан деганда кимларни тушунасиз? — **Аждодларини билмайдиганлар, ғафлатда қолганлар...**

Нима учун Туркистон аҳли йиғламоғи керак?

Жавобни шеър матнидан топинг, варaққа ёзинг ва гуруҳ сардори бошчилигида жавоблар ҳимоясига тайёрланинг.

Жавоблар тинглангач, «Йиғла, Туркистон» шеъридан ёд айтилади (2, 3-куплетлар).

**2-гуруҳ — «Бунёдкор ёшлар»**-га саволлар:

1. Шеър қандай йўналишда ёзилган? — Маърифатпарварлик.

2. Шоирни нима изтиробга солаяпти? — Ватандошларининг лоқайдлиги.

3. Халқни хорлик, ғафлат уйқусидан нима халос эта олади? — Маърифат, илм.

4. Маърифатни ким беради? — Мактаб.

5. Шоир фикрини нима ёрдамида асослайди? — Қуръон.

6. «Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон» деганда нимани тушунасиз?

**«Тургил, дарддан жисмингни соғла, Туркистон». Бунинг учун, руҳсиз танлар бўлмаслиги учун нималар қилмоқ керак?**

Жавоблар варaққа ёзилиб, ҳимоя қилинади ва шеърдан ёд айтилади (1, 4, 5-куплетлар).

**3-гуруҳ — «Истиқлол чечаклари»**га ушбу саволлар берилади:

1. Ҳамзанинг дарди-дунёси нимадан қоронғу?

2. «Ўлмасидан илгари жисмига кафан бичган» кимлар? — Озодликка интилмайдиганлар, эртанги кунини ўйламайдиганлар, ғуруридан маҳрум, қорин ғамида судралиб юрганлар.

3. Шоирни нима ўртайди? «Эссиз, эссиз, Туркистон, қани аввалги ҳоли?» деганда нимани эслайсиз?

4. Нақорат нима учун келтирилаяпти?

Дарсни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга саволлар бериш, унга бир неча жавоб топиш ўқувчиларни матн устида ишлашга ундайди.

**Аср бошидаги Туркистон қай ҳолда эди? Ҳамзанинг бунга муносабати. Бугунги кун боласи нималар қилмоғи керак?**

1. Яхши ҳолини йўқотган.

2. Истиқболини ўйламайдиган.

3. Ориятсиз, оқибатсиз, ҳамиятсиз («Яхши ҳолин йўқотган» шеъри айтилади).

4. Дардига дармон истамасди (шеър ўқилади).

5. Илм ўрганишлари керак.

6. Илм ҳақидаги ҳикматларга риоя қилмоқлари керак?

Гуруҳлар жавоб тайёрлаётганда «Эй маҳваши замоним» қўшиғи эшиттирилади. Энг яхши жавоб берган ўқувчилар рағбатлантирилади, баҳолар эълон қилинади.

Дарс Ҳамзанинг «Илм иста» шеърини айтиш билан якунланади.

Тест синовларига тайёргарлик кўриш уйга вазифа қилиб топширилади.

**Гулбаҳор ЗУФАРОВА,**
**Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси**

# МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

*Muammo va yechim*

Узлуксиз таълим тизимининг самарали фаолият олиб боришида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда таълим турлари бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва қатор ўқув-методик қўлланмалар яратилган. Бироқ, «Малака ошириш педагогикаси ва хусусий методикаси»да бу борада муаммолар ҳозиргача қадар ҳал этилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур муаммолар малака ошириш тизимида таълимнинг ўзига хослиги, ўқитувчилар билан ишлашнинг ташкилий шакл, восита ва методини тадқиқ қилишни талаб этади.

Тадқиқотда педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий жиҳатини асослаш, ўзига хос ўрни ва мақомини аниқлаш, психологик-педагогик ва ижтимоий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, малака ошириш тизимини оптимал бошқариш йўлларини белгилаш ҳамда хусусий методиканинг илмий-педагогик асосларини яратиш кўзда тутилади.

Жойи келганда шуни айтиш мумкинки, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш масаласи уларга маълум даражада имкониятлар яратиш заруриятини туғдиради.

Маълумки, малака ошириш институтлари таркибида кафедралар ташкил этилиб, унинг илмий салоҳияти кенгайтирилди ва педагогика институтлари қатори фаолият олиб бориш имконияти яратилди. Демак, малака ошириш институтларига аспирантура ва докторантура учун маблағ ажратиш, илмий изланувчиларни эса институтнинг йиллик иш режасига асосан, ойлик маоши сақланган ҳолда илмий сафарларга юбориш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ҳолат тизимнинг юқори даражада такомиллашувига олиб келади.

Ҳозирги кунда 5 йилгача педагогик стажга эга бўлган ёш ўқитувчиларнинг 70 фоиздан ортиғи методологик ёрдамга муҳтож. Бунинг туб сабаблари, биринчидан, педагогика курсини ўқитиш жараёнидаги методологик савиянинг етарли эмаслиги, иккинчидан, ўқув юрти кафедраларининг ёш мутахассислар билан ўзаро алоқасининг сустлиги, учинчидан, малака ошириш тизимида янги ахборот технологиясининг етарли даражада эмаслигидадир.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳозиргача яратилмаган. Курс тингловчилари учун тақвимий-мавзуий режа ва ўқув дастурлари республика миқёсида синхронлаштирилмаган. Вилоятлардаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида ўзи билганча ихтисослик фанларидан тузилган режа ва ўқув дастурлари асосида ёзилган маъруза матнларидан шу кунгача фойдаланиларди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ томонидан «Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курс тингловчилари учун ихтисослик фанларидан давлат талаблари, тақвимий-мавзуий режа ва ўқув дастурлари» ишлаб чиқилди.

Математика ва физика фанларидан мазкур меъёрий ҳужжатлар (Ахборотноманинг махсус сони, 2-қисм, Т.: — 2004 й.), бўйича, уни янада такомиллаштириш юзасидан айрим таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз. Математика ва физика фанларидан режа ва ўқув дастурларини тузувчи муаллиф (М.Маматов, Н.Шарипова, А.Юсупов)лар таълимдаги шу куннинг долзарб масалаларини тўлиқ эътиборга олишмаган. Шунингдек, ўша режада 5, 6, 7, 8, 9-синфларда математика фанини ўқитиш методикасидан 48 соат, 6, 7, 8, 9-синфларда физика фанини ўқитиш методикасидан 32 соат дарс ўтилиши режалаштирилган. Ваҳоланки, бундай материаллар билан тингловчилар олдиндан таниш. Чунки биринчидан, олий ўқув юртларида «Математика ва физика ўқитиш методикаси асослари» дарслари мукаммал ўтилади ва педагогик амалиётда бир неча марта такрорланади, бу ўқитувчилар иш фаолиятида кундалик вазифа ҳисобланиб, курсларда яна қайта ўтиш учун эҳтиёж сезилмайди. Иккинчидан, ҳозирги вақтда ҳар бир синф учун дарслик ва ўқув қўлланмалари билан бирга методик қўлланмалар ҳам яратилганки, бунда юқорида кўрсатилган дарс мавзуларининг методикаси тўла-тўкис баён қилинган. Бизнинг назаримизда, аввало дидактика, педагогика, психология фанларининг муҳим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослик фанларини ўқитишнинг мазмунига доир масалалар баён этилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Ўзбекистонда математика ва физика таълимининг ривожланиши», «Ўзбекистонда математика-физика таълими тарихидан», «Баркамол инсонни шакллантиришда математика-физика таълимининг имкониятлари» каби мавзуларнинг очиб берилиши тингловчиларга фойда беради. Улар Тошкентда 1879 йилда ўқитувчилар тайёрлаш бўйича 4 синфлик курс очилиши, 1929 йилда Абдулла Шуносийнинг физика дарслиги иккинчи марта нашр этилишидан бошлаб, мактабларда математика ва физика фанларини ўқитиш йил сайин янгиланиб бораётганлиги, кўплаб ўзбекистонлик олимлар томонидан яратилган илмий тадқиқот ишлари, нашр этилган илмий-методик қўлланмалар, дарсликлар ва бошқа ихтисосликка оид илмий-методик манбалар билан танишсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўқитувчилар учун ҳозирги вақтда мураккаб муаммолардан яна бири математика ва физика фанларидан давлат таълим стандартларининг мажбурий минимумини аниқлаш ва аниқланган билим, кўникма ва малака (БКМ)лар асосида мажбурий стандарт текширув ишларини (МСТИ) ишлаб чиқишдир.

Мазкур масала Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бир қадар ўз ечимини топди. Масалан, физика, математика, география фанларидан давлат таълим стандартлари мажбурий минимумлари ўқув қўлланма сифатида нашр этилди. Аниқланган БКМ элементлари асосида МСТИлар 6-синфлар учун ишлаб чиқилди. Вилоятимиз мактабларида амалда қўллаш ва унинг ишонарлилик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, ихтисослик фанлари (физика, математика)дан малака ошириш институтлари тингловчилари учун ўқув қўлланмалар яратилди. Мазкур қўлланмалар мазмунида ДТС бўйича физика, математика дастурларининг илмий, назарий, методик таҳлиллари, ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлиги, физика ва математика таълимида миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш масалалари, фанлараро боғланишнинг таълимий аҳамияти, масалалар ечиш алгоритмлари методикаси, қўлда ясалган асбоблар ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш, ЯПТлар ва унинг дидактик имкониятларига эътибор қаратилган.

Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар биринчи навбатда қадриятларга бўлган муносабатни ўзгартиришни тақозо этади. Ҳаёт ва табиатнинг мавжудлиги, шахс ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ўзганинг нуқтаи назарини тушуниш, мулоқот, ҳамкорлик, умуминсоний қадриятларни тан олиш асосий омил бўлмоғи лозим. Бу талаблардан келиб чиққан ҳолда физика ва математика таълимини ҳам инсонпарварлаштириш йўналишларини такомиллаштириш керак. Муҳими, «Оламда мен кимман? Мен яшайдиган олам ўзи нима? Эзгулик нимаю, жаҳолат нима? Менинг мавжудлигим қандай маънога эга?» деган саволларнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, ўқувчига реалликни ижодий тадқиқ этиш кўникмаларини сингдириш масалалари малака ошириш курсларида ўтилаётган ихтисослик фанларининг мазмунида амалга оширилиши кўзда тутилади.

**Х.ИНАТОВ,**
**Жиззах ВПКТМОИ математика ва табиий фанлар кафедраси мудири, доцент,**
**Ш.НЕЪМАТОВА,**
**катта ўқитувчи**

# Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари биринчи (мактаб) босқичини ўтказиш юзасидан тавсиялар ва баҳолаш мезонлари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг ўқишга бўлган интилишларини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган ўқувчилар олимпиадаси улар орасидан энг истеъдодли ва қобилиятлиларини аниқлабгина қолмасдан, балки айни пайтда таълим олаётган барча ўқувчиларнинг чуқур билим олишга қизиқишини оширишнинг муҳим омилларидан бўлмоқда.

Олимпиадалар натижасида ўқувчиларнинг зукколиги, қобилияти ва билим даражаларига кўра фанлар бўйича намоён бўлган қобилиятларини ривожлантиришга замин тайёрланади, шунингдек, уларнинг ўқув фанларини ўрганишга иштиёқлари ва илмга қизиқувчанликлари мавжудлиги аниқланади, юқори синфларга касб танлаш борасида кўмаклашилади, мактабда билим савиясини ошириш, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга эришилади. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институти ходимлари билан ҳамкорликни таъминлашга халқ таълими ходимлари, хусусан, ўқитувчиларнинг ўз фани ва касбига қизиқиш ва масъулияти оширилади.

Маълумки, фан олимпиадалари тўртта — мактаб (лицей), туман, вилоят ва республика босқичларида ўтказилади.

Олдинги йилларда ўтказилган олимпиада натижалари таҳлили қуйи босқичларда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ўқувчиларга бериладиган тестлар сони айрим мактабларда 25 та, айримларида 35 та ва ҳ.к. сонда тайёрланиб ўтказилган. Уч турда бўлиши керак бўлган олимпиадани бир турда, айрим жойларда икки турда ўтказилганлиги кузатилмоқда. Тестларнинг жавобларида ҳам бир хил талаб қўйилмасдан, уларнинг айримларида 3 та баъзиларида 5 та жавоб мавжуд. Тузилган топшириқлар айрим тестларда жуда содда бўлса, баъзиларида анчагина мураккаб берилган.

Аксарият мактабларда олимпиадалар расман ўтказилмасдан, туман олимпиадасига ўқувчилар тўғридан-тўғри фан ўқитувчисининг тавсиясига биноан юборилмоқда. Амалий топшириқларни бажариш кўзда тутилган ҳолларда асбоб-ускуналар етишмаслигини рўкач қилиб, фақат назарий турни ўтказиш билан чегараланган ҳоллар ҳам учрайди. Мактабларда баъзи фанлардан олимпиада ўтказилмай, туман босқичига синовдан ўтмаган ўқувчиларни юбориш ҳоллари ёки жойларда фан олимпиадаларининг 1-2-босқичлари Низомда белгиланган муддатларда ўтказилмай, кейинчалик жиддий тайёргарлик кўрмаган, ҳақиқий кучли билимга эга бўлмаган ўқувчиларни кейинги босқичларга юбориш ҳоллари кузатилди.

Буларнинг барчасига олимпиаданинг мактаб босқичига туман ва вилоят ташкилий қўмитасининг етарли эътибор бермаганлиги сабабдир. Шунинг учун барча умумтаълим мактабларида 1-босқич олимпиадасининг Низомда белгиланган умумий қоидалар ва тартибда ўтказилиши муҳимдир.

Фан олимпиадаларининг биринчи босқичи бевосита умумий ўрта таълим мактабларида ҳар йили ноябрь ойида, ўқувчиларнинг таътил кунларида ўтказилади. Ёшидан қатъий назар, фан олимпиадаларида қатнашиш истагини билдирган барча турдаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчилари иштирок этадилар. 5-8-синфларда кичик фан олимпиадалари ўтказилади. Ўқувчиларга бир ёки уч фандан ўз имкониятларини синаб кўришлари учун тегишли шароит яратилади, қолган босқичларда ҳар бир ўқувчи ўзи истаган ва энг яхши натижаларга эришган фақат битта фан бўйича синфларда иштирок этиши мумкин.

Мактаб олимпиадасини ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Ташкилий қўмитага мактаб директори раислик қилади. Қўмита аъзолари 5-7 кишидан иборат бўлади. Туман халқ таълими бўлими буйруғи асосида мактаб буйруғи чиқарилиб, тадбирлар режаси тузилади ва вазифалар тақсимланади. Буйруқ билан ҳакамлар ҳайъати ва экспертлар гуруҳи тасдиқланади. Бунда иложи борича ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиришда қўшни мактаб билан ўзаро мутахассис алмашиш тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мактабда ўтказиладиган олимпиада жадвали тасдиқланиб, кўринарли жойга, олимпиада ўтказилишидан камида 10 кун олдин осиб қўйилади. Нусхаси назорат учун туман халқ таълими бўлимига топширилади.

Мактабда 5-8-синфларда ўтказиладиган кичик олимпиадани синфлар бўйича қуйидаги фанлардан ўтказиш тавсия этилади.

5-синфларда:
— она тили ва адабиёт;
— рус тили ва адабиёти;
— математика.

6-синфларда:
— она тили ва адабиёт;
— рус тили ва адабиёти;
— математика;
— ботаника, география, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун).

7-синфларда:
— она тили ва адабиёт;
— рус тили ва адабиёти;
— математика;
— физика;
— тарих, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун).

8-синфларда;
— она тили ва адабиёт;
— рус тили ва адабиёти;
— математика;
— физика;
— тарих;
— биология;
— чет тили, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун).

Мактабда ўқувчиларнинг қизиқиши, юқори малакали ўқитувчилари, фан хоналари мавжудлигини ҳисобга олиб, бошқа фанлардан ҳам кичик олимпиадалар ўтказилиши мумкин.

Мактаб олимпиадаси учун тавсия этиладиган тест синови, ёзма иш ва амалий топшириқлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими методика кабинетлари томонидан тайёрланади. Улар махфийлиги таъминланиб, фан олимпиадалари ўтказиладиган кунда жойларга етказилади. Олимпиада топшириқларини тайёрлашда умумий ўрта таълим мактаблари учун тасдиқланган амалдаги дастур ҳамда дарсликлар асос қилиб олинади.

Топшириқлар мазкур фан бўйича ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини аниқлашга ёрдам берадиган, Ватанга садоқат, миллий қадриятлар руҳида тарбиялайдиган, фикрлаш қобилиятини ўстирадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган, мантиқий мушоҳада юритишга йўналтирадиган бўлиши керак.

Олимпиада топшириқлари ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан олинган назарий билим,амалий кўникма ва малакаларини, имло саводхонлиги даражаси, мисол ва масалаларни еча олиш маҳорати, лаборатория тажрибаларини ўтказа олиши, харита билан ишлаш билимини намойиш этишга, уларни аниқлашга ёрдам бериши лозим.

Ҳар бир ўқув фанининг ўзига хос хусусиятлари тест-синов топшириқларини тузишда, оғзаки ижодий иш (лаборатория иши) ва амалий турларини тайёрлаш ва ўтказишда инобатга олинади.

Тестлар, албатта, кўп вариантлилик тамойиллари асосида тузилиши шарт.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларини баҳолашда уларнинг имло саводхонлиги, ўз фикрини адабий тил қонун-қоидалари асосида тўғри ифодалай билишлари ҳам инобатга олиниши лозим.

Олимпиада фанлар хусусиятига қараб бир неча турда (тест-синов, ёзма иш, амалий, лаборатория топшириқлари) ўтказилади. Ўқувчилар барча топшириқларни тўғри бажарсалар, йиғилган умумий кўрсаткич 100 балл деб ҳисобланади. Гуманитар, ижтимоий йўналишдаги фанлар бўйича тест топшириқлари учун 2 дақиқа, табиий ва аниқ фанлар учун 3 дақиқа, вақт ажратилади.

5-8-синфларда олимпиада топшириқларини бажаришда бир кунда 2 соатдан ошмаган ҳолда ўтказиш тавсия этилади.

Барча фанлар бўйича ғолиблар 76 ва ундан юқори балл тўплаган ўқувчилар орасидан белгиланади. Ғолибликка даъвогарларнинг кўрсаткичлари тенг бўлиб қолса, қўшимча 5 та тест топшириқлари берилади. Яна баллар тенг келса, ғолиб аниқлангунга қадар синов давом эттирилади.

Фан олимпиадаларининг 1-босқичи натижалари ўқув муассасасининг педагогика кенгашларида муҳокама этилади. 5-8 ва 9-11-синф олимпиада ғолиблари мактаб томонидан рағбатлантирилади. 9-11-синф ғолибларининг туман (шаҳар) олимпиадасида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

Қуйида умумтаълим фанларидан ўтказиладиган олимпиадаларда бериладиган материаллардан намуналар ва баҳолаш мезонлари келтирилади.

### ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ

Умумтаълим мактабларининг 5-8, 9-11-синфларида олимпиаданинг 1-босқичи 3 турда ўтказилади. Олимпиада синовларини қуйидаги тартибда ўтказиш тавсия этилади.

#### 5-синф

**1-тур:** матн яратиш. Мазкур турда ўқувчининг ижодий, мустақил фикрлаш қобилияти ҳамда саводхонлиги синовдан ўтказилади. Матн яратиш учун 1 соат (60 дақиқа) вақт ажратилади. Мазкур турда энг юқори кўрсаткич 40 баллни ташкил этади.

**2-тур:** тест топшириқларини бажариш. Бу турда ўқувчилар 20 та (10 та она тили ва 10 та адабиётдан) тест топшириғини бажарадилар. Топшириқни бажариш учун 30 дақиқа ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест топшириғига 2 балл, бажарилмаган топшириққа 0 балл қўйилади. Тест топшириқлари учун энг юқори кўрсаткич 40 баллни ташкил қилади.

**3-тур:** оғзаки суҳбат. Бу турда ўқувчининг бадиий асарларни қанча ўқигани, қай даражада тушуниши, асардан олган таассуротлари ва ифодали, ёд ўқиши синаб кўрилади. Оғзаки суҳбат учун энг юқори кўрсаткич 20 балл.

Умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил қилади.

Қуйида олимпиада материаллари ҳамда баҳолаш мезонларидан намуналар келтирилади.

### МАТН ЯРАТИШ УЧУН МАВЗУЛАР

**1- вариант:**
1. Севимли эртагим.
2. Менинг онам.
3. Дўстимнинг фазилатлари.

**2- вариант:**
1. Мен севган қаҳрамон.
2. Одобли бола элга манзур.
3. Китоб — энг яқин дўст.

Ёзма иш қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади.

Мавзуга мос режа тузилган бўлса, матн режа асосида ёзилса, фикрларида ёркин тасаввурлар сезилиб турса, фикрлар далиллар билан исботланса, матнда ҳеч қандай имловий, тиниш белги ва услубий хатога йўл қўйилмаган бўлса, 20/20 балл қўйилади.

Матн режаси мавзуга мос тузилса, мустақил ижодий фикрлаб ёзилган бўлса, фикрлар боғлиқлиги бироз бузилса, режанинг битта банди тўлиқ ёритилмаган бўлса, битта имло, битта тиниш белги хатога йўл қўйилган бўлса, 19/19 балл қўйилади.

Матн мазмуни асосан ёритилган бўлса, матн юқоридаги талабларга жавоб берса, матндаги фикрларда мукаммаллик бироз бузилган бўлса, битта услубий, битта имло, битта тиниш белги хат олишга йўл қўйилган бўлса, 18/18 балл қўйилади.

Матн режасида ва матнни ёритишда бироз саёзлик сезилса, фикрларда айрим нуқсонлар мавжуд бўлса, иккита услубий, иккита имло, иккита тиниш белги хатога йўл қўйилган бўлса, 17/17 балл қўйилади.

Матн мазмунидаги нуқсон ва хатолар сонига қараб ишни баҳолаш шу тариқа давом эттирилади. Энг юқори балл 40 ни ташкил қилади.

### ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

***1. Ёзма нутқ таърифи қайси қаторда тўғри ёзилган?***

А. Бир шахс нутқи. В. Бадиий услубда ёзилади. С. Катта ёки кичик ҳарфлар, тиниш белгилари, турли элементлар билан иш кўрилади. Д. Терма гаплардан иборат бўлади. Е. А ва В жавоблари тўғри

***2. Луғавий маънони тамоман ўзгартирувчи қўшимчали сўзлар қаторини топинг.***

А. Бахтли, истиқлолим, мактабим. В. Декча, рўмолча, қизилча. С. Адирлар, қирлар, тоғлар. Д. Сухандон, ваъзхон, тилшунос. Е. Унумли, сувли, нурли.

***3. Кишилар нутқига жозиба бағишлайдиган, зийнатлайдиган жанр қайси?***

А. Мақол. В. Ибора. С. Топишмоқ. Д. Масал. Е. Ўгит.

***4. Маънавиятнинг асоси нимада?***

А. Одобда. В. Интизомда. С. Ўқишда. Д. Билимда. Е. Мурувватда.

### ОҒЗАКИ ТУР ҚУЙИДАГИЧА БАҲОЛАНАДИ:

Ўқувчилар ўзлари қизиқиб ўқиган бадиий асарлари ва ёд олган шеърлари рўйхатини ёзадилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланган асар юзасидан суҳбат ўтказилади, шеър ёддан ифодали ўқилади.

Ўқувчи камида 10-12 та бадиий асарни ўқиган бўлса, таҳлил қила олса, 10-15та шеърий асарни ёддан ифодали ўқий олса, шеърий санъатлар ва истилоҳлар бўйича ҳамда қўшимча саволларга мукаммал жавоб берса, 19-20 балл билан баҳоланади.

Юқоридаги талабларга жавоб беришда айрим жузъий хатоларга йўл қўйса, яъни бадиий асарни ифодали ўқишда нуқсонлар бўлса, қўшимча саволларга жавоб беришга қийналса, 17-18 балл билан баҳоланади.

Камида 9-10 та бадиий асарни ўқиган бўлса, шунча шеърий асарни ёддан ифодали ўқишда ва шарҳлашда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйса, 15-16 балл қўйилади. Баҳолаш шу тариқа давом эттирилади.

6,7,8-синфларда олимпиада материаллари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги тарзда тузилади.

9-11-синфларда ҳам олимпиаданинг 1-босқичи 3 турда (иншо, тест ва оғзаки суҳбат) ўтказилади.

**1-тур:** иншо. Мазкур турда ўқувчининг ёзма нутқ қобилияти, мустақил фикрлаши ҳамда саводхонлик даражаси синовдан ўтказилади. Иншо ёзиш учун 2 соат (120 дақиқа) вақт ажратилади. Мазкур турда энг юқори кўрсаткич 40 баллни ташкил қилади.

**2-тур:** тест топшириқлари. Бу турда ўқувчилар 50 та (25 та она тили, 25 та адабиётдан) тест топшириғини бажарадилар. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1 баллдан, бажарилмаган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 балл бўлади.

**3-тур:** оғзаки суҳбат. Ўқувчининг бадиий асарларни қанча ўқиганлиги, қандай тушуниши, таҳлил қила олиши ва ифодали ёд ўқиши синаб кўрилади. Бу тур учун энг юқори кўрсаткич 10 баллни ташкил қилади.

### ИНШО МАВЗУЛАРИ:

**1-вариант**
1. Миллий истиқлол ғояси ва қадриятларимиз.
2. Бурч туйғуси — муқаддас.
3. Мен севган асар,

**2-вариант**
1. Бир ғазал таҳлили.
2. Мен севган адабий қаҳрамон.
3. Ватан — она каби муқаддас.

### ИНШОНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

| № | Мазмуни | Балл | Саводхонлиги | Балл |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Мавзуга мос мазмунли режа тузилган бўлса, иншо режага мувофиқ ёзилиб, мантиқан изчил, сўз бойлиги, ифода қурилиши, бадиий матн яратиш қонун-қоидаларига монанд, мустақил ижодий фикрлаб ёзилган, фикрлари ёрқин, асосли бўлса | 20 | Иншода ҳеч қандай имло ва услубий хатоларга йўл қўйилмаган бўлса | 20 |
| 2 | Мавзу режа асосида тўлиқ ёритилиб, юқоридаги талабларга жавоб берса, режанинг бирор банди тўлиқ ёритилмаган бўлса | 19 | Битта имловий хатога йўл қўйилган бўлса | 19 |
| 3 | Иншо режаси мавзуга мос, мустақил ва ижодий тузилган бўлса, матн яратишда асосан юқоридаги талабларга амал қилинган бўлса, бироқ фикрлар боғлиқлиги бироз бузилган бўлса | 18 | Битта услубий, битта имловий, иккита тиниш белги хатога йўл қўйилган бўлса | 18 |
| 4 | Иншо асосан юқоридаги талабларга жавоб берса, бироқ унинг мазмунида, режа тузилишида номукаммаллик учраса, режа бандлари мавзуга тўлиқ монанд бўлмаса, фикрлар баёнида изчиллик етишмаса | 17 | Иккита услубий, иккита имло, иккита тиниш белги хатога йўл қўйилган бўлса | 17 |
| 5 | Иншо мавзуси асосан ёритилса, режа тузилишида ва мавзуни ёритишда изчиллик етишмаса, фикрлар ва хулосаларни асослашда нуқсонлар бўлса | 16 | Учта услубий, учта имло ва учта тиниш белги хатолари мавжуд бўлса | 16 |
| 6 | Иншо режасида ва матнни ёритишда саёзлик сезилса, фикрлар изчил бўлмаса, мавзудан четга чиқиш ҳолати учраса | 15 | Тўртта услубий, учта имло ва учта тиниш белги хатолари мавжуд бўлса | 15 |
| 7 | Иншо режаси саёз тузилган бўлиб, мавзуни ёритишда сўз бойлиги, ифода тузилишида ночорлик сезилиб турса | 14 | Тўртта услубий, тўртта имло ва тўртта тиниш белги хатолари мавжуд бўлса | 14 |
| 8 | Иншо режаси мавзуга мос бўлмаса, мавзудан четга чиқиш каби нуқсонлар учраса, иншони ёритишда такрорлар ва тарқоқ фикрлар мавжуд бўлса | 13 | Бешта услубий, бешта имло ва бешта тиниш белги хатолари мавжуд бўлса | 13 |
| 9 | Иншо мавзуси ёритилмаган, режа бандлари мазмунсиз бўлса, ўқувчи мавзуни тушунмаганлиги, фанни заиф билиши сезилиб турса, фикрлар асосланмаган, хулосаланмаган бўлса | 12 | Олтита услубий, олтита имло ва шунча тиниш белги хатоларга йўл қўйган бўлса | 12 |

**(Давоми 8-бетда.)**

# Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим бўйича олимпиадалари биринчи (мактаб) босқичини

(Давоми. Боши 7-бетда)

Иншо мазмунидаги нуқсон ва хатолар сони турига қараб ишни баҳолаш шу тариқа давом эттирилади.

**Тест топшириқлари**

***1. Қайси гапда ўзгарган тартиб таъсирчанликни юзага келтирган?***

А. Қуёшда нурафшон юртимизнинг антиқа водийсига боряпмиз.

В. Очиқ деразадан тип-тиниқ осмоннинг бир чеккаси кўриниб турибди.

С. Биттадир дунёда Она деган ном!.

Д. Ҳамма ҳам бориши мумкин.

Е. Сўзни тўғри ёзишни ўрган.

***2. Адабий нутқ меъёрлари ҳақидаги таъриф қайси қаторда тўлиқ берилган?***

А. Алоқа-аралашув воситасини бажарувчи нутқ адабий нутқ меъёри ҳисобланади.

В. Расмий-идоравий услубдаги нутқ меъёр ҳисобланади.

С. Тил товушларидан, сўз ва қўшимчалардан, гап қурилиши билан боғлиқ бўлган ифода воситаларидан фойдаланиш ҳақидаги қоидалар нутқ меъёрлари дейилади.

Д. Жонли сўзлашув тили нутқ меъёри ҳисобланади.

Е. Тўғри жавоб йўқ.

***3. Бадиий адабиётнинг мақсад ва вазифалари, йўналишлари, ундаги бадиий тасвир усуллари ҳамда образларнинг маъноларини ўргатувчи қаторни аниқланг***

А. Сўз санъати. В. Адабиётшунослик ўргатади. С. Адабиёт тарихи. Д. Замонавий адабиёт. Е. Танқидчилик санъати.

**Оғзаки тур бўйича баҳолаш мезони**

Ўқувчининг камида 25 та бадиий асарни ўқиганлиги, уларнинг сифати, мазкур асарлардан бир нечтасини таҳлил қила олиши, камида 25 та шеърий асарни ифодали ёд ўқиши, адабиёт назарияси, шеърий санъатлар бўйича истилоҳларни шарҳлай олиши, қўшимча саволларга жавоб бериши энг юқори балл (10) билан баҳоланади.

Юқоридаги талабларга жавоб бериши, камида 20 та бадиий асарни ўқиганлиги, уларни таҳлил қила олиши, шеърий асарлардан камида 20 тасини ифодали ёд билиши, қўшимча саволларга жавоб бера олишига 9 балл қўйилади.

Бадиий асарлардан камида 16 та ўқиганлиги, камида шунча шеърий асарни ифодали ёд билиши, адабиёт назариясидан 4-6 та истилоҳни шарҳлай билишига 8 балл қўйилади.

Камида 10 та бадиий асар ўқиган бўлса, шунча шеърий асарни ёд билса, қўшимча 3-4 саволга жавоб берса, 7 балл қўйилади.

Шу тариқа ўқувчининг билим даражаси, савияси баҳоланади.

10-11-синфлар учун ҳам олимпиада материаллари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги тарзда тузилади.

## ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг 5-8, 9-11-синфларида олимпиаданинг 1-босқичи 3 турда(матн яратиш, тест топшириқларини бажариш, оғзаки суҳбат) ўтказилади. Олимпиада синовларини қуйидаги тартибда ўтказиш тавсия этилади.

### 5-синф

**1-тур:** матн яратиш. Мазкур турда ўқувчининг ижодий, мустақил фикрлаш қобилияти ҳамда саводхонлиги синовдан ўтказилади. Матн яратиш учун 1 соат (60 дақиқа) вақт ажратилади. Мазкур турда энг юқори кўрсаткич 40 баллни ташкил этади.

**2-тур:** тест топшириқларини бажариш. Бу турда ўқувчилар 20 та (грамматик материаллар ҳамда матнлар юзасидан) тест топшириғини бажарадилар. Топшириқни бажариш учун 30 дақиқа ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест топшириғига 2 балл, бажарилмаган топшириққа 0 балл қўйилади. Тест топшириқлари учун энг юқори кўрсаткич 40 баллни ташкил қилади.

**3-тур:** оғзаки суҳбат. Бу турда ўқувчининг кундалик ҳаётида зарур бўлган сўзлашув мавзуларига, оғзаки нутқига эътибор қаратилади. Оғзаки суҳбат учун энг юқори кўрсаткич 20 балл.

Умумий кўрсаткич 100 баллни ташкил қилади.

Қуйида олимпиада материаллари ҳамда баҳолаш мезонларидан намуналар келтирилади.

Матн яратиш учун мавзулар:

**1- вариант**

1. Менинг Ватаним.
2. Китоб — менинг дўстимсан.
3. Соғлиғим — бойлигим.

**2- вариант**

1. Меҳрибоним онам.
2. Мен севган кўрсатув.
3. Олтин куз манзараси.

Ёзма иш қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади.

Мавзуга мос режа тузилган бўлса, матн режа асосида ёзилса, фикрларида ёрқин тасаввурлар сезилиб турса, фикрлар далиллар билан исботланса, матнда ҳеч қандай имловий, тиниш белги ва услубий хатолигига йўл қўйилмаган бўлса, 20/20 балл қўйилади.

Матн режаси мавзуга мос тузилса, мустақил ижодий фикрлаб ёзилган бўлса, фикрлар боғлиқлиги бироз бузилса, режанинг битта банди тўлиқ ёритилмаган бўлса, битта имло, битта тиниш белги хатолигига йўл қўйилган бўлса, 19/19 балл қўйилади.

Матн мазмуни асосан ёритилган бўлса, матн юқоридаги талабларга жавоб берса, матндаги фикрларда мукаммаллик бироз бузилган бўлса, битта услубий, битта имло, битта тиниш белги хатога йўл қўйилган бўлса, 18/18 балл қўйилади.

Матн режасида ва матнни ёритишда бироз саёзлик сезилса, фикрларда айрим нуқсонлар мавжуд бўлса, иккита услубий, иккита имло, иккита тиниш белги хатолигига йўл қўйилган бўлса, 17/17 балл қўйилади.

Матн мазмунидаги нуқсон ва хатолар сонига қараб ишни баҳолаш шу тариқа 0 баллгача давом эттирилади. Энг юқори балл 40 ни ташкил қилади.

**Тест топшириқлари**

***1. «Мактаб» сўзи қандай сўроққа жавоб бўлади?***

А. Ким? В. Нима? С. Қаер? Д. Нималар? Е. Қачон.

***2. Нечта сўроғига жавоб бўладиган сонни аниқланг.***

А. Ўн беш. В. Тўртинчи. С. Еттита. Д. Тўққиз. Е. Бешинчи.

***3. Қайси қаторда қаратқич келишиги ишлатилган?***

А. Севимли китобим. В. Опамдан ёрдам сўрадим. С. Китобни укамга бердим. Д. Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти. Е. Тиниқ сув.

***4. От туркимида келган сўзларни аниқланг.***

А. Чиройли, қизиқарли. В. Ҳамма, барча.С. Биринчи, минглаб. Д. Китоб, мактаб. Е. Мен, сен.

**ОҒЗАКИ ТУР ҚУЙИДАГИЧА БАҲОЛАНАДИ**

Ўқувчи расм асосида кичик матнни мазмунли, мантиқли туза олса, бадиий асардан парчани равон, ифодали ўқиса, қўшимча саволларга жавоб берса, оғзаки нутқида нуқсонлар бўлмаса, 19-20 балл билан баҳоланади.

Юқоридаги талабларга жавоб беришда айрим жузъий хатоларга, яъни қўшимча саволларга жавоб беришда, нутқида баъзи камчиликлар учраса, 17-18 балл билан баҳоланади. Юқоридаги талабларга асосан жавоб бериб ҳикоя тузишда боғлиқлик бироз бузилса, ифодали ўқиш қоидаларида камчилик учраса, 15-16 балл билан баҳоланади.

Баҳолаш шу тариқа давом эттирилади.

6,7,8-синфларда олимпиада материаллари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги тарзда тузилади.

9-11-синфларда ҳам олимпиаданинг 1-босқичи 3 турда (иншо, тест ва оғзаки суҳбат) ўтказилади.

**1-тур:** иншо. Мазкур турда ўқувчининг ёзма нутқ қобилияти, мустақил фикрлаши ҳамда саводхонлик даражаси синовдан ўтказилади. Иншо ёзиш учун 2 соат (120 дақиқа) вақт ажратилади. Мазкур турда энг юқори кўрсаткич 40 баллни ташкил қилади.

**2-тур:** тест топшириқлари. Бу турда ўқувчилар 50 та тест топшириғини бажарадилар. Тест топшириқларини бажаришга 2 соат ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1 баллдан, бажарилмаган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 балл.

**3-тур:** оғзаки суҳбат. Ўқувчининг бадиий асарларни қанча ўқиганлиги, қандай тушуниши, таҳлил қила олиши ва ифодали ёд ўқиши синаб кўрилади. Бу тур учун энг юқори кўрсаткич 10 баллни ташкил қилади.

**Иншо мавзулари:**

**1-вариант**

1. Ўзбекистон – умумий уйимиз.
2. Сув — ҳаёт манбаи.
3. Яхшилик унутилмайди.

**2-вариант**

1. Менинг орзуларим.
2. Ватанга садоқат.
3. Мустақил Ўзбекистонимиз.

**ИНШОНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

| № | Мазмуни | Балл | Саводхонлиги | Балл |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Иншо режа асосида тўғри ва батафсил ёритилган бўлса, мавзуни ёритишда адабий материаллардан ўринли фойдалана олса, фикрлари асосланган бўлса, фикрни ифодалашда мантиқий изчиллик таъминланса, мавзу аниқ ва тушунарли баён қилинган бўлса | 20 | Матнда ҳеч қандай грамматик хато бўлмаса | 20 |
| 2 | Мавзу режа асосида батафсил ёритилиб, мулоҳазалари изчил баён қилинган бўлса, иншо адабий тилда тўғри ёзилган, аммо баён қилишда бадиий-адабий материаллардан фойдаланилмаган бўлса | 19 | Матнда 1 та услубий, 1 та қўпол бўлмаган имло, 1 та тиниш белги хатоси бўлса | 19 |
| 3 | Мавзу асосан тўғри ёритилган бўлиб, ёзма иш юқоридаги талабларга жавоб берса, лекин режа тузишда ва фикрни баён этишда изчиллик бузилган бўлса | 18 | Матнда 2 та услубий, 2 тадан имло ва тиниш белги хатоси бўлса | 18 |
| 4 | Тузилган режа мавзуга мувофиқ келса, бироқ мавзуни ёртишда режа бандлари мукаммал ёритилмаган бўлса, фикрни баён қилишда такрорлар мавжуд бўлса | 17 | 3 та услубий, 3-4 та имло ва тиниш белги хатоси бўлса | 17 |
| 5 | Режа саёзроқ тузилган бўлиб, айрим бандлари мавзуга мос келмаса, фикр баёнида изчиллик етишмаса | 16 | 4 та услубий, 5-6 та имло ва тиниш белги хатоси бўлса | 16 |
| 6 | Иншо режаси саёз тузилган бўлса, мавзуни ёритишда, фикрлар бирмунча тарқоқ бўлиб, хулосалар қисман асосланмаган бўлса | 15 | 5 та услубий, 6-7 та имло ва тиниш белги хатоси бўлса | 15 |
| 7 | Иншога режа тузилмаган бўлса, уни ёритишда мустақиллик ва ижодийлик етишмаса, мавзудан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса | 14 | 5 та услубий, 7-8 та имловий ва тиниш белги хатоси бўлса | 14 |
| 8 | Иншо режаси мавзуга мос бўлмай, мазмун чала ёритилган бўлса, фикрларда ночорлик сезилиб турса, улар хулосаланмаган, такрор ва тарқоқ фикрлар мавжуд бўлса | 13 | 6 та услубий, 7-8 та имловий ва тиниш белги хатоси бўлса | 13 |
| 9 | Иншо мавзуси ёритилмаган, режа бандлари мазмунсиз, фикрлар тарқоқ ёзилган бўлса, ўқувчи мавзуни тушунмаганлиги ёки адабий материални заиф билиши сезилиб турса | 12 | 7 та услубий, 7-8 та имловий ва тиниш белги' хатоси бўлса | 12 |

Иншо мазмунидаги нуқсон ва хатолар сони ҳамда турига қараб ишни баҳолаш шу тариқа 0 баллгача давом эттирилади

**ОҒЗАКИ ТУР ҚУЙИДАГИЧА БАҲОЛАНАДИ**

1. «Ўзбекистон спорти», «Ватаним билан фахрланаман», «Қомусий олимлар», «Миллий қадриятлар — муқаддас», «Наврўз — умумхалқ байрами» каби мавзуларда оғзаки ҳикоя тузиш.

2. Ўқилган бадиий асар таҳлили ёки шеърий асарни ёддан ифодали ўқиш.

Ўқувчи берилган мавзу асосида мустақил ижодий фикрлаб, оғзаки хикоя туза олса, фикрлари мантиқли, асосли бўлса, далиллар билан исботланса, шеърий асарни ёддан ифодали айтса, 10 балл билан баҳоланади.

Юқоридаги талабларга жавоб беришда айрим жузъий хатоларга, яъни ўзбек тилида сўзлашувда, асар таҳлилида ёки шеърни ифодали ўқишда нутқида айрим камчиликлар учраса 9 балл билан баҳоланади.

Ҳикоя тузишда бироз қийналса, фикрларида боғлиқлик бузилса, асар таҳлилида, шеърни ифодали ўқишда айрим нуқсонларига йўл қўйса, 8 балл билан баҳоланади.

Оғзаки турни баҳолаш шу тариқа давом эттирлади.

10-11-синфлар учун ҳам олимпиада материаллари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги тарзда тузилади.

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР

Хорижий тиллардан олимпиаданинг 1-босқичи 3 турда ўтказилиши тавсия этилади. Синов материаллари ўқитувчилар томонидан амалдаги дастур ва дарсликлар асосида тузилиб, методик кенгашда кўриб чиқилади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Хорижий тилларни ўқитиш умумий ўрта таълим мактабларида 5-синфдан бошлангани сабабли мазкур фанлардан 5- синфда олимпиада ўтказиш тавсия этилмайди. Чуқурлаштириб ўқитиладиган ёки ихтисосликка йўналтирилган мактабларда олимпиада синовлари 5-синфдан бошлаб ўтказилади.

**1-тур.** Ёзма (диктант, баён, иншо ёки ижодий иш). Бу турда 5-8-синфларда ўқувчиларнинг саводхонлигини синовдан ўтказиш учун ўқувчиларга турли мавзулардаги матнлар берилади. Матнлар қуйида кўрсатилган жадвалдаги сўз ва мавзулардан ташкил топган бўлиши лозим.

| Синфлар | V | VI | VII | VIII |
|---|---|---|---|---|
| Сўзлар<br>Матнлар | 40-50<br>1. Ўзим ҳақимда.<br>2.Оилам ҳақида. | 60-65<br>1. Кундалик фаолият.<br>2. Мен ёқтирган нарсалар. | 80-90<br>1. Соғлиқ.<br>2. Спорт. | 100-110<br>1. Байрам, урф-одатлар.<br>2. Атроф - муҳит муаммолари. |

Ўқувчиларнинг иши максимал 30 балл билан баҳоланади ва 45 дақиқа вақт ажратилади. Баллар қуйидагича тақсимланади.

| Имло | Балл |
|---|---|
| Ҳеч қандай орфографик, тиниш белгилари ва услубий хатоларга йўл қўйилмаган, ҳуснихати чиройли, тушунишга осон бўлса | 30 |
| 1 орфографик, 2 тиниш белгиси ва 1 услубий хатога йўл қўйилиб, ҳуснихат чиройли, тушунишга осон бўлса | 25 |
| 2 орфографик, 3 тиниш белгиси ва 2 услубий хатога йўл қўйилиб, ҳуснихат яхши бўлса | 20 |
| 3 орфографик, 4 тиниш белгиси ва 3 услубий хатога йўл қўйилиб, ҳуснихат ўртача бўлса | 15 |
| 4 орфографик, 5 тиниш белгиси ва 3 услубий хатога йўл қўйилиб, ҳуснихат ўртача бўлса | 10 |
| 5 орфографик, 6 тиниш белгиси ва 4 услубий хатога йўл қўйилиб, ҳуснихат кўримсиз бўлса | 5 |
| 6 тадан кўпроқ орфографик, 7 тадан ортиқ тиниш белгиси ва 5 та услубий хатога йўл қўйилиб, ҳуснихат ёмон бўлса | 0 |

# мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари ўтказиш юзасидан тавсиялар ва баҳолаш мезонлари

9-11-синфларда ўқувчиларнинг ижодий ва мустақил фикрлаш қобилиятини аниқлаш мақсадида 9-синфлар учун баён матнлари берилиб, 2 соат вақт ажратилади. Баён учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида.
2. Мен ёқтирган касб.

10-11-синфлар учун иншо (эссе) мавзуларидан ташкил топган билетлар берилади. Ўқувчилардан бири хоҳлаган билетлардан бирини танлаб олади, тушган мавзу доскага ўқитувчи томонидан ёзилади. Ўқувчилар танланган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзадилар. Бунга 3 соат вақт ажратилади, иншо учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Биринчи сентябрь — Мустақиллик куни
2. Конституция — Бош Қонун
3. Терроризм — инсоният балоси

9-11-синф ўқувчиларининг ижодий иши максимал 25 балл билан қуйидаги мезон асосида баҳоланади:

| Мазмун | Балл | Имло | Балл |
|---|---|---|---|
| Билдирилган фикр мавзуга тўла мос, мантиқан жуда изчил, тўлиқ мустақил ижодий фикрлаб ёзилган, мазмунан бой бўлса | 13 | Ҳеч қандай орфографик, тиниш белгилари ва услубий хатоларга йўл қўйилмаган, ҳуснихат чиройли, тушунишга осон бўлса | 12 |
| Билдирилган фикр деярли мавзуга мос, мантиқли, ижодий фикрлаб ёзилган бўлса | 11 | 1 орфографик, 2 тиниш белгиси ва 1 услубий хатога йўл қўйилган, ҳуснихат чиройли, тушунишга осон бўлса | 10 |
| Билдирилган фикр деярли мавзуга мос, мантиқли, ижодий фикрлаб ёзилган, лекин фикр тўла ёритиб берилмаган бўлса | 9 | 2 орфографик, 3 тиниш белгиси ва 2 услубий хатога йўл қўйилган, ҳуснихат яхши бўлса | 8 |
| Мавзу бўйича баъзи фикрлар билдирилган, фикр тўла ёритиб берилмаган, тарқоқ, сўз бойлиги камроқ бўлса | 7 | 3 орфографик, 4 тиниш белгиси ва 3 услубий хатога йўл қўйилган, ҳуснихат ўртача бўлса | 6 |
| Мавзу бўйича билдирилган фикрлар ноаниқ, гаплар бир-бири билан боғланмаган, тушунарсиз бўлса | 5 | 4 орфографик, 5 тиниш белгиси ва 3 услубий хатога йўл қўйилган, ҳуснихат ўртача бўлса | 4 |
| Мавзу бўйича билдирилган фикрлар тушунарсиз, мавзу якунланмаган бўлса | 3 | 5 орфографик, 6 тиниш белгиси ва 4 услубий хатога йўл қўйилган, ҳуснихат кўримсиз бўлса | 2 |
| Мавзудан четлашиб кетилган, ҳеч қандай фикр билдирилмаган бўлса | 0 | 6 тадан кўп орфографик, 7 тадан ортиқ тиниш белгиси ва 5 та услубий хатога йўл қўйилган, ҳуснихат ёмон бўлса | 0 |

**2- тур.** Бу турда ўқувчиларнинг ўрганаётган хорижий тилда гапириши, нутқи текширилади. Мазкур босқич қуйидагича амалга оширилади:

1) Расмни тасвирлаб бериш ва ҳакамлар ҳайъати билан шу расм юзасидан суҳбатлашиш;
2) Ситуатив мулоқот (берилган мавзу асосида ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан суҳбатлашиш).

Бу турда 5-8-синф ўқувчилари максимал 30 балл билан баҳоланади. Ўқувчи расмни олгандан сўнг унга тайёргарлик кўриш учун 10 дақиқа, расмни тасвирлаб бериш ва ҳакамлар ҳайъати билан шу расм юзасидан суҳбат учун 10 дақиқа, ситуатив суҳбат учун 10 дақиқа ажратилади.

Баллар қуйидаги мезонга кўра аниқланади:

| Расмни тасвирлаш ва ҳакамлар ҳайъати билан шу расм юзасидан суҳбатлашиш | Балл | Ситуатив мулоқот | Балл |
|---|---|---|---|
| Расм хорижий тилда равон нутқда мантиқан изчил ва батафсил тасвирлаб берилса. Ҳакамлар ҳайъати томонидан шу расм юзасидан берилган саволларни тўғри тушунган ҳолда жавоб берилса | 15 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида хато, камчилик кузатилмаса, нутқи равон, мантиқан изчил бўлса | 15 |
| Расм хорижий тилда равон, мантиқан изчил ва батафсил тасвирлаб берилса. Ҳакамлар ҳайъати томонидан расм юзасидан берилган саволларни тушуниб, лекин жавоб беришда бироз қийналса | 12 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида хато ва камчиликлар кузатилса. Нутқи равон,мантиқли, изчил бўлса | 12 |
| Расм хорижий тилда тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни қийинчилик билан тушуниб, жавоб беришда қийналса | 9 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида камчиликлар ҳамда грамматик, лексик хатолар кузатилса. Нутқи равон бўлса | 9 |
| Расм хорижий тилда тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни қийинчилик билан тушунса ва такрорлашни сўраса ҳамда жавоб беришда қийналса | 7 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида камчиликлар ҳамда грамматик, лексик хатолар тез-тез кузатилса, фикрлар чалкаш бўлса | 7 |
| Расм хорижий тилда қисман тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни англай олмаса, такрорлашни сўраса ҳамда жавоб беришда қийналса | 5 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида мақсад аниқ ифода этилмаслиги кузатилса, сўз бойлиги етарли бўлмаса, фикрлар саёз бўлса | 5 |
| Расм бўйича билдирилган фикрларини тушуниб бўлмаса, она тилига тез-тез мурожаат қилса. Тасвирлаш батафсил бўлмаса | 3 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида мақсад аниқ ифода этилмаса, гапириш малакаси унча ривожланмаган бўлса | 3 |
| Расмни умуман тасвирлаб бера олмаганда, ҳакамлар ҳайъати саволларига жавоб бера олмай, гапириш малакасига эга бўлмаса | 0 | Мавзу бўйича мулоқот қила олмаса, саволларни умуман тушуна олмаса, ҳамда гапириш малакасига эга бўлмаса | 0 |

Расмлар қуйидаги мавзуларда берилиши тавсия этилади:
1. Менинг оилам
2. Мактаб
3. Уй ва ёввойи ҳайвонлар

9-11-синф ўқувчиларига максимал 15 балл қўйилади.

Ўқувчи расмни олгандан сўнг унга тайёргарлик кўриш учун 5 дақиқа, расмни тасвирлаб бериш ва ҳакамлар ҳайъати билан шу расм юзасидан суҳбат учун 10 дақиқа, ситуатив суҳбат учун 10 дақиқа берилади.

Баллар қуйидаги мезонга кўра аниқланади:

| Расмни тасвирлаш ва ҳакамлар ҳайъати билан шу расм юзасидан суҳбатлашиш | Балл | Ситуатив мулоқот | Балл |
|---|---|---|---|
| Ўқитувчи расмни хорижий тилда равон нутқда мантиқан изчил ва батафсил тасвирлаб, ҳакамлар ҳайъати томонидан шу расм юзасидан берилган саволларни тўғри тушунган ҳолда жавоб берса | 8 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида хато, камчилик кузатилмаса, нутқи равон ва мантиқан изчил бўлса | 7 |
| Расм хорижий тилда равон нутқда, мантиқан изчил ва батафсил тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни тушуниб, лекин жавоб беришда бир оз қийналса | 7 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида хато ва камчиликлар кузатилса нутқи равон ва мантиқан изчил бўлса | 6 |
| Расм хорижий тилда тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни тўла тушуна олмай, жавоб беришда қийналса | 6 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида камчиликлар ҳамда грамматик, лексик хатолар кузатилса, нутқи равон бўлса | 5 |
| Расм хорижий тилда тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни англамасдан, такрорлашни сўраса ҳамда жавоб беришда қийналса | 5 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида камчиликлар ҳамда грамматик, лексик хатолар тез-тез кузатилса, фикрлар чалкаш бўлса | 4 |
| Расм хорижий тилда қисман тасвирлаб берилса, расм юзасидан берилган саволларни англай олмай, такрорлашни сўраса ҳамда жавоб беришда қийналса | 4 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида мақсад аниқ ифода этилмаслиги кузатилса, сўз бойлиги кам, фикрлар саёз бўлса | 3 |
| Расм бўйича билдирилган фикрларни тушуниб бўлмаса, она тилига тез-тез мурожаат қилиб, тасвирлаш батафсил бўлмаса | 3 | Берилган мавзу бўйича суҳбат жараёнида мақсад аниқ ифода этилмаса, гапириш малакаси унча ривожланмаган бўлса | 2 |
| Расмни умуман тасвирлаб бера олмаса, ҳакамлар ҳайъати саволларига жавоб бера олмай, гапириш малакасига эга бўлмаса | 0 | Мавзу бўйича мулоқот қила олмай, саволларни умуман тушунмай, гапириш малакасига эга бўлмаса | 0 |

**Изоҳ:** Оғзаки синов барча ўқувчилар иштирокида ўтказилади.

**3-тур.** Тест. Бу турда 5—8-синф ўқувчиларига 20 та ва 9—11-синф ўқувчиларига 30 та тест саволлари берилади. Ҳар бир тўғри тест жавоби учун 2 баллдан ва нотўғри тест жавоби учун 0 баллдан белгиланади. Умумий балл 5—8-синф ўқувчилари учун максимал 40 балл ва 9—11-синф ўқувчилари учун максимал 60 баллни ташкил этади. Тест топшириқларини бажариш учун 60 дақиқа (1 соат) вақт ажратилади.

## ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

«Давлат ва ҳуқуқ асослари»дан олимпиада 9-11-синфларда 2 турда ўтказилади.

**1-тур** — мустақил ишдан иборат бўлиб, ушбу тур саволлари конвертга солиниб, муҳрланади. Мустақил иш учун 1.30 соат вақт берилади.

**2-тур** — 40 та тест топшириқларидан иборат.

Мустақил иш учун максимал 20 балл, тест топшириқлари учун максимал 80 балл қўйилади. Жами 100 балл.

Мустақил ишда 2 та савол бўлиб, 1-савол Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, 2-савол муаммоли вазият бўлиб, иштирокчи берилган вазият (ҳолат)ни қонунлар асосида шарҳлаши лозим.

Ҳар бир тўғри жавобга 10 баллдан қўйилади. Жами мустақил иш учун 20 балл қўйилади.

1-савол бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддасининг тартиб рақами кўрсатилади ва қуйидагича балланади:

— ўқувчи барча саволларга тўғри жавоб берса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан тўғри фойдаланса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида шарҳласа, мисоллар билан тўлдирса – 10 балл;

— ўқувчи саволга тўғри жавоб берса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда хатоликларга йўл қўйса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида шарҳласа, мисоллар билан тўлдирса, 9 балл;

— ўқувчи тўғри жавоб берса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланса, лекин берилган саволни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида шарҳлашда моддаларни адаштирса, мисол келтира олса — 8 балл;

— ўқувчи саволга тўғри жавоб берса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда бир неча хатоликларга йўл қўйса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида шарҳлашда қийналса, бироқ мисол келтира олса — 7 балл;

— ўқувчи берилган саволга тўғри жавоб берса, лекин ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда жиддий хатоликларга йўл қўйса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлай олса, бироқ мисол келтира олмаса — 6 балл;

— ўқувчи берилган саволга тўғри жавоб берса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда қўпол хатоликларга йўл қўйса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлай олмаса, мисоллар билан фикрини тўлдирмаса — 5 балл;

— ўқувчи берилган саволга тўғри жавоб берса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда қўпол хатоликларга йўл қўйса, берилган саволни шарҳлашда Конституция моддаларини чалкаштириб юборса, мисол келтира олмаса — 4 балл;

— ўқувчи берилган саволга тўлиқ жавоб бермаса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда хатоликка йўл қўйса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлай олмаса, лекин жавоб беришга ҳаракат қилса, мисоллар келтира олмаса — 3 балл;

— ўқувчи берилган саволга тўлиқ жавоб беришда бир неча хатоликларга йўл қўйса, ҳуқуқшуносликка оид терминлардан фойдаланишда қўпол хатоликларга йўл қўйса, берилган саволни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлай олмаса, мисоллар келтира олмаса — 2 балл;

— ўқувчи берилган модданинг номини айтиш билан чекланса — 1 балл;

— ўқувчи берилган саволга нотўғри жавоб берган бўлса — 0 балл.

2-савол — берилган вазият (ҳолат) бўйича иштирокчиларга қуйидагича балл қўйилади:

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни тўғри ечса, ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўлласа, берилган вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳласа, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларига эътиборни қаратган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлса, вазиятни ечишга оид қонун моддаларини тўғри қўллай билса ҳамда хулоса чиқара олса — 10 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият(ҳолат)ни тўғри ечса, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида шарҳласа, уни ечишга оид қонун моддаларини тўғри қўлласа, хулоса чиқара олса, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларига эътиборни қаратса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлса, лекин ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўллашда хатоликларга йўл қўйса — 9 балл;

— агар иштирокчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни тўғри ечса, уни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳласа, ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўлласа, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларига эътиборни қаратган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлса, хулоса чиқара олса, лекин бир неча жузъий хатоликларга, вазиятни ечишга оид қонун моддаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйса — 8 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият(ҳолат)ни тўғри ечса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳласа, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларига эътиборни қаратган бўлса, лекин қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса, уни ечишга оид қонун моддаларини ва ҳуқуқшуносликка оид терминларни қўллашда хатоликларга йўл қўйса — 7 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият(ҳолат)ни тўғри ечса, ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўлласа, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларига эътиборни қаратган бўлса, уни ечишга оид қонун моддаларини тўғри қўллай билса, лекин Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлай олмаса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса, хулоса чиқаришда хатоликларга йўл қўйса — 6 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни тўғри ечса, ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўлласа, хулоса чиқара олса-да, лекин берилган вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлашда хатоликларга йўл қўйса, унинг объектив ва субъектив томонларини очиб бермаган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса, вазиятни ечишга оид қонун моддаларини тўғри қўллай билмаса — 5 балл;

**(Давоми 10-бетда)**

# Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари биринчи (мактаб) босқичини ўтказиш юзасидан тавсиялар ва баҳолаш мезонлари

**(Давоми. Боши 9-бетда.)**

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни тўғри ечса, хулоса чиқара олса, лекин ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўллашда, уни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлашда хатоликларга йўл қўйса, вазиятни ечишга оид қонун моддаларидан фойдаланмаса, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларини очиб бермаган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса — 4 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни тўғри ечса, ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўллашда, берилган вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлашда хатоликларга йўл қўйса, қонун моддаларидан фойдаланмаса, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларини очиб бермаган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса, хулоса чиқаришда хатоликларга йўл қўйса — 3 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни тўғри ечса, лекин Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлашда, ҳуқуқшуносликка оид терминларни тўғри қўллашда, хатога йўл қўлса вазиятни ечишга оид қонун моддаларидан фойдаланмаса, вазиятнинг объектив ва субъектив томонларини очиб бермаган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса, хулоса чиқаришда жиддий хатоликларга йўл қўйса — 2 балл;

— ўқувчи берилган саволда кўрсатилган вазият (ҳолат)ни изоҳлашда ҳуқуқшунослик терминларини тўғри қўлласа, лекин уни тўғри ечишда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида шарҳлашда хатоликларга йўл қўйса, ҳолатни ечишга оид қонун моддаларидан фойдаланмаса, унинг объектив ва субъектив томонларини очиб бермаган бўлса, қиёсий таҳлиллар мавжуд бўлмаса, хулоса чиқара олмаса — 1 балл;

Бериладиган барча топшириқлар 9-синфлар учун, асосан, 8-синф дастури ва қисман 9-синф дастури асосида, 10-синфлар учун 8-9 ва қисман 10-синф, 11-синфлар учун 8-9-10 ва қисман 11-синф дастури асосида тузилиши керак.

### ТАРИХ

Тарихдан олимпиада 7-8-синфлар учун 1 турда, 9-11-синфлар учун 2 та турда ўтказилади.

7-8-синфлар учун 50 та тест топшириқлари тузилади. Ҳар бир тўғри жавоб — 2 балл билан баҳоланади. Тест топшириқларининг 70 фоизи Ўзбекистон тарихидан, 30 фоизи Жаҳон тарихидан тузилади.

9-11-синфлар учун ўтказиладиган олимпиада мустақил иш ҳамда тест топшириқларидан иборат бўлади.

Мустақил иш — максимал 20 балл.

Тест синов топшириқлари — максимал 80 балл.

Жами — максимал 100 балл.

1-турда мустақил иш учун 1:30 соат вақт ажратилади.

Турда 2 тадан савол бўлиб, конвертларга муҳрланади.

1-саволда тарихий шахслар расмлари берилади:

— берилган расмдаги тарихий шахснинг исмшарифини айтиш билан чекланилса, иштирокчига — 2 балл қўйилади;

— берилган расмдаги тарихий шахснинг исмшарифини, қачон ва қаерда туғилганлигини айтса, иштирокчига — 4 балл қўйилади;

— берилган расмдаги тарихий шахснинг исмшарифи, қачон ва қаерда туғилганлиги ҳамда биографиясини кўрсатса, иштирокчига — 6 балл қўйилади;

— берилган расмдаги тарихий шахснинг исмшарифи, қачон ва қаерда туғилгани, биографияси, ёзган асарлари, қилган ишларини ёзса, иштирокчига 8 балл қўйилади;

— берилган расмдаги тарихий шахснинг исмшарифи, қачон ва қаерда туғилгани, биографияси, ёзган асарлари, қилган ишларини ёзса, давлат тарихини, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматларини, давлатимизнинг берилган тарихий шахснинг номини абадийлаштириш учун олиб бораётган ишларини кўрсатса, иштирокчига 10 балл қўйилади.

2-савол тарихий архитектура ёдгорликларидан бўлиб, тарихий обидаларнинг расмлари кўрсатилади ва иштирокчиларга қуйидагича балл қўйилади:

— иштирокчи берилган архитектура ёдгорлигининг номини айтиш билан чекланса — 2 балл қўйилади;

— иштирокчи берилган архитектура ёдгорлигининг номини айтса, қурилган даврини кўрсатиш билан чекланса — 4 балл қўйилади;

— иштирокчи берилган архитектура ёдгорлигининг номини айтса, қурилган даврини кўрсатса, қурилиш тарихини ёзиш билан чекланса — 6 балл қўйилади;

— иштирокчи берилган архитектура ёдгорлигининг номини айтса, қурилган даврини кўрсатса, қурилиш тарихини ёзса, берилган обиданинг ўзига хос архитектура услублари ҳақида тўхталса — 8 балл қўйилади;

— иштирокчи берилган архитектура ёдгорлигининг номини айтса, қурилган даврини кўрсатса, қурилиш тарихини ёзса, берилган обиданинг ўзига хос архитектура услублари ҳақида тўхталса, берилган обиданинг ҳозирги ҳолати ҳақида тўхталса, давлатимизнинг берилган тарихий обидага муносабатини кўрсата олса — 10 балл қўйилади;

Берилган барча топшириқлари 7-синфлар учун 6-синф, қисман 7-синф, 8-синфлар учун 6-7 синф қисман 8-синф, 9-синфлар учун асосан 6-7-8-синф дастури ва қисман 9-синф дастури асосида, 10-синфлар учун 6-7-8-9 ва қисман 10-синф, 11-синфлар учун 6-7-8-9-10 ва қисман 11-синф дастури асосида тузилиши, ДТС талабларига мос бўлиши керак.

### Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан ўтказиладиган олимпиаданинг мактаб босқичи икки турда ўтказилади, яъни амалий ва тест-синов усулида. Амалий топшириқлар ва тест саволлари туман методика кабинети томонидан тақдим этилади.

Биринчи тур амалий бўлиб, унда 3 та масала тақдим этилади. Учта масала кўп вариантлилик тамойили асосида танлаб олинади. Бунда ўқувчиларга камида учта конверт тақдим этилади. Ҳар бир конвертда учтадан масала жойлашган бўлади ва шулардан биттаси ўқувчилар томонидан танланади. Ҳар бир масала алоҳида баҳоланади:

— Биринчи масала содда бўлиб — 5 балл билан;

— иккинчи масала ўртача қийинликда бўлиб — 10 балл билан;

— учинчи масала мураккаб бўлиб — 15 балл билан баҳоланади.

Ҳар бир масала учун бир соат вақт берилади. Масалага дастур тузиш ўқувчи томонидан ихтиёрий дастурлаш тили ёрдамида компьютерда амалга оширилади. Масалага тузилган дастур компьютерда текширилади ва қуйидагича баллар қўйилади:

| Баҳолаш талаблари | 1-масалага | 2-масалага | 3-масалага |
|---|---|---|---|
| Топшириқ шартига тўлиқ жавоб берувчи, хатолардан бутунлай холи бўлган, фақат тўғри натижалар чиқарувчи ва чиройли ташкил этилган дастурга | 5 балл | 10 балл | 15 балл |
| Топшириқ шартига тўлиқ жавоб берувчи, хатолардан бутунлай холи бўлган, фақат тўғри натижалар чиқарувчи дастурга | 4 балл | 9 балл | 14 балл |
| Масала шартига жавоб берувчи, баъзи хатолардан холи бўлмаган, айрим тўғри натижалар чиқарувчи ва чиройли ташкил этилган дастурга | 3 балл | 6 балл | 10 балл |
| Масала шартига жавоб берувчи, баъзи хатолардан холи бўлмаган, айрим тўғри натижалар чиқарувчи дастурга | 2 балл | 5 балл | 9 балл |
| Масала шартига фақат битта хусусий ҳолдагина жавоб берувчи, хатолардан холи бўлмаган, ҳеч бўлмаганда битта тўғри натижа берувчи ва ишлаш жараёни чиройли ташкил этилган дастурга | 1 балл | 1 балл | 1 балл |
| Масалани бутунлай ечмаган қатнашчи ёки бошқа масаланинг ечимини ифодаловчи дастурга | 0 балл | 0 балл | 0 балл |

Масала шартларининг бажарилишини, яъни масала ечимларини компьютерда тестлар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

Жами амалий иш учун максимал — 30 балл тўпланади.

Иккинчи тур тест-синов усули бўлиб, бунда 35 та тест берилади. Ҳар бир тестнинг тўғри жавоби учун 2 балл, нотўғри жавоби учун — 0 балл қўйилади. Жами — 70 балл, умумий максимал йиғилган балл — 100 бални ташкил этади.

### ГЕОГРАФИЯ

Умумтаълим мактабларида география фанидан кичик олимпиадалар 6-синфдан бошлаб ўтказилади. 7-8-синфларда ихтиёрий равишда кичик олимпиадалар ўтказилиши мумкин. Мактаб олимпиадаси материалларини тайёрлашда қуйи синфларда ҳамда шу синфнинг биринчи чораги давомида ўрганилган материаллардан фойдаланилади.

Олимпиада 2 турда ўтказилади.

1-тур: амалий топшириқлар ёзма равишда ўтказилади. Унда картографик қўлланмалар, диаграммалар, жадваллар билан ишлаш асосида тузилган 3 та топшириқ берилади.

Амалий топшириқларни баҳолаш мезони қуйидагича:

— ҳар бир топшириқ хатосиз, мантиқий тўлиқ ифодаланган ҳолда бажарилган бўлса -10 балл;

— топшириқларни бажаришда илмий хатоликларга йўл қўйилмаган, лекин топшириқлар таҳлил қилинмаган ва мантиқий фикрлар тўла баён этилмаган бўлса — 8 балл;

— жузъий хатоликка йўл қўйилган, топшириқлар тўла бажарилмаган ҳолда — 6 балл;

— икки ва ундан ортиқ илмий хатоликларга йўл қўйилганда — 4 балл;

— топшириқларни бажаришга қисман ёндашса — 2 балл ;

— умуман иш бажарилмаса - 0 балл қўйилади.

1-тур бўйича максимал кўрсаткич — 30 баллни ташкил этади.

2-тур: тест топшириқлари асосида ўтказилади. Тест топшириқларининг сони 35 та бўлиб, тўғри жавоб — 2 балл, нотўғри жавоб 0 балл билан баҳоланади. 2-тур бўйича максимал балл 70 баллни ташкил этади. Ҳар икки турдан жами максимал 100 балл тўпланади.

Умумтаълим мактабларининг 9-11-синфларида ҳам олимпиадалар шу тарзда ўтказилиб шу асосда баҳоланади.

### КИМЁ

Умумтаълим мактабларида кимё фани бўйича кичик олимпиада 8-синфдан ўтказилади. Ушбу Олимпиадалар 3 турда ўтказилади.

1-тур — масала ечиш. Масалалар сони 3 та бўлиб, ҳар бир тўла ва тўғри ечилган масала максимал — 10 балл билан баҳоланади.

1-турни баҳолаш мезони қуйидагича:

— масала энг қулай йўл билан ечилган, мантиқий фикрлаб ечишда хатоларга йўл қўйилмаган бўлса — 10 балл;

— масала мураккаб ва ноқулай усулда ечилган ёки 2 тадан ортиқ бўлмаган хатога йўл қўйилган, мантиқий фикрлаб ечилган бўлса — 8 балл;

— масала ечишда мантиқий фикрларда хатолар бўлмаса, аммо математик ҳисоблашларда жиддий хатога йўл қўйилган бўлса — 2 балл;

— масала нотўғри ечилган ёки ечилмаган бўлса- 0 балл қўйилади.

2-турда амалий 1 та лаборатория иши берилади. Кимё фани лаборатория ишлари дастури доирасида тайёрланган 3 та вариантдан биттаси қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинади. Бажарилган лаборатория иши максимал — 20 балл билан баҳоланади.

2-турни баҳолаш мезони:

— тажриба тўлиқ ва тўғри бажарилган, кузатишлардан тўғри хулосалар чиқарилган, модда ҳамда жиҳозлар билан ишлаш хавфсизлик техникасига риоя қилинган бўлса — 20 балл;

— тажриба тўлиқ ва тўғри бажарилган, кузатишлардан тўғри хулоса чиқарилган, лекин хавфсизлик қоидалари бузилган бўлса — 16 балл;

— тажриба тўлиқ ва тўғри бажарилган хулоса ва кузатишлар чала бажарилган бўлса —12 балл;

— тажриба тўлиқ ва тўғри бажарилган, хулоса ва кузатишлар чала бажарилган, хавфсизлик қоидалари бузилиши кузатилса — 8 балл;

— тажриба тўлиқ бажарилмаган, кузатишлар чала бажарилса, хулосалар чиқарилмаса — 4 балл;

— тажриба бажаришда техника хавфсизлиги қоидалари бузилган ва жиддий хатоларга йўл қўйилса ёки иш бажарилмаган бўлса — 0 балл қўйилади.

**3-тур.** Тест топшириқлари бажарилади, тестлар сони 25 та, ҳар бир тўғри жавоб — 2 балл, нотўғри жавоблар 0 балл билан баҳоланади. Жами — 50 балл.

Умумий балл — 100 балл.

Умумтаълим мактабларининг 9 — 11-синфларида ҳам олимпиадалар 3 турда ўтказилади. Бунда:

1-турда 6 та масала берилади ва у 8 баллик тизимда баҳоланади. Жами — 48 балл.

2-тур лаборатория ишида 1та иш берилади ва у максимал — 20 балл билан баҳоланади.

3- турда тест-синов топшириқлари сони 32 та бўлиб, тўғри жавоблар 1 балл билан баҳоланади. Жами — 32 балл.

Умумий балл —100 балл.

### БИОЛОГИЯ

Умумтаълим мактабларида биология фани бўйича кичик олимпиадалар 6-синфдан бошлаб ўтказилади.

Олимпиадалар 3 турда ўтказилади.

**1-тур.** Ёзма ишда 3 та ёзма савол берилади.Саволларга берилган жавоблар қуйидагича баҳоланади:

— савол мазмуни тўлиқ очиб берилса, таърифлар, тушунчалар тўлиқ ва аниқ ёритилса, савол ва топшириқларни тўғри ҳал қилиш учун асосий тушунчалар,қонунлар,назарияларнинг таърифи тўғри қўлланса —10 балл қўйилади;

— берилган саволга жавоблар тўлиқ бўлса-ю, баён этишда изчиллик бироз бузилса, илмий атамаларни қўллаш ҳамда кузатиш, тажрибалардан хулоса чиқаришда бир оз ноаниқлик бўлса — 8 балл;

— берилган саволлардаги ўқув материалларининг асосий мазмунини ўзлаштирган, лекин у қисқа ва изчил бўлмаса, тушунчалар таърифи ноаниқ бўлса — 6 балл ;

— берилган саволларга мустақил хулоса чиқариб ҳамда умумлашмалардан фойдалана олмаса ёки уларни баён этишда хатоликка йўл қўйилса, илмий атамалардан фойдаланишда хатоликка йўл қўйилса — 4 балл;

— ўқув материали юзасидан тушунчалар таърифи бўлмаса, илмий атамаларни қўллашда ёки кузатиш ва тажрибалардан хулоса чиқариш, умумлаштиришга нотўғри ёндашилса, топшириқда кўплаб хатолар учраса - 2 балл қўйилади;

— топшириқ юзасидан умуман ҳеч қандай иш бажарилмаса −0 балл қўйилади.Максимал балл — 30.

2-тур: Лаборатория иши ўтказилади. Лаборатория иши қуйидагича баҳоланади:

— тажриба ва аниқлаш ишларида тегишли кетма-кетликка риоя қилинса ҳамда тўлиқ бажарилса, ҳисоботда жадваллар, расм, чизмалар тўғри ва тартибли бажарилса −15-20 балл қўйилади;

— 20 баллга қўйилган талаблар бажарилса, бироқ ишни бажаришда айрим жиддий бўлмаган камчиликларга, хатоликларга йўл қўйилса- — 10-14 балл қўйилади;

— бажарилган иш натижасига кўра тўғри хулоса олишга имкон берса, лекин хатоликларга йўл қўйилса — 6-9 балл қўйилади;

— тажриба тўғри олиб борилса, натижа бўйича олинган хулоса нотўғри талқин қилиниб, ҳисобот тўлиқ бўлмаса — 1-5 балгача қўйилади;

— тажриба тўғри бажарилмаса, хулосалар нотўғри олинса, ҳисобот ёзилмаса - 0 балл қўйилади.

Лаборатория ишини бажаришда меҳнат хавфсизлигига риоя қилинмаса, қўйилган балл пасайтирилади.

3-турда тест топшириқлари 25 та берилади. Тўғри жавоблар - 2 балл, нотўғри жавоблар −0 балл билан баҳоланади. Жами - 50 балл.

Умумий балл −100 баллни ташкил этади.

Умумтаълим мактабларининг 9-11-синфларида олимпиадалар 3 турда ўтказилади. Бунда:

1-турда ёзма топшириқлар сони 8 та бўлиб, 6 баллик тизимда баҳоланади. Жами 48 балл.

2-турда 1та амалий лаборатория иши берилади, у максимал — 20 балл билан баҳоланади.

3-турда 32 та тест топшириқлари берилади, тўғри жавоблар — 1 балл билан баҳоланади. Жами — 32 балл.

Умумий — 100 балл.

### ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

Умумтаълим мактабларида иқтисодий билим асослари бўйича олимпиадалар 9-11-синфларда 2 турда ўтказилади.

**1-тур:** ёзма иш. 1-турда 5 та иқтисодий масалани ечиш назарда тутилади. Ҳар бир тўғри ечилган масала — 6 балл билан баҳоланади. Бунда масала тўғри ва тўлиқ ечилган, иқтисодий формулалар ўринли ва тўғри қўлланилган бўлса -6 балл;

— масалани ечишда жузъий хатоликларга йўл қўйилган, лекин масала тўғри ва тўлиқ ечилган бўлса - 5 балл;

— масалани ечишда формулалардан тўғри фойдаланилган, масаланинг жавоби тўғри, лекин ечилиш йўли кўрсатилмаган бўлса — 4 балл;

— масала ечимида формулалар ва математик амаллардан фойдаланишда баъзи чалкашликларга йўл қўйилган, масаланинг ечилиш тартиби бузилган, лекин масала жавоби тўғри бўлса −3 балл, масаланинг мазмунига мос формулалар ва математик амаллардан тўғри фойдаланилган, масалани ечишга ҳаракат қилинган, лекин охиригача ечилмаган бўлса — 2 балл;

— масаланинг ечилиш тартиби бузилган, формула ва математик амаллардан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган, лекин охиригача ечилмаган бўлса — 3 балл;

— фойдаланилган формулалар ва математик амаллар масаланинг мазмунига қисман тўғри келмаса, лекин масалани ечишга ҳаракат қилинган ва охиригача ечилмаган бўлса — 1 балл;

— масала умуман ечилмаган бўлса — 0 балл қўйилади.

1-тур бўйича жами — 30 балл.

**2-тур:** тест синови. 35 та тест берилиб, ҳар бир тўғри жавоб −2 балл билан, нотўғри жавоб эса - 0 балл билан баҳоланади. Жами 70 балл.

Умумий —100 балл.

### ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТЕХНИКАВИЙ ЧИЗМАЧИЛИК

Умумтаълим мактабларида чизмачилик фанидан олимпиада 9-11-синфларда 2 турда ўтказилади.

**1-тур:** амалий график усул.1-турда график иш бажарилиб, улар лойиҳалаш элементлари мазмунига эга бўлади. График ишни баҳолашда график саводхонлик, лойиҳанинг янгилиги, технологик, иқтисодий ва техникавий дизайн ечими ҳисобга олинади.График ишни бажариш учун 3 соат вақт берилади.

У қуйидагича баҳоланади:

График саводхонлик - 40 балл, чизиқ турлари −5 балл; чизмаларни расмийлаштириш ва жойлаштириш −5 балл; ўлчам қўйиш қоидалари −5 балл; шартлилик ва соддалаштиришлардан фойдаланиш - 4 балл; кўринишларни ГОСТ талаблари асосида танлаш −4 балл; чизмалар проекциясининг бажарилиши - 7 балл; лойиҳалаш ва техникавий дизайн - 5 балл.

**2-тур:** ўқувчиларга график тайёргарлигининг барча жиҳатлари бўйича 30 та тест саволи берилади. Ҳар бир тўғри жавоб −2 балл, нотўғри жавоб - 0 балл билан баҳоланади. Максимал — 60 балл бўлади.

Умумий - 100 балл.

### МАТЕМАТИКА

5-, 8-синфларда олимпиада 2 турда ўтказилади.

**1-тур.** Ёзма иш. Олимпиада қатнашчиларига мураккаблиги жиҳатидан турлича бўлган 6 та топшириқ берилади. Ҳакамлар ҳайъати топшириқларнинг мураккаблик даражасига қараб, ҳар бир топшириқ учун — 10 бални белгилайди. Жами 60 балл.

**2-тур.** 20 та тест топшириғи тавсия этилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл, нотўғри жавоб 0 балл билан баҳоланади. Жами — 40 балл.

Умумий — 100 балл.

9 - 11-синфларда олимпиада 2 турда ўтказилади.

1. Ёзма иш.
2. Тест топшириқлари.

**1-тур.** Олимпиада қатнашчиларига мураккаблиги жиҳатидан турлича бўлган 6 та топшириқ берилади. Ҳакамлар ҳайъати топшириқларнинг мураккаблик даражасига қараб, ҳар бир топшириқ учун 10 баллни белгилайди. Жами — 60 балл.

**2-тур.** 40 та тест топшириғи тавсия этилади. Ҳар бир тўғри жавоб 1 балл, нотўғри жавоб — 0 балл билан баҳоланади. Жами — 40 балл.

Умумий — 100 балл.

### ФИЗИКА

Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-8,9-11-синфларида мактаб олимпиадаси ўтказилади.

7-8-синфларида олимпиада 3 турда ўтказилади.

1.Масала.
2.Тест.
3.Амалий лаборатория иши.

**1-тур** бўйича олимпиада қатнашчиларига мураккаблиги жиҳатидан турлича бўлган 3 та топшириқ берилади.

Масала ечиш бўйича 3 та конвертга 3 тадан масала жойланади ва қуръа ташлаш йўли билан 1 та конверт танланади.

Ҳар бир тўғри ечим учун — 10 балл. Жами — 30 балл билан белгиланади.

**2-тур.** Тест топшириқлари асосида ўтказилади. 25 та тест топшириғи берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун — 2 балл, нотўғри жавоб учун эса 0 балдан баҳоланади. Жами — 50 балл.

**3-тур.** Физик катталиклар ва ҳисоблашларни ўз ичига олган битта экспериментал тажриба берилади. Тажриба тўлиқ бажарилганда — 20 балл билан баҳоланади.

Умумий — 100 балл.

9-11-синфларда ҳам олимпиада 3 турда ўтказилади.

1.Масала.
2.Тест.
3.Амалий лаборатория иши.

Бу синфлар учун мураккаблиги турлича бўлган 5 та масала берилади. 5 тадан масала 3 та конвертга жойланади. Вариантлар қуръа ташлаш йўли билан 1 та конверт танлаб олинади. Ҳар бир тўғри ечилган масала учун — 8 балл белгиланади. Жами — 40 балл.

2-тур учун олимпиада иштирокчиларига 20 тадан тест топшириғи берилади. Ҳар бир тўғри жавоб — 2 балл, нотўғри жавоб — 0 балл билан баҳоланади. Жами — 40 балл.

**3-тур.** Физик катталиклар ва ҳисоблашларни ўз ичига олган битта экспериментал тажриба берилади. Тажриба тўлиқ бажарилганда — 20 балл билан баҳоланади.

Умумий - 100 балл.

**РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

*Dolzarb mavzu*

# ТАЛАБАГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЕРАКМИ?

## ёки кўнгил кўнгилдан тафт олса...

Инсон зоти яралибдики, у кимгадир суяниш, кимдандир мадад олиш ва аксинча, бир-бирига мурувват ва меҳр кўрсатиш, ўзига ўхшаганлар билан мулоқот қилишга эҳтиёж сезган. Агар шу каби интилиш ва интиқлик бўлмаганда, инсоният цивилизациясининг ўзи кузатилмаган бўларди. Бундай ўзига хос тобелик қатор ижтимоий институтларнинг, жумладан, хизмат турларининг пайдо бўлишига туртки бўлган. Масалан, тиббий ва маиший хизматга ниҳоятда кўникиб кетганмиз. XX аср охири ва янги асрнинг бошларида “психологик хизмат” атамаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди ва бу одатда Ғарб мамлакатларига хос ҳодисадир.

Психологик хизматга бўлган эҳтиёж, энг аввало, жамиятда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар, одамлар ўртасида кечадиган муносабатлардаги айрим кемтикликларни тўлдириш билан боғлиқ тарзда вужудга келди, дейиш мумкин. Фараз қилинг, сиз корхона раҳбарисиз. Ходимларингиз феъл-атворини билиш, уларнинг ҳар бирига мослаб иш тақсимлаш, меҳнатга муносабати яхши бўлишидан манфаатдорсиз. Лекин кутилган ҳолатлар иш жараёнида намоён бўлмаётганлигидан азият чекмоқдасиз. Қолаверса, улар орасида бир-биридан норизо бўлганлар, арз қилаётганлар, турли ғийбатлар билан асабга тегаётганлар борлигини ҳам биласиз. Нима қилиш керак? Корхона ёки ташкилот раҳбари шундай шароитда психолог хизматига мурожаат қилади.

Тўғри, Ўзбекистонда иккала ҳолатда ҳам психологга мурожаат қилиш одат тусига айланмаган, бу Ғарбга хос. Лекин бизда анъанавий, халқимиз менталитетига, психологиясига хос бошқача усуллар бор. Масалан, ташкилот раҳбари “маслаҳатчилар кенгаши” тузиши, китобларни титиб, ўзгалар тажрибасидан фойдаланиши ёки битта-иккита ашаддий “ишга халақит бераётганлар” билан яхшилаб “гаплашиб қўйиши” ҳам мумкин, охирги чораси — ишга халақит бераётганларни вазифасидан бўшатади. Оилавий можаро ҳам шундай: катталарга маслаҳат солиш, дўстининг тажрибасини “қўллаш”, маҳаллага чиқиб оқсоқолдан йўл-йўриқ олиш, жуда бўлмаса, турмуш ўртоғининг ўзи билан “яхшилаб гаплашиб олиш” ёки охирги чора – ажрашиб кетиш масаласини кўндаланг қўйиш. Санаб ўтилган барча чораларнинг, айтиш мумкинки, айримларигина реал вазиятда ижобий ечим, самарага олиб келади. Лекин халқимизда яхши гап бор — “кўнгил кўнгилдан сув ичади, тафт олади”. Бу ҳикматнинг тагида катта психологик маъно бор.

Талабалик шундай даврки, унда мулоқот ва муомала муҳим ўрин тутади. Оиласида ёки бошқа бир вазиятда оғир тушкунликка тушган инсон одамови, ҳар кимдан ҳадиксирайдиган, шубҳаланадиган бўлиб бораверади. Айнан шундай тоифали ёшларга психологик хизмат зарур бўлади. Улардаги феъл-атворлар турлича. Олий ўқув юртига малакали мутахассис бўламан, деган ният билан ўқишга кирганлар, энг аввало, ўзларини нотаниш шароитга тушиб қолгандай ҳис қилишади. Чунки профессор-ўқитувчилар янги, курсдош йигит-қизлар бошқача, агар у вилоятдан ёки чекка бир қишлоқдаги мактабни тамомлаган бўлса, шаҳар шароитининг ўзи унга анча ноқулайликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам олий таълимнинг илк босқичида ва дастлабки ойларида талабанинг янги ижтимоий муҳитга мослашуви ҳар кимда ҳар хил кечади, одатда бу кечинмалар қийин бўлади. Кимдир янги вазиятга тез киришиб кетади, дўстлар орттиради, янги курсдошлар орасида танишлари, дўстлари бўлиши мумкин, у ўзига анча ишонган, тортиниш нима эканлигини табиатан билмайди. Бошқа бирлари учун янги шароит анча эриш туюлади, уни таълим олишга алоқадор жиҳатларидан кўра, фақат янги курсдошлар, уларнинг феъл-атвори, унга муносабати қизиқтиради, кўп қайғурадиган бўлиб қолади, лекин у ўзини қўлга олиб, секин-аста вазиятга кўника бошлайди. Лекин учинчи тоифа ёшлар борки, уларга янги шароит умуман ёқмайди, талабалар, дарслар тартиби, мураббий ўгитлари, курсдошларининг муомаласи унга нисбатан шафқатсизликдай, уни камситишдай туюлаверади. Бу ҳолат унда ички депрессияни, ҳаммага ва барча нарсаларга нисбатан агрессив муносабатни, тажовузкорликни келтириб чиқаради. Тўғри, олимларнинг кузатишларича, бу ҳолатдан талаба ярим йил, узоғи билан бир йил мобайнида қутулгандай бўлади. Аслида у ўша оғир психологик тангликдан қутулмаган, балки ўша ҳолатга кўниккан. Шунинг учун ҳам ўтказиладиган кўплаб тадбирлар ва маънавий-маърифий ўқувларга “муаммоли, дарсларда камнамо бўлган” талабалар эмас, балки фаол, аълочи талабалар қатнашадилар. “Муаммоли” талабалардаги бундай кўникишнинг талай салбий оқибатлари борки, бу нарса нафақат талабалик йилларида дўстлар танлаш ёки мукаммал равишда касб сирларини ўзлаштиришга халақит беради, балки кейинчалик, мутахассислиги бўйича ишга жойлашганда ёки оила қурган пайтларида ҳам сезилади. У инжиқ, қайсар, худбин бўлиб қолади, касбдошлари, раҳбарлари билан келишмайди, хотини билан ҳадеб жанжаллашади, бола тарбиясидан ўзини четга олади.

Психологик хизмат шахсни кўникиб қолиши мумкин бўлган салбий ҳолатлардан асрайди. Масалан, одамови, ҳаттоки, қизлардан қочиб юрадиган, уларга гапиришдан уяладиган йигит учун психолог шундай шароит яратадики, у ўзи билмаган ҳолда тасодифан яхши суҳбатдош бўла оладиган, самимий қизлар даврасида бўлиб қолади, масалан, улар битта топшириқни бирга бажаришади. Кутубхонада унинг ёнига ўтиришади, лаборатория топшириғини бажаришда шерик бўлишади, йигит улар атайлаб у билан мулоқотда бўлаётганликларидан севинади. Илиқ муомала билан ўтказилган суҳбатлар секин-аста унинг қизлар тўғрисидаги фикрини ўзгартиради, қизларни кўрса, қизариш одати йўқолади. Ёки машғулот пайтида гапиришдан чўчийдиган талабага психолог маслаҳати билан шундай шароит яратиладики, у бир неча маротаба бевосита предмет бўйича эмас, балки бошқа билвосита саволларга жавоб беради. Ўзининг жавобидан қаноат ҳосил қилган талаба кейинги сафар предмет бўйича бериладиган топшириқларни ҳам дадилроқ бажарадиган ва ўз нуқтаи назарини ўзгалар олдида айтадиган бўлиб қолади.

Яна бир муаммо — ёшларнинг турли таъсирларга, ақидапарастларнинг домига тушиб қолишларидир. Шуни таъкидлаш жоизки, ақидапарастлар, энг аввало, ёшлар орасидан иродаси бўш, нимадандир доимо норози, кайфияти ҳамиша бузуқларини танлайди. Турли йўллар билан қулай вақт ва шароитни танлаб, уларни ўзига оғдиришнинг турли психологик чораларини кўради. Айни шундай таъсирга тушган инсон ҳам табиий, иккиланади: “Тўғри иш қиляпманми, бу йўл мени қаерга олиб бориши мумкин?” Шундай пайтда унга психологнинг маслаҳати керак бўлади. Чунки психолог холис тарзда талабанинг фикрини тинглайди, маслаҳат беради, маслаҳат орқали, ўша талабани ўзига мурожаат қилишга мажбур этади. Ақли-ҳуши жойида бўлган шахс бундай шароитда тўғри йўлни танлашга қодир бўлиб, психолог ёрдамида таъсир кўрсатган одамга нима жавоб қилишни ўрганади. Демак, уларнинг қуроли психологик таъсир кўрсатиш экан, биз ҳам ёшлар онгини тоза тутиш, уларни турли таъсирлардан асраш учун онгга таъсир кўрсатувчи психологик воситалардан фойдаланишимиз лозим бўлади.

Агар гап турли ғайриоддий таъсирлар домига тушиб қолган ёшлар гуруҳи ҳақида кетадиган бўлса, унда ижтимоий психологик тренинг методлари мавжудки, улар ёрдамида психолог бир неча марта машғулот ўтказиб, иродаси кучли ва кучсиз болаларни бирдан тўплаб, гуруҳ шароитида таъсир кўрсатади.

Демак, депрессияга тушиб қолган, ўзини турли сабабларга кўра ёлғиз ҳис этаётган ва тортинчоқ ёшлар онгини даволаш учун уларнинг ижтимоий кўникмаларини ўзгартириш ягона восита ҳисобланади. Бу ишни эса профессионал, малакали психологлар амалга оширадилар. Тошкент давлат иқтисодиёт университети маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилган “Ижтимоий психологик хизмат” маркази ўз олдига турли психологик муаммолари бўлган талаба-ёшларга баҳоли қудрат ёрдам бериш, уларда фаол фуқаролик мақомларини шакллантириш, малакали, жамиятга нафи тегадиган мутахассислар тайёрлашга ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйган. Албатта, бу хайрли ишда уларга барча устозлар, мураббийлар, гуруҳларнинг сардорлари, жонкуяр фидоий инсонлар ҳамкор бўладилар, деб умид қиламиз.

**С.ҒУЛОМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, академик,**

**В.КАРИМОВА,**
**университет “Ижтимоий психология” кафедраси мудири, психология фанлари доктори, профессор**

# КОМПЬЮТЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНЯПМИЗМИ?

XXI аср — ахборот-асри. Замонавий технологиялар, хусусан, компьютерларнинг ҳаётга чуқур кириб бораётганлиги бунинг далилидир. Айниқса, кўчалардаги “INTERNET CAFE”ларнинг кўплигини айтмайсизми? Бундай масканлардаги аҳвол билан танишиш мақсадида кўчалар ёқасида жойлашган “INTERNET CAFE”ларга кириб кўрамиз. Бу ерга кириб, таажжубга тушасан, киши. Наҳотки, мана шу компьютерларнинг барчаси ўйинлар учун ишлаётган бўлса? Хонадаги ўн-ўн бешта компьютернинг ҳаммасини ёш болалар эгаллаб олишган. Улар турли хил жангари ўйинларни ўйнаш билан машғул.

Тўғри, компьютернинг имкониятлари чексиз. Лекин, интернет орқали бир зумда дунёнинг энг узоқ бурчагида бўлаётган воқеа-ҳодисани билиш мумкин бўлган бир замонда ёки компьютер орқали ҳар қандай билимни олиш мумкин бўлган даврда ундан фақат ўйин учун фойдаланиш... Бу менинг назаримда, бизнинг билимсизлигимиздан келиб чиқаётган ҳодиса.

Шу аснода бир мулоҳаза юритсак: интернетдан (умуман компьютердан) фойдаланиш соатига 600-800 сўмни ташкил қилади. Мен ҳар куни 2-3 соат компьютерда ўйин ўйнайдиган тенгдошларимни биламан. Улар кунига компьютер ўйинлари учун қанча пул сарфлашини ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ўйиндан болалар нима олишлари мумкин? Ўйинларга ишлатилаётган шу пулга китоб сотиб олишганида, бу китобни ўқиб, анчагина маънавий озуқага эга бўлишарди. Китоб вақтинчалик ишлатиладиган буюм эмас. Балки ундан келажакда ана ўша тенгдошларимнинг фарзандлари ҳам фойдаланиши мумкин. Бу мавзунинг иқтисодий ва маънавий томони. Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу вақт муаммоси. Ўша тенгдошимнинг қанчадан-қанча қимматли вақти зое кетаётганига ачинаман. Ёшлик фақатгина ўйин-кулгу учун берилмаган. Балки ундан унумли фойдаланиш келажак учун замин яратиш лозим. Мен бу билан компьютердан фойдаланиш керакмас, демоқчи эмасман. Компьютер илмини билиш давр талаби, фақат ундан билим олиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур эканлигини таъкидламоқчиман, холос. Зеро, компьютернинг имкониятлари ниҳоятда кенгдир.

**Зевара АҲМЕДОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# УМРИ БОҚИЙ БИНОЛАР

## улар қандай асосга қурилади?

Инсоният ақлу заковатининг намуналари бўлган кўркам, осмонўпар, қадимий ва замонавий бинолар қачондир қурилгани, хизматини ўтаётганлиги билан ҳам ўз аҳамиятига эга. Хоҳ маъмурий, хоҳ тураржой иншоотлари бўлсин, албатта, вақт ўтиши билан уларда қандайдир номувофиқликлар вужудга кела бошлайди. “Панелли биноларнинг санацияси” мавзусида бўлиб ўтган Тошкент архитектура-қурилиш институтидаги анжуманда ҳам шундай муаммолардан бири ҳақида сўз борди.

Ушбу лойиҳа раҳбари Тошкентдаги Гёте институти масъул ходими Филипп Мойзер бўлиб, ҳозирга қадар у бир қанча мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда муваффақиятли амалга оширилди. Энди навбат архитектура таълимида катта тарих ва ютуқларга эга бўлган Ўзбекистонга келди. “Панелли биноларнинг санацияси”да асосий эътибор иморатларнинг умрини узайтириш ва аҳоли учун янги, қулай шароитлар яратишга қаратилади.

Анжуманнинг кўпчилик қизиқиб кутган иккинчи қисмида “Янги Берлиннинг 50 та лойиҳаси”га бағишланган кўргазма иш бошлади. Москва, Санкт-Петербург, Алмати, Самара каби шаҳарлардаги тегишли олий ўқув юртларида намойиш қилинган ушбу кўргазма иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳар бири 100х200 см. ўлчовдаги турли хилдаги янги иншоот макетлари бугунги Берлиннинг ҳайратомуз қиёфасидан далолат бериб турарди. Бу — Гёте институти олимлари ташаббуси ва ижодкорлиги маҳсулидир. Кўргазмада 70 та лойиҳа тақдим қилинган бўлса, улар бир-биридан бетакрорлиги, замонавийлиги ва Европа мамлакатларига хос меъморий кўринишга эгалиги билан фарқланади.

— Аслида бир-бирига мантиқан ва узвий боғлиқ лойиҳаларга институтимизнинг германиялик мутахассислар билан 2001 йилда бошлаган ҳамкорлиги вақтида асос солинган эди, — дейди анжуман тафсилотларини умумлаштириб, архитектура факультети декани, профессор О.Салимов. — Бу биздаги таълим жараёнига бевосита янгилик ҳам олиб киради. Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бири — Германия меъморчилигининг ўзига хос ютуқларини ўрганиб қўйиш, албатта, келгусида талабаларга асқотади. Чунки мамлакатимиз меъморчилик бобида ўз тарихига эга бўлса-да, унинг келажаги хизмат қилиш муддати асрлардан кам бўлмаган улкан иншоотлар, замонавий кошоналарда ҳам тасаввур қилинади.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

***O'zbechkalarimiz g'alati-da... Abdullaning "Ayol" degan bir she'ri chiqqan ekan yaqinda. Mahmud aytdi. O'n sakkiz yoshida beva qolib, umrini toq o'tkazgan ayol haqida ekan... Mana, isboti!***



# БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)**

Шунда кўзим илиб қолдики, домла Ҳасан Тўрабековни қаёққадир юбораётир, Норбой Ҳасан аканинг ёнида, Муҳаббат ҳам жилиш тараддудида кўринди.

Бу ҳолни, табиийки, Назираям кўрди-да:

— Кечирасиз, мен кўп гапирвордим, — деди. —Ўзи фойдасиз гапларни кўп гапираман.

— Илтимос, фойдалисидан айтинг. Ўша бир оғиз гапингизни айта қолинг. Менинг домла билан гапим бор...

— А-а, устозингиз билан?

— Ҳа, ҳа.

Қаттиқроқ кетдим дейман, у хўрсиниб юборди ва ҳушёр тортган каби бўлиб:

— Энди, Шукуржон, — дея бидиллай кетди, — Саидахон... жуда ажойиб қиз! Гўзал-а, гўзал! Унинг талантини айтмайсизми? О-фе-лия! Ҳавасим келади... Хуллас, Шукуржон, илойи тўйларингда ашула айтиб берайин. Биласиз-ку, ман ҳам ашилла айтаман... Хўш, гап шундаки, азизим, Саидахоннинг битта акаси... балки амаки-акасидир, хуллас, ўша киши — Фарғона область облпотребсоюзининг раиси!

Мен Назирага ҳайратланиб (балки сал ачиниб) тикилдим.

— Хўш, нима бўпти шунга?

— Энди, Шукуржон, бойлик ҳам кўтаради-да одамни. У киши эса... бадавлат одамлардан. Унча-мунча одамни писанд қилмайдилар, мен сизга ростини айтсам...

— Шу ёқлари чатоқ экан-да.

— А-а, раҳмат, — деди у мен ғоят доно фикр айтгандай. — Ана шунинг учун сал, нима десам экан... эҳтиёт бўлиб муомала қилсангиз... Кейинчалик ҳам...

— Тушундим.

Шу пайт домланинг ҳам Турсунбойнинг тирсагидан ушлаб, этак томонга жилаётганини кўрдим-у, жаҳл нима... бир аламим ўн бўлиб кетди: "Бу одамга бир нима бўпти. Хўп, университетдан кетишини минг кун бурун айтган эди. Ниҳоят, кетибди энди... Ходим бўлиб боради тил ва адабиёт институтига. Илм билан шуғулланади. — Шунда карахт тортиб кетдим. — Илмми шу мақолаям? — Гангиб қолдим: — Балки илмдир? Мен ўқимадим-ку ҳали... — Шунда ўзимни сал босиб олдим-у, миямни зирқиратиб, домланинг "Сўзбошига қарши сўзбоши" деганлари кириб келди ва: — Наҳот Сўзбоши танқид қилинган бўлса? — деб ўйладим. — Йўғ-е, домлага қарши мақола ёзишга ким журъат этар экан? Лекин домла хотиржамлик билан айтди ўша гапларни. Демак, ўзига ишонади. Ўзи-ку сўзбоши дегани бир бет-ярим бет бўлади... Шошма, домланинг ғанимлари кўп-а? Айтиш мумкинки, домла ўз соҳасида ёлғиз. Бунинг устига анча қайсар... Тўғри, домланинг дўстлари бордир... — Шунда ўзимни ўй-мулоҳазалардан (йўл ҳам эзиб ташлаган-да!) толиққандек туйдим-у, Матёқуб ака билан беозор мавзуларда гаплашишни тусаб қолдим: масалан, мисол учун, уйланишим ҳақида...

Э, дарвоқе, ота-онам ҳам шуни тайинлаб эдилар-ку? Мана, Назирадан гапнинг каттасини эшитдим... Қани, домла бу ҳолга қандай қарар (муносабат билдирар) экан? Ким билади, "катта"нинг асари ҳақида ойлаб тер тўккан ва афтидан зўр ишни оҳирига етказгандай мамнун киши...

... ўз шогирдининг бир бойвачча арбобнинг синглисига уйланишини қандай қабул қилар экан?"

## ОРА ОЧИҚ БЎЛДИ, АММО...

Мен шу ўйлар оғушида турарканман: "Қайтсам-чи? Уйда иш кўп...", деган фикр калламга келган чоғ домла тўхтади. Чамамда, Турсунбойга нимадир (пул бўлса керак) бермоқчи бўлди. Аммо дўстим тисланиб-чекибниб, ғизиллай кетди.

Домла орқага қайтдилар-да, тўғри мен томонга кела бошладилар. Йўлакай Назира билан ҳам хўшлашиб ва раҳматлар айтиб, қошимга етдилар ҳамки, камина қоққан қозиқдек турар эдим.

— Қани, Шукурвой, юринг, — дея домла энди менинг тирсагимдан олиб, чап тарафдаги кунгай ўриндиқ-скамейкани қоғоз билан артаётган Маҳмуд Саъдинов томонга бошладилар. — Э, овора бўлманг, Маҳмудвой, — дедилар йўлакай. — Ҳасанбой машинани қўшиб келсин, кетамиз... — Кейин мендан сўрадилар: — Балки уйга борармиз? — Жилмайдилар. — Сизлар юзта-юзта қиласизлар...

— Раҳмат, домла, — дедим. — Кечирасиз, ишим кўп... Боягина автобусдан тушдим...

— Ҳа, майли, — деди у киши. — Қани, жиндак ўтирайлик... Маҳмудвой, бизни беш минут холи қўйинг. Шукурвойнинг настраенияси йўқ. Биздан бирон айб ўтдими — билайлик-чи.

— Айб... ўтган! — деб юборди Маҳмуд Саъдинов ва кула-кула ўриндиқ четида турган папкасини олди. — Свежий газеталардан обкеламан... Бугун "Маданият" чиқмайди-я?

— Ҳа... Қани, ўтир, Шукурвой. Кечирасан, ҳали келганларингда мен сизларни танимадим. Кўзимни биласан. Маҳмуднинг овозидан танидим... Хўш, Бойсунда нима гаплар? Овга чиқдингми?

— Овга чиқишга чиқдиг-у... — Зовбоши, қорли ўркачлар ва Зумрад ҳақидаги хаёллар ёдимга тушиб кетди...

— Отолмадик денг? — деб кулимсиради домла.

Худо битта-я: домланинг табассуми ҳам ёқимсиз, қалбаки бўлиб туюлди.

— Ҳа, — деб қўя қолдим.

— Чол-кампирлар...

— Айтдим, шекилли: сизни сўраб юборишди... Айтмоқчи, домла, бир маслаҳатли гап бор эди.

— Қулоғим сенда.

— Шу мен... узр энди, домла. Биринчи марта уйингизга борганимда, кеннайим: "Ўша қиз, ўша қиз...", деб... Ўзингиз ҳам: "Агар тўйларинг бўлса, биз ҳам жиндак коньяк ичамиз", деб эдингиз.

— Эсимда, — деди домла қандайдир талтайиб ва анча хотиржам бўлиб сўради: — Хўш, уйланадиган бўлдингми?

— Тасаввур қилингки, шундай бўп қолиши мумкин.

— Яхши-яхши. Мен кейин ҳам суриштирдим у қиз ҳақида. Турсун Собирович жуда мақтади. Шукур Бурҳоннинг ҳурмати баланд экан. Ҳатто сенга қўшиб, уни ҳам театр институтига ўтказмоқчийкан...

— Бўлиши мумкин. — Мен Саиданинг табиатан уятчан экани, бир умр саҳнада ўйнашга тоби йўқлиги, пироварди, ҳиндшунос бўлишдан ўзга мақсади йўқлиги ҳақида (о, кириш имтиҳонларини топшираётган пайтида қанчалар қийналган экан: инглиз тили имтиҳони пайтида нақ инглизча сўзлашга мажбур этишган экан...) гапирмоқчи бўлдим-у, тезроқ муддаога ўтишни маъқул кўрдим. — Лекин, домла, ҳали Назира айтиб берди, Саиданинг бир акахони... балки амакиси Фарғонада савдонинг... йўқ, нимаям эди, облпотребсоюзнинг раиси экан.

— Ну-у, — деб юборди домла. — Лекин кўринишидан унақа одамларга яқинлиги сезилмайди.

Дафъатан бу фикрни маъқулладим: ҳа, унинг кўкиш пальтоси ҳам, одмигина кийим-боши, ҳатто эскигина ҳовлилари ҳам унақа... Назира айтмиш бойвачча-бадавлат кишининг жигарлари эканига шубҳа туғдирарди.

— Ҳа, домла, — дедим, ниҳоят, мен ҳам ақлимни пешлаб. — Сезилмайди. Лекин мағрурлиги бор... Янги йил арафасида қийиқча совға қилиб эдим, олмади.

— А-а, бу тузук, — деб жилмайди домла. — Кўзи тўқ бўлиши керак. Ота-онаси ҳақида нималарни биласан?

Дарҳол айтиб бердим.

— А-а, отаси военний де?

— Ҳа. Бошқа... ўрис хотини билан Кёнегсбергда яшаркан. Аммо Ҳалима опанинг паспортидан ҳамон ўчирилмаган экан.

— Ана, холос. Ўзбечкаларимиз ғалати-да... Абдулланинг "Аёл" деган бир шеъри чиққан экан яқинда. Маҳмуд айтди. Ўн саккиз ёшида бева қолиб, умрини тоқ ўтказган аёл ҳақида экан... Мана, исботи! Ҳа, Абдуллани кўрдингми?

— Йўқ, домла. Келган-келмаганиниям билмайман.

— Бугун-эрта кеб қолар... Хўш, мендан нимани сўрамоқчийдинг?

Ғижиниб кетдим:

— Айтдим-ку, акаси шунақа — бадавлат амалдор экан... Лекин, домла, Назиранинг айтишича, жуда димоғдор эмиш!

— А-а,— домла ниҳоят гапимни тушунгандек ўриндиқ суянчиғига орқасини бериб, оёқларини чалиштирди. — Демак, булар билан, яъни Саидахонлар билан унинг алоқаси унчалик қалинмаслигини ҳам тушунса бўлади. Ўртада нималардир ўтган...

— Рост айтасиз, — деб юбордим шунда: илло, домланинг гапида мантиқ-асос бор эди. — Ўша одам кейинчалик, — деб давом этдим, — бизга халақит... бермасмикан? Кечирасиз, отам ҳам, онам ҳам бу масалалар ҳақида сиздан маслаҳат сўрашни тайинлашган эди.

— Раҳмат-раҳмат. Ҳмм, ўша Ҳалимахон опа билан бир гаплашиб олиш керак экан-да.

Домлага дафъатан меҳрим ийиб, у кишининг тағин илгаригидек ўзимга меҳрибонлигини туйдим ва "Ғолиблар" ҳақида гап очмасликни яна кўнглимга тугдим.

— Билмадим, домла. Лекин ҳозирча... эртароқмикан, дейман?

— Яхши. Ўша фурсат яқинлашаверсин-чи... Лекин, Шукурвой, ўзинг бир... очиқчасига гаплашиб кўр Саида билан. Ҳамма вақт орани очди қилиб юриш фойда беради. Ҳар қандай хижолатпазликнинг олдини олади. — Кейин домла бир он сукутга толиб ва манглайи тиришиб, пастроқ овозда давом этди: — Уйланиш бобида менинг ақидам-принципим шундан иборатки, эр-хотин кўп томонлардан бир-бирига тенг бўлгани маъқул. Қолаверса, эркакнинг мавқеи, ҳатто... эркак моддий тарафдан ҳам хотинидан устунроқ бўлса, янаям яхши... Бу гапни энди консерватив одамнинг фикри, деб қабул қилишинг ҳам мумкин. Аммо мен ҳаётий тажрибалардан, кузатганим— ҳақиқатлардан келиб чиқиб бу гапларни айтаятирман. Кўнглингга олма.

— Нега-нега, домла.

— Хўп, бу гапга нуқта қўямиз. Ҳозирча, — деди домла ниҳоят, — Менга ижод ҳақида гапир. Энг муҳими — шу... Нималарни ёзаяпсан? Ўйлаяпсан?

Мен домланинг тиззасида турган қўлига кафтимни босганимни билмай қолдим.

— Домлажон...

## ДАВОМИ

"Ўн саккизга кирмаган ким бор..."

Шу номли бир қисса ўйлаганимни айтишим биланоқ домланинг юзида илиққина табассум пайдо бўлди. Мен бундан илҳомланиб: "Гап шундаки, — дея сюжетни бошладим-у, домланинг "Тўлқинлар"га замин бўлган ҳаётий материал ҳақида сўраганлари ёдимга тушиб кетиб, ҳикояни ўзгартирдим: — Гап шундаки, домла, бизнинг оиламизда бир оғир, деярли фожеавий воқеа содир бўлган эди... — Ўгай отам, у кишининг Тўра деган ўғли, бизнинг Тилла камардаги овулдан Бойсунга қайтишимиз, мактаб, Ўғлон... Унинг Тўра акамнинг устидан кулгани, кейинчалик Тўра акам ундан аламини олишнинг ягона йўли... уйланиш, деб ҳисоблагани ва ота-онамни мажбурлаб ўша қизга уйлангани, сўнг бир муваққат оиланинг ўз-ўзидан бузилиб кетгани, алқисса, ота-онамнинг хижолатда қолишгани ва уларнинг пушаймонлари ҳамон давом этаётганини анча-мунча тафсилотлари билан айтиб бўлаёзганимда:

— Мен тушундим, бунда асар бор, — дедилар. — Яхши. Ўзингга яқин мавзу экан. Адиб ўзи яхши билган нарсаси асосида ёзиши керак. Фақат бу гал, — дея яна чимирилиб, давом этдилар, — психологик тасвиргаям эътибор қаратсанг. Кишилар одатда битта нарсани ўйлаб туриб, бошқа нарсани гапирганини билмай қолади: қандайдир андишалар, мулоҳазалар ўртага тушади... Сен шу пайтгача ижодингда асосан ташқи тасвир ва диалогга эътибор қилдинг. Бу йўриғда сенинг олдингга тушадиган ёзувчини билмайман. Қолаверса, бу йўл — бизда янги йўл... Ҳа. Айтиш мумкинки, Шолоховона йўл. Айниқса, Хемингуэй шу йўлни яхши кўради. Шу йўлда ёзиб, дунёга машҳур бўлди... — Домла нафасини ростлаб, яна майин жилмайди. — Лекин одамлар ўйлайди ҳам. Кўпроқ ўйлайди! Тўғри, сен уларнинг ўйларини ҳаракатларида берасан. Ҳалиги гап-да бу... Бу ҳар қандай ёзувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Аксинча: бизнинг кўпчилик ёзувчилар объектив тасвир нималигини билмайдилар. Шунинг учун тўқсон фойиз асарларимиз баён, баён, баёндан иборат! — Шунда бир зум сукут сақлаб қолдилар. — Яна шуниси ёмонки, — дедилар кўзлари кирттайиб, — кўпчилик танқидчилар ҳам шунга ўрганиб қолдилар. Шунинг учун сенинг "Тўлқинлар"инг ҳали кўп мунозараларга сабаб бўлади, деб ўйлайман...

— Домлажон, кечирасиз, ҳалиги Сўзбошига қарши сўзбошида нималар деб ёзилган?

Домла истеҳзоли кулди.

— Мен сени «қулоғингдан чўзиб» истеъдодли қилган эмишман. Яъни асаринг менинг баҳоларимга арзимас эмиш... — Домла яна кулиб қўйди. Мен эсам тахта бўлиб қараб турибман. Шунда домла секин менинг елкамга қўл қўйдилар. — Хафа бўлма, бундан катта гапларниям эшитишинг мумкин. Ҳе-е, ёзувчилик — шу...

Менинг кўнглим бузилиб кетган эди: негадир ёзувчилик орқасида қурбон бўлиб кетган адибларимиз эсимга туша бошлади-ю, енгил торта бошлаганимни туйдим.

— Ким экан ўша танқидчи? — деб сўрадим кейин.

Домла ўйчан тортиб:

— Бунинг аҳамияти бўлмасаям айтаман, — деди. — Ёш олим... Айтдим-ку, Шукурвой, сенинг услубингни дарҳол қабул қилишолмайди. Лекин вақти-соати билан қабул бўладиям, унга қандайдир ўзгаришлар ҳам киритилади. Бу — табиий жараён... Сен, сен ўзингга ишон, яна айтаман: йўлинг тўғри...

— Раҳмат, домла, — деб пичирладим. Пичирладим-у, домла боя анчагина тафсилоти билан айтгани руҳий тасвир бобида ўзимнинг ҳам буни ҳис этароқ ўйланиб юрганимни эслаб қолдим: ҳа-ҳа, домланинг фазилати, зукколигиям шунда эдики, мен ҳис этган нимарсаларни илмий жиҳатдан ё қандайдир асослаб беради (беихтиёр равишда), ё тўлдирар эдилар. Демак, мен кўнглим буюргани, яъни ҳис этиб, кўриб ва эшитиб турган воқеа-ҳодисаларни бадиий ҳақиқат қолипида ёзар—ёзишга ҳаракат қилар эканман.

Билмадим, ижод ҳам одамнинг табиати, Абдулла Қаҳҳор улуғламиш характери билан боғлиқми?

Менинг характерим, демак... йўқ, характерим билан услубим уйғунликда экан.

— Оёқдан совуқ ўтди, Шукурвой.

— Ҳа, туриш керак, домла. Юриш керак... — шундай дебоқ йўртиб келаётган Турсунбой дўстимга кўзим тушди. У кепак қоғозга бир нимани ўраб олган, ундан буғ чиқарди.

Сомса экан.

**(Давоми бор.)**

## МИСРДА ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

**Бир неча портлашлар натижасида Мисрнинг сайёҳлар билан гавжум Табо шаҳрида 19 нафар киши ҳалок бўлди ва 122 нафар киши яраланди. Ушбу шаҳар Исроил ва Миср чегарасида жойлашган бўлиб, сайёҳларнинг севган оромгоҳига айланиб қолган. «Хилтон» меҳмонхонасининг ёнгинасида амалга оширилган портлашлар натижасида кўплаб мамлакатлардан келган меҳмонлар азият чеккан.**



**Полиция ходимлари тарқатган маълумотларга кўра, оғир юк машинаси тўғри меҳмонхонага келиб урилган ва портлаган. Мутахассислар камида 200 кг. портловчи модда ҳақида гапиришмоқда. Иккинчи портлашни камикадзе эркак амалга оширган. Меҳмонхонада дам олаётган 38 нафар Исроил фуқаросининг тақдири ноаниқ. Ҳозирда қутқариш ишлари амалга оширилмоқда. Исроил ташқи ишлар вазири Силван Шалом ушбу хуружларда «ал-Қоида» террорчилик гуруҳини айблади. Бу ҳақида «Франс пресс» ахборот агентлиги хабар бермоқда.**

## ПОКИСТОНДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

**Покистон марказида жойлашган Мўлтон шаҳрида икки кучли портлаш содир этилди. Охирги маълумотларга қараганда, 40 нафар киши дунёдан кўз юмган ва 100 нафардан ортиқ инсон турли даражадаги тан жароҳатлари олишган. Давлат телеканалларининг айтишича, жароҳатланганларнинг 50 дан ортиғи ниҳоятда оғир аҳволда. Хуруж айни суннийларнинг ёпиқ йиғилиши ўтказилаётган вақтда амалга оширилган. Полиция ходимларининг айтишича, биринчи бўлиб автоулов портлаган. Ундан сўнг эса, мотоцикл.**



**Покистон президенти Парвез Мушарраф томонидан ман этилган суннийларнинг «Сипахе Сахаба» ҳаракати йиғилишига 3 мингдан зиёд ҳаракат аъзолари келишган эди.**

**«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, автоулов ичида 7 кг. портловчи модда бўлган. Машина тўғри одамлар ичига кириб бориб портлаган. Йиғилганлар саросимада бир-бирларини босиб кета бошлашган. Шу сабабдан азият чекканлар сони кўпайиб кетган. Ҳозирча портлашларни мамлакатда ҳеч қандай гуруҳ ўз бўйнига олмаган. Аммо полициянинг айтишича, бу зўравонликларда қарама-қарши шиалар қуролланган гуруҳининг қўли бўлиши мумкин.**

## НОЁБ ЖАРРОҲЛИК ОПЕРАЦИЯСИ

**Янги Зеландияда сиам эгизакларини ажратиш бўйича жарроҳлик операцияси ўтказилди. Ушбу мамлакат шифокорлари 22 соат ичида бир-бирига ёпишиб туғилган болаларни ажратиш устида иш олиб боришди. Бу ҳақида «New Zeoland Herald» газетаси хабар берди. Маълумотларга кўра, сиам эгизаклари ҳозирда ўзларини яхши ҳис қилмоқда. Уларни ажратиш операцияси Уаикато шифохонасида ўтказилди. Операцияни амалга оширишда етти шифокор ва яна шунча тиббиёт ҳамшираси қатнашди. Уаикато ходимларининг айтишича, бу тиббиёт муассасаси иш фаолияти давомида иккинчи бор қилинаётган ажратиш операцияси. Биринчи шу каби операция 1987 йилда бўлиб ўтган эди.**



**Сиам эгизакларининг оилалари ҳозирча болалари ҳақида ҳеч қандай ахборот беришмаяпти. Ҳаттоки уларнинг жинси яширинча қолмоқда. Бор маълумот шуки, эгизаклар жорий йилда худди шу шифохонада дунёга келишган. Ер юзида бундай операциялар саноқлигина ўтказилади ва жарроҳликдан сўнг кўп ҳолларда эгизаклар кўп яшамай, оламдан ўтишади.**

**Интернет манбалари асосида**
**Сарвар САЙЁР ўғли**
**тайёрлади.**

**Муҳтарама Ҳожар Усмонова!**

**Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан самимий табриклаймиз. Баркамол авлод тарбияси йўлидаги машаққатли меҳнатларингизни доимо қадрлаймиз ва сизга узоқ умр, бахту саодат, кейинги педагогик фаолиятингизда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.**

**Ҳамиша шогирдларингиз ва фарзандларингиз бахтини кўриш насиб этсин.**



***Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 18-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.***

*Dunyo mamlakatlari*

# ВЬЕТНАМ




Вьетнам жануби-шарқий Осиёнинг Ҳиндистон ярим оролидаги давлат ҳисобланади. Майдони 330 минг 991 км². Аҳолиси эса 76,3 миллиондан ортиқроқдир. Маъмурий жиҳатдан 63 вилоят (тинь) ва марказга бўйсунувчи 4 шаҳар — Ханой, Хо Ши Мин (собиқ Сайгон), Хайфон ва Хюэга бўлинади. Пойтахти Ханой шаҳридир.

Ҳозирги вақтда саноқлигина социалистик республикалар сақланиб қолган бўлса, шулардан бири Вьетнамдир. Амалдаги конституцияси 1980 йил 19 декабрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи Миллат мажлиси томонидан 5 йил муддатга сайланади. Давлат ҳокимиятининг олий органи ва қонун чиқарувчи ҳокимият — Миллат мажлиси ҳисобланади. Ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Ҳозир Вьетнамда бир неча сиёсий партиялар фаолият кўрсатади.



Вьетнам Ўзбекистон Республикаси билан ҳозирги кунда яхши дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Ушбу давлат ташқи ишлар вазирининг 1994 йил февралда Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим» ва «Ўзаро маслаҳатлашувлар ҳақида»ги баённома иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга имкон яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1996 йил март ойида Вьетнамга қилган расмий ташрифи икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларида янги босқич бўлди. Ташриф якунида «Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома», «Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида», «Савдо-иқтисодий ва фан-техника ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон — Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясини тузиш ҳақида»ги келишувлар ва бир қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Вьетнам ташқи савдо банки ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар.

Ўзбекистоннинг ВСР билан товар айланмаси 1996 йилда 4,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилган. Ўзбекистон Вьетнамга пилла, ёғмой, электр асбоб-ускуналари юборади ва бу мамлакатдан чой ҳамда турли маҳсулотлар олади. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида «Донгшон» ва «ЎзХишако-Интернейшн» қўшма корхоналари ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олинган. Улар тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаради, савдо-воситачилик амалиёти, шунингдек, пилла ва ипак чиқитларини харид қилиш билан шуғулланади.



Бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда Вьетнам учун мутахассислар тайёрланган. 1995 йил 22 декабрда «Ўзбекистон — Вьетнам» дўстлик жамияти тузилган.

### ТАБИАТИ

Мамлакат ҳудудининг 80 фоизидан ортиғи тоғлар ва ясси тоғлардан иборат. Шимолда чуқур дарё водийларига бўлинган Юньнань тоғлиги, марказий ва жанубий қисмларида Анном тоғлари тизимининг айрим массивлари Контум, Дарлак, Многлар жойлашган. Вьетнамнинг энг баланд нуқтаси ҳам шу ерда — 3280 м. Денгиз соҳили паст текисликлардан иборат. Иқлими қишда қуруқ, ёзда серёмғир, муссон субэкваториалдир.

Йиллик ёғин миқдори 1500—3000 мм. Июнь ва август ойларида тайфун бўлиб туради. Дарёлари серсувдир. Уларнинг энг катталари Меконг ва Хонгхалардир. Қир ва тоғларда қизғиш сариқ хатерит, дарёлар этаклари — аллювиал тупроқлари билан қопланган. Вьетнамнинг 40 фоизи ўрмонлардан ташкил топган. Тоғларнинг қуйи ён бағирлари доимий яшил тропик ўрмонларга уланиб кетади. Яъни тоғларда ва платаларда сийрак саванна ўрмонлари ва буталар ўсади.

Водийларда бамбуклар, денгиз соҳилларининг айрим жойларида мангра ўрмонлари учрайди.

### ХЎЖАЛИГИ

Вьетнам саноати ривожланган аграр мамлакат ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 36,6 фоиз, саноатнинг улуши 20,9 фоизни ташкил этади.

Саноатнинг асосини енгил ва озиқ-овқат саноати ташкил қилади. Жуда кўп кичик шоли оқлаш, қанд-шакар, пиво ва консерва заводлари, чой ва тамаки фабрикалари бор. Ханой, Намдинь, Хайфон, Хо Ши Мин ва бошқа шаҳарларда тўқимачилик комбинатлари, трикотаж фабрикалари ишлаб турибди.

Кончилик саноатида тошкўмир, қалай, хромит, анатик, вольфрам қазиб олинади. Каобангда қалай, Лангшонда алюминий, Тхаангуек ва Бьенхоада пўлат эритиш корхоналари бор. Машинасозлик маҳсулотлари орасида станоклар, қишлоқ хўжалиги машиналари, кончилик машина-ускуналари, радиоприёмниклар, телевизорлар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш асосий ўринни олади.

Қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 75 фоизи машғул. 5 миллион гектар ерда қишлоқ хўжалик ишлари олиб борилади. Бир йилда 2-3 мартагача ҳосил олинади. Вьетнамда асосий қишлоқ хўжалик экини шоли ҳисобланади. Чорвачиликнинг асосий тармоғи чўчқачиликдир.

Бундан ташқари, қорамол, парранда боқилади. Вьетнам четга нефть, кўмир, шоли, каучук, қалай, кофе, балиқ ҳамда денгиз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилади. Ташқи савдодаги асосий ҳамкорлари Япония, Сингапур, Гонгконг, Жанубий Корея, Франция, Австралия, Германия давлатлари ҳисобланади. Муомаладаги пул бирлиги донгдир.

### ТАЪЛИМИ

Вьетнамнинг таълим тизими бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқич — мактабгача таълим, иккинчи босқич — мактаб таълими, 5 йиллик бошланғич таълим 6 ёшдан ўтган болалар учун мажбурий. Мамлакатда 13092 та бошланғич мактаб бўлиб, уларда 9 миллион 725 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олади. Ўрта мактабларда ўқиш 7 йил бўлиб, уларга 4 миллионга яқин ўқувчи қамраб олинган. Учинчи босқич — ҳунар таълими, тўртинчи босқич — олий таълим. Мамлакатда 104 та олий ўқув юрти, жумладан, 6 та университет бор. Уларда 120 мингдан ортиқ талаба ўқийди. Энг йирик олий ўқув юртлари 1918 йилда ташкил этилган Ханой университети, 1917 йилда ташкил этилган Хо Ши Мин университети, политехника, адабиёт, тиббий-фармацевтика институтлари ҳисобланади. Вьетнамнинг ҳозирги кундаги зиёлиларининг кўпгина қисми олий таълимни Ўзбекистонда олишган.

Вьетнамда йирик кутубхоналар ҳам мавжуд. Бу ўринда Ханой, Хо Ши Миндаги марказий ва илмий кутубхоналар, университетларнинг кутубхоналарини айтиш мумкин.

### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Вьетнамда 30 дан ортиқ марказий ва 19 дан ортиқ маҳаллий нашриётлар бор. Мамлакатда 100 дан ортиқ газета ва журналлар нашр этилади. Энг йирик газеталари «Нян зан» («Халқ») кундалик газетаси 1951 йилдан чиқа бошлаган, «Сайгон зяй фонг» («Озодлик») кундалик газетаси 1975 йилдан, «Ханой мой», («Янги Ханой») кундалик газетаси 1957 йилдан, «Фу ни Вьетнам» («Вьетнам аёллари») ҳафталик газетаси 1953 йилдан, «Лао донг» («Меҳнат») ҳафталик газетаси 1943 йилдан чиқа бошлаган. Энг йирик журнал саналган «Вьетнам» — вьетнам, рус, инглиз, француз, испан тилларида нашр қилинади. «Вьетнамиз тред-юнионз» («Вьетнам касаба уюшмалари») журнали эса инглиз, француз, испан тилларида нашр қилинади. 1945 йилдан буён Вьетнам ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Вьетнамда радиоэшиттириш ва телекўрсатувни маданият ва ахборот вазирлиги назорат қилади. 1966 йилдан Жанубий Вьетнамда, 1970 йилдан Шимолий Вьетнамда телекўрсатувлар йўлга қўйилган.

**Шерзод АҲМАТОВ**
**тайёрлади.**

*Taassufki, ko'pgina xonandalarimizda So'zga bo'lgan hurmatni ko'rmayapmiz. Kechayu kunduz yangrayotgan ayrim "qo'shiqlar" orqali So'zning ohori to'kilib ketmoqda, qadri qolmayapti.*



*Миатто*

# ҚАЙСИ ҚЎШИҚНИ ЁҚТИРАСИЗ?

## бу саволга жавоб тингловчининг савиясини англатади

### ЗАМОНАВИЙ ЛАТИФА

Бир ёш қўшиқчидан сўрашибди:

— Қўшиғингизнинг шеърини ким ёзиб берган?

— Ўзим ёзганман, — жавоб берибди у.

— Мусиқасини-чи?

— Мусиқасини ҳам ўзим басталаганман.

— Раққосангиз ҳам бўлса керак?

— Йўғ-е, ўзим рақсга тушишни эплай оламан.

— Мухлисларингиз...

— Кўпроқ ўзим эшитаман, — дебди қўшиқчи.

Бу латифанинг асосида, барибир, ҳаётий ҳақиқат ётибди. Гап шундаки, бугунги кундаги ёш хонандаларнинг баъзиларини бемалол ушбу латифа қаҳрамони ўрнига қўйса бўлади.

Афсуски, латифадаги охирги жумлалар туфайли кўпгина хонандаларни қаҳрамонимиз сафига қўша олмаймиз. Негаки, уларнинг қўшиқларини кўпроқ ўзлари эмас, ўзгалар эшитмоқда.

### КИМНИ ТИНГЛАЙСИЗ?

Худди шу савол билан жуда кўп кишига мурожаат қилиб кўрдим. Аксарият ёшлар (шукрки, ҳаммаси эмас) фақат эстрада хонандаларининг қўшиқларини тинглашар экан. "Нима учун?" деган сўровга эса улар "Ёқади-да", "Мусиқаси яхши" деб жавоб беришдан нарига ўтолмадилар. "Мана бу қўшиқнинг мана бу жумлалари яхши", "Фалончи хонанда яхши шеърларни танлайди" деган жавоблар деярли бўлмади.

Барибир, катта ёшдагиларнинг фикрлари бошқача-да. Кўплаб ёши катта юртдошларимиз ўзи севиб тинглайдиган қўшиқнинг ижрочиси, матн муаллифини ўзгача меҳр билан тилга олишди...

Инсоннинг кимлигини унинг қандай қўшиқни тинглаётганидан ҳам билиб олса бўлар экан. Табиийки, маънавий дунёси бой киши ҳеч қачон бачкана қўшиқларни тингламайди.

Хўш, Сиз кимни тинглайсиз?

### ЖОНСИЗ СЎЗЛАР

Фикримча, қўшиқда асосий таъсир воситаси Сўз ҳисобланади. Сўз ҳамиша муқаддас саналган. Зеро, биз яшаётган Дунё ҳам Сўз билан тирик.

"Сўзни авайлаб-асраш керак. Менга қолса, Сўз қурумсоқликни ёқтиради, дердим. Агар Сўз худди кечасию кундузи оқиб ўтган сув мисоли исроф қилинса, Сўзнинг ҳар бир мисқоли қадрланмаса, ўз кучини йўқотади — жонсиз бўлиб қолади", дея таъкидлайди таниқли адиб Чингиз Айтматов.

Таассуфки, кўпгина хонандаларимизда Сўзга бўлган ҳурматни кўрмаяпмиз. Кечаю кундуз янграётган айрим "қўшиқлар" орқали Сўзнинг оҳори тўкилиб кетмоқда, қадри қолмаяпти.

Бу ҳақида қанча гапирилди, оммавий ахборот воситаларида қанчадан-қанча чиқишлар бўлди. Аммо яхши натижа кўринмаяпти. Сўзга беписандлик ҳамон давом этмоқда. Охир–оқибатда қўшиқлардаги ғализ жумлалар, бачкана сўзлар ҳақида гапириш сийқаси чиққан мавзу даражасига тушиб қолди. Маза-матрасиз "қўшиқлар" эса, кундан-кунга "болалаб" кетмоқда.

### "БОШҚАЧА" АЙТИНГ

Сиз деярли ҳар куни эшитаётган, хиргойи қилаётган қўшиқлардаги сўзлар таъсирчанми? Умуман, Сиз учун қўшиқдаги бирламчи восита нима?

— Мен, аввало, қўшиқнинг оҳангига эътибор бераман. Ўйлайманки, кўнгилга яқин оҳанг, барибир, яхши сўзлар билан янада дилтортар бўлади. Аммо мусиқаси ёқимли бўлиб, қўшиқдаги сўзлар бачкана бўлса, тингламайман, — дейди 20 ёшли Сардор Муҳаммадалиев.

Аниққи, гўзал сўзлар, яхши шеърлар куйга солинганда ҳам дилга яқин бўлади.

Лекин тингловчилари кўп бўлган мана бу қўшиқлар-чи:

**Лабингдан ўпай,**
**Сочларинг силай.**
**Жоним сен билан**
**Мен бирга бўлай.**

* * *

**Хоним қўлингиз беринг,**
**Кулингиз хурсанд қилинг...**

* * *

**Мен ёниб севдим,**
**қабул этмадинг,**
**Дўстликни таклиф эта**
**Оғир бўлса-да, мен**
**мажбур бўлдим,**
**Алвидо деб айтишга...**

* * *

Қофияни-ку қўя турайлик (аммо, у шеър учун талаб этиладиган асосий воситалардан бири эканини унутманг), маъно чиқариш ҳам қийин бўлаяпти ҳозирги "қўшиқлар"дан. Энди мана бу "қўшиқ"қа эътибор беринг:

**Дема-дема, демагин,**
**Тондим дема дил**
**пасту баланд.**
**Ҳали ҳамма орзулар**
**сенда ёнади.**
**Асло унутайин ўтмишнинг**
**Ёмонин аста бу дам.**
**Боримни шу кунда**
**Асрай теран қалбимда**
**Ўргандим кўз ёшни**
**Тўкмай яшашларни**
**аста бу дам...**

Мен ундан мазмун тополмадим – маъносига тушунмадим. Сиз-чи?

Бу каби "қўшиқ"ларга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Радиони ёқинг, FM тўлқинлари орқали истаганча топасиз.

**Юраккинам дук-дук қилади,**
**Танамда дил ҳаяжонланади...**
**Юраккинам уради, уради,**
**Севинчим сенга етади.**

Шундай дея куйлаётган хонанда қиз афсуски, бизнинг юрагимизни "дук-дук" қилдира олмади. Чунки қўшиқда бунга арзийдиган сўзлар йўқ.

**"Дугоналарим ичидан сен мени танладинг,**

**Туғилган кунингда, туғилган кунингда"** дея куйлаган хонанданинг қўшиғидан ҳам қофияю мазмунни топиш мушкул.

Бу ҳам майли. Одамнинг қорни ёлғондан тўйиши мумкинми? Билмадим-у, лекин бир "юлдуз" "Етар ёлғонлардан қорним тўқ" дея "ошиғи"га рад жавобини беряпти.

**Етолмадим сенга, ёр,**
**Етолмасин бошқалар.**
**Мен етмаган бахтга, ёр,**
**Нега етсин бошқалар.**

Ниятни қаранг. Ўз ёрига шундай дейиш мумкинми? Яна хонандамиз буни қўшиқ қилиб куйлабдилар.

Яна бир шайдо йигит эса тинмай "рашқ, рашқ қиламан" деб куйлаяпти. Нотўғри эшитдиммикин, деб яхшилаб қулоқ солдим. Яна "рашқ қиламан" дейди. Ҳа, бечора йигит ошиқлигидан сўзларни ҳам тўғри талаффуз қилолмаяпти, шекилли. Бунинг устига, экран орқали ошкор этаяпти "рашқ"чи эканлигини.

**У гўзал қиз бошқача,**
**Биз танишдик бошқача.**
**Унга айтар сўзларим ҳам**
**Энди бошқача.**

Шу сўзларни айтиб куйлаётган хонанданинг қўшиқлари ҳам "бошқача" бўлса, қанийди.

### КЕЧИРАСИЗМИ?

Яқинда бир ёш "юлдуз" Наманганга "ташриф буюрибди". Гала концерт сўнгида журналистга интервью бериб, шундай дебди:

**— Шаҳрингизга келиб, машҳур шоир Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:**

**Водийларни яёв кезганда,**
**Бир ажиб ҳис бор эди менда...**

Куласизми, куясизми!? Эл аро машҳур ушбу мисраларни, наҳотки, Эркин Воҳидов ёзган бўлса? (Ажабо, интервью олган журналист ҳам буни билмасмикан?) Шундай деб турган бу "юлдуз"дан эртага қандай қўшиқларни кутиш мумкин.

**Энди ўзинг бир қарагин-да,**
**Севаман деб юрганимда,**
**Сенга хиёнат қилсам мен,**
**Кечирармидинг?**

Куйлаётган Даврон Эргашевни ёри кечириши мумкиндир-у, лекин шундай сўзларни қўшиқ дея ижро этиб юргани учун зукко тингловчилар кечира олармикан?

Майли, санъат даргоҳига эндигина кириб келаётган ёш ижрочиларни ғализ жумлалари, тушунарсиз гаплари учун кечирса бўлар. Аммо унвони бўла туриб ана шундай қўшиқ куйлаётганларничи?

### ТИНГЛАБ КЎРАСИЗМИ?

**Йигит киши қирқда**
**ғарқ пишар экан,**
**Ўйлаб кўрсам, ёшим**
**ҳам ўттизда экан.**
**Қай қизга кўнглимни**
**мен берсам экан,**
**Онаси ўпмаган бир**
**қиз топаман...**

Равшан Комиловнинг бу қўшиғидаги сўзлар шеърият талабларига жавоб бермаган ҳолда (ахир, кўпчилик хонандалар учун бу шарт эмас-ку), ундаги қуйидаги жумлалар тингловчига тўғри келмайди:

**...Ширин тушим бузилди,**
**алам қиларди,**
**Эй, онасининг боласи,**
**боламнинг онаси,**
**бир оз уйғотмасанг,**
**нима бўларди.**

Қўшиқнинг тўлиқ матнини тинглаганлар буни жуда яхши тушунишган бўлса керак.

**"Мани баликчам"** ҳақида гапириб ўтирмаймиз (Чунки айнан шу қўшиқнинг матни кўплаб танқидларга учради ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда фикрлар берилди).

Хонанда Тоҳир Содиқовнинг мана бу қўшиғига эътиборингизни қаратмоқчимиз:

**Кел жонгинам мен**
**билан суратга туш,**
**Фақат йиғламай, жоним,**
**бўлмай хомуш.**
**Ёдгорлик бўлиб қолсин**
**сендан менга...**
**Бу ахир сўнгги оқшом,**
**Бу ахир сўнгги висол...**
**Бир лаҳзага ҳам**
**тўхтамасдан,**
**Ёришади тун аямасдан.**

"Даракчи" газетасининг маълумотига кўра, қўшиқнинг матни ва мусиқасини ҳам хонанданинг ўзи яратган. Холис баҳо беринг-чи, қўшиқ матни қониқарли даражадами?

### БЕЎХШОВ ЛИБОС

Шундай ҳолатлар ҳам учраб турибдики, кўпгина хонандалар қўшиқдаги ғализ жумлалар, яланғоч сўзларни мусиқа (кўп ҳолларда хориж мусиқалари) ёрдамида "яшириш"га уринишмоқда. Бу гўё беўхшов либос — барибир, ярашмайди.

**Яъни, яъни, яъни,**
**Бу дунёда топганларинг,**
**Зўр ҳаёт, бахт, роҳат, омад,**
**Бўлсин ҳамма кўрганларинг.**
**Яъни, яъни, яъни,**
**Яъни, яъни, яъни, яъни,**
**Сенга доим армон бўлсин.**
**Армонни билмаганинг.**

Ушбу мисралар билан куйланадиган қўшиқнинг мусиқаси, ростдан ҳам, ажойиб. Аммо матничи? Йўқ, у бу сўзга муносиб эмас.

**Айб ўзингда, чунки сен севиб қолгансан...**

**Менга асир бўласан,**
**Мендан ўзга бахтинг йўқ,**
**Чунки мени севасан...**

"Асиримсан" номли ушбу қўшиғи билан хонанда ўйлаймизки, ҳақиқий қўшиқ мухлисларини асир этиши гумон (гарчи ёрини асир этган бўлса-да). Зеро, бунинг учун асир бўлишга арзирли сўзлар керак.

Шуни унутмайликки, гўзал мусиқа остида янграётган ҳар қандай қашшоқ сатрлар беўхшов либос сингари дилга ёқмайди.

### "АСАЛ"ГА "КАСАЛ"МИСИЗ?

Қўшиқларда энг кўп ишлатиладиган сўзларни биласизми? Кўп такрорланадиган ўхшатишларничи? Бизнингча, улар қуйидагилар.

Сўзлар: асал, жоним, гулим, юрак, шайдо, лаб, соч, кўз, гўзал, чиройли...

Ўхшатишлар: тундай қаро кўз, камондай қошлар, болдай сўзлар, ойдай юз...

Уларнинг ўринсиз такрорланаверишининг ўзи ҳам қўшиқнинг савиясини туширади.

**Мени асалим асал,**
**Мени ҳаётим асал,**
**Юрагимнинг тўридан**
**Жой олдинг ўзинг, гўзал.**
(Самандар)

**Асалим дейму сени**
**Мазалим дейму сени.**
**Лабингдаги гулобинг,**
**Маст қилди мени**
(Рустам Маҳмудов)

**Кетма, кетма асалим,**
**Кетма мендан, гўзалим...**
(Умид Шаҳобов).

Ушбу қўшиқлардаги ўринсиз такрорлар, заиф сатрлар асабга тегади. Баъзан битта қўшиқда бир сўзнинг эллик мартача такрорланишига нима дейсиз? Ё булар "асал"га "касал" бўлганмикан?

### ШОИРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Шоирларчалик Сўзни қадрлайдиган инсонлар кам бўлса керак. Хўш, улар бугунги кун хонандалари қўшиқларидаги қусурлар ҳақида нима дейди?

**Зебо Мирзаева, шоира:**

*—Барибир, мен шоир сифатида Сўзни қадрлайман. Фикримча, ҳар қандай яхши қўшиқ яхши шеър асосида яратилади. Яхши мусиқа бўлса, кифоя, деганлар қаттиқ адашади. Мусиқа қулоғингизга кириши мумкин, лекин яхши шеър юракда илдиз отади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай қўшиқчи яхши сўз, яхши шеър ва яхши шоирни қадрлаши керак, деб ўйлайман.*

**Саловат Маҳмуд, шоир:**

*— Менинг Сўзга меҳрим баланд. Иложи борича Уни исроф қилмасликка уринаман. Аммо баъзи қўшиқчилар ижро этаётган ашуладаги жумлаларни эшитиб, юрагинг эзилади. На маъно бор, на қофия. Ҳар қандай Сўзни ўз ўрнида қўллаш жоиз. Мен кўпгина қўшиқларда бунинг аксини кўраяпман. Ўзим Шуҳрат Қаюмовнинг қўшиқларини кўп тинглайман. Назаримда, у шеърни жуда яхши тушунади. Қанийди, ҳамма хонандалар ҳам шундай бўлса.*

*Бу икки ижодкорнинг фикрлари. Уларга қўшимча тариқасида, Кайковуснинг сўзларини келтирамиз. "Қобуснома"дан:*

***"Эй, фарзанд, агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қил, токи сўзинг осон ва фойдали бўлсун, ғализ (тушунарсиз, ноаниқ) ва мушкул сўздан парҳез қилғил ва ўзинг билиб, ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлғудек сўзни айтмағил, нединким, шеър айтғон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас".***

### УНИ НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Ҳамма гап шунда. Бачкана қўшиқларнинг кўпаймаслиги учун нима қилмоқ лозим?

Менингча, бу кўпроқ санъаткорларимизнинг ўзларига боғлиқ. Яна билмадим-у, "ўқийдиган" қўшиқчилар кам бўлса керак. Мутолаани хуш кўрадиган, кўпроқ ўқийдиган хонанда ҳеч қачон бундай умри қисқа қўшиқлар айтмайди.

Тушунамиз, санъаткорларда вақт масаласи қийин муаммо. Аммо мутолаага вақт ажратолмайдиган қўшиқчининг ўзига зиён — яхши қўшиқлар ярата олмайди.

Бундан ташқари, ҳар қандай қўшиқчи яхши шоир билан ижодий ҳамкорликда иш тутмоғи лозим. Ўзи шеър ёзиб, ўзи куйлаётганларнинг ҳаммаси ҳам яхши қўшиқ яратишни уддалай олмаяпти.

Сўнгги пайтларда унда-бунда айрим хонандаларнинг кўнгилдагидек фаолият кўрсатмаётганлиги учун лицензияларидан маҳрум этилаётганлигини эшитиб қолаяпмиз. Фикримча, бу тўғри йўл. Ўйлайманки, ўз қўшиғида турли номақбул сўзларни қўллаётган хонандаларни ҳам қандайдир жавобгарликка тортиш керак.

Қизиқ ҳолат, "Даракчи" газетасида "Сиз севган қўшиқ" рукни остида айнан ана шундай қўшиқлар матни ҳам бериб борилади. Тўғри, бу муштарийлар талаби. Лекин ҳар қандай истак-хоҳишнинг ҳам чегараси бор-ку. Демоқчи бўлганим, оммавий ахборот воситалари ҳам бу борада кўпроқ чиқишлар қилиши керак. Худди шу масалага бағишлаб, уларда махсус рукнлар ташкил этилса, нур устига нур.

### ХУЛОСА

Нима бўлганда ҳам, СЎЗ ўз қадрини йўқотмаган. Ва, аниққи, биз келтириб ўтган қўшиқлар туфайли шеъру Сўз қадри тушиб қолмайди. Аммо ҳар қандай пайтда ҳам инсоф керак. Шу жумладан, Сўз танлашда ҳам. Яланғоч, қуруқ сўзлар ҳеч қачон гўзал ҳисобланмаган. Ишонамизки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Хулоса ўзингиздан.

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Болалар спорт комплекслари ва умумий ўрта таълим мактабларининг спорт залларини 2005-2006 йил мобайнида четдан келтирилаётган (импорт) спорт жиҳозлари билан таъминлашни ҳисобга олиш бўйича ЖАДВАЛ

*Маълумки, ҳозирги пайтда республикамизда болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу жумладан, спорт комплекслари ва спорт залларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш масалалари ҳам изчил ҳал этилмоқда. Республикамизда спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Лекин шу билан бир қаторда айрим спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш мамлакатимизда йўлга қўйилмаганлиги сабабли четдан келтирилмоқда. Қуйида болалар спорт комплекслари ва умумий ўрта таълим мактабларининг спорт залларини 2005-2006 йиллар мобайнида четдан келтирилаётган (импорт) спорт жиҳозларига бўлган эҳтиёжи бўйича жадвал берилмоқда. Мақсад, четдан келтирилаётган спорт жиҳозларининг республикамиздаги корхоналар томонидан ҳам ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш ҳамда ўзаро рақобат муҳитини яратишдир.*

| Т/р | Спорт жиҳозларининг турлари | Ўлчов бирлиги | ТИПлар бўйича спорт жиҳозларига бўлган меъёрий талаблар | | | | | Ҳисобга кўра эҳтиёж | Мактаблар спорт залларининг меъёрий талабларига асосан спорт жиҳозларига бўлган эҳтиёжи | Спорт залларининг ҳисоб эҳтиёжи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV | V | | | | |
| 1. | Баскетбол тўпи | Дона | 30 | 60 | 60 | 60 | 30 | 5772 | 20 | 39380 | 45152 |
| 2. | Шахмат соатлари | Дона | 4 | 6 | 6 | 6 | 2 | 308 | 4 | 7876 | 8184 |
| 3. | Бадминтон ракеткаси | Жуфт | 0 | 5 | 5 | 5 | 0 | 80 | 6 | 11814 | 11894 |
| 4. | Бадминтон тўри | Жуфт | 0 | 2 | 2 | 2 | 0 | 32 | 1 | 1969 | 2001 |
| 5. | Бадминтон устуни | Жуфт | 0 | 2 | 2 | 2 | 0 | 32 | 1 | 1969 | 2001 |
| 6. | Бадминтон учун волан | Дона | 0 | 64 | 64 | 64 | 0 | 1024 | 1 | 1969 | 2993 |
| 7. | Корт тўрлари учун устунлар | Комп. | 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 94 | 0 | 0 | 94 |
| 8. | Теннис корти учун тўр | Дона | 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2032 | 0 | 0 | 2032 |
| 9. | Тўр учун таянчлар | Дона | 0 | 2 | 2 | 2 | 2 | 188 | 0 | 0 | 188 |
| 10. | Катта теннис тўпи | Дона | 0 | 30 | 30 | 30 | 30 | 2820 | 20 | 39380 | 42200 |
| 11. | Катта теннис учун ракетка | Дона | 0 | 20 | 20 | 20 | 20 | 1880 | 8 | 15752 | 17632 |
| 12. | Теннис тўпларини отиб берувчи қурилма | Дона | 0 | 2 | 2 | 2 | 2 | 188 | 0 | 0 | 188 |
| 13. | Ракеткани таранглаштирувчи қурилма | Дона | 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 94 | 0 | 0 | 94 |
| 14. | Теннис столи | Дона | 0 | 8 | 8 | 8 | 8 | 752 | 5 | 9845 | 10597 |
| 15. | Стол тенниси тўри | Дона | 0 | 16 | 16 | 16 | 16 | 1504 | 5 | 9845 | 11349 |
| 16. | Стол тенниси ракеткалари | Жуфт | 0 | 32 | 32 | 32 | 32 | 3008 | 5 | 9845 | 12853 |
| 17. | Бадиий гимнастика гилами | Дона | 0 | 1 | 1 | 1 | 0 | 16 | 0 | 0 | 16 |
| 18. | Булава | Дона | 0 | 8 | 8 | 8 | 0 | 128 | 10 | 19690 | 19818 |
| 19. | Гимнастика лентаси | Дона | 0 | 8 | 8 | 8 | 0 | 128 | 0 | 0 | 128 |
| 20. | Гимнастика тўпи | Дона | 0 | 8 | 8 | 8 | 0 | 128 | 6 | 11814 | 11942 |
| 21. | Гимнастика ҳалқаси | Дона | 0 | 8 | 8 | 8 | 0 | 128 | 50 | 98450 | 98578 |
| 22. | Бокс ринги | Дона | 0 | 1 | 1 | 1 | 0 | 16 | 0 | 0 | 16 |
| 23. | Бокс қўлқоплари | Жуфт | 0 | 60 | 60 | 60 | 0 | 960 | 2 | 3938 | 4898 |
| 24. | Снаряд қўлқоплари | Жуфт | 0 | 60 | 60 | 60 | 0 | 960 | 0 | 0 | 960 |
| 25. | Боксчилар қоплари | Дона | 0 | 25 | 25 | 25 | 0 | 400 | 1 | 1969 | 2369 |
| 26. | Бокс кичик қопчалари | Дона | 0 | 20 | 20 | 20 | 0 | 320 | 0 | 0 | 320 |
| 27. | Деворга маҳкамланган ёстиқчалар | Дона | 0 | 20 | 20 | 20 | 0 | 320 | 0 | 0 | 320 |
| 28. | Бокс лапаси | Жуфт | 0 | 30 | 30 | 30 | 0 | 480 | 0 | 0 | 480 |
| 29. | Гонг | Дона | 0 | 3 | 3 | 3 | 0 | 48 | 1 | 1969 | 2017 |
| 30. | Боксчилар шлеми | Дона | 0 | 50 | 50 | 50 | 0 | 800 | 0 | 0 | 800 |
| 31. | Универсал боксчилар капаси | Дона | 0 | 100 | 100 | 100 | 0 | 1600 | 0 | 0 | 1600 |
| 32. | Машқ манекени | Дона | 0 | 20 | 20 | 20 | 0 | 320 | 0 | 0 | 320 |
| 33. | Татами | Дона | 0 | 1 | 1 | 1 | 0 | 16 | 0 | 0 | 16 |
| 34. | Сузиш учун кўзойнаклар | Дона | 0 | 0 | 100 | 100 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 35. | Сузишга ўргатиш учун тахтачалар | Дона | 0 | 0 | 50 | 50 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 36. | Сув полоси тўплари | Дона | 0 | 0 | 10 | 10 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 37. | Сув полоси дарвозаси | Дона | 0 | 0 | 2 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 38. | Сув полоси дарвоза тўри | Дона | 0 | 0 | 4 | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 39. | Сузиш йўлаклари кўрсаткичи | Дона | 0 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 40. | Пўкакни тўп тагига туширувчи қурилма | Дона | 0 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 41. | Сакраш учун қурилмалар комплекти | Дона | 0 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 42. | Универсал насос | Дона | 4 | 6 | 6 | 6 | 4 | 464 | 2 | 3938 | 4402 |
| 43. | Вақт ва ҳисоб таблоси | Дона | 1 | 2 | 3 | 3 | 3 | 280 | 0 | 280 | 0 |
| 44. | Баскетбол таблоси | Дона | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | 124 | 0 | 0 | 124 |
| 45. | Катта табло (стадион учун) | Дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 0 | 30 | 0 | 0 | 30 |
| 46. | Ҳисоб таблоси | Дона | 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 94 | 0 | 0 | 94 |
| 47. | Электр табло ва сигнализация (кураш, бокс) | Дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 0 | 30 | 0 | 0 | 30 |

# «ПАР-ИМПЕКС» ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ УЧУН



2002 йил феврал ойида ташкил топган "Пар-импекс" ишлаб чиқариш тижорат корхонасининг тадбиркорлари қисқа вақт ичида спорт жиҳозлари ҳамда тиббиёт соҳаси учун металл конструкциялар ишлаб чиқариб, ўз меҳнатларининг самарасини оширишга эришиб келмоқдалар. Бу ерда ўз касбига меҳр қўйган 30 нафар уста — чилангарларга барча шароитлар талаб даражасида яратиб берилган. Бундай муносабат жамоанинг катта ҳажмдаги ҳар хил ўлчамда спорт тренажёрлари, болалар боғчалари учун зарур бўлган қаттиқ ва юмшоқ спорт жиҳозлари тайёрлаш учун анча қулайликлар туғдирмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳри спорт ихлосмандлари учун турли лойиҳаларда паннолар, бокс ринги, кураш заллари учун татамилар, баскетбол, волейбол, теннис турлари учун шит ва сеткалар, вилоят халқ таълими муассасалари учун ҳам сифатли спорт анжомларини буюртма асосида етказиб бермоқдалар. Таъкидлаш жоизки, 2002 йилда 27,5 млн. сўмлик спорт ва тиббиёт жиҳозлари тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 203 млн. сўмни ташкил этди. Бу йил эса спорт ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариш янги технология асосида олиб борилаётгани эътиборга моликдир. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда чилангар усталардан Исмоил Ибрагимов, Александр Ширяков, Сергей Аванесивнинг хизматлари катта бўлмоқда. Корхона ўзининг саховатпешалиги туфайли ўтган йили Самарқанд шаҳридаги 11-меҳрибонлик уйига 1 (бир) комплект тренажёр ҳадя этиб, болажонларни хушнуд этди. Армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Юсуф Қодировга ҳомийлик қилгани сабабли у Россия Федерациясининг Суздал шаҳрида 24 та давлат ўртасида 650 нафар мусобақа иштирокчилари ичида чемпионлик камарини қўлга киритгани ҳам таҳсинга сазовордир.

— Янги хорижий технология асосида ранг-баранг лойиҳалар асосида буюртмачиларнинг эҳтиёжларига кўра турли хилдаги жиҳозлар ишлаб чиқариб халқаро бозорда муҳим ўрин эгаллаш асосий мақсадларимиздан биридир, — дейди "Пар-импекс" корхонаси директори Парвиз Шукуров. — Бунинг учун бизда барча имкониятлар яратилган, металл конструкцияларнинг янги моделларини яратиш яхши натижа бермоқда.

2004 йилнинг 27-29 май кунлари Тошкент шаҳридаги Интерконтинентал меҳмонхонасида спорт мавзусига бағишланиб ўтказилган халқаро кўргазмада намойиш этилган спорт жиҳозлари энг яхши экспозицияга муносиб деб топилди.

Бу нуфузли кўргазмада Россия, Қозоғистон — Канада, Ўзбекистон — Франция қўшма корхоналари иштирок этганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, юртимизни спорт билан танитаётган полвонларнинг халқаро беллашувларда юқори натижаларга эришишлари учун замонавий ҳамда сифатли жиҳозлар билан таъминланиши ҳукуматимизнинг доим эътиборидадир.

**Ўткир ПЎЛАТ**



**O'g'rilik — jinoyat. Yukchi 30 ming rublni qarz-havola qilib bo'lsa-da, to'lab qutildi. Ammo endi u odatdagi formulaga duch keldi: «O'g'irladi, ichdi, so'ngra qamoqxona».**



# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

## Венгерча кроссворд (Мактаб дарсликлари асосида тайёрланди)




| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Қ | Б | У | Х | Х | Ҳ | О | Р | Ю | Г | К | И | Й | Я | С | А | Р | | | | |
| | | | | О | А | Р | О | О | С | Ж | А | Б | Н | А | А | С | С | Х | Й | О | | | | |
| | | | | Ш | Ғ | И | Р | И | Й | И | М | Ғ | У | И | В | А | Р | О | И | Л | | | | |
| | | | | Н | А | Й | Б | О | Ҳ | Б | А | Ҳ | З | Й | Ш | З | М | И | Т | У | | | | |
| | | | | О | В | А | Қ | Й | О | Н | О | М | И | Й | А | С | О | Й | Ф | Б | | | | |
| Л | Ғ | О | Й | И | Н | Р | О | Л | Ж | А | Х | У | Д | Б | Й | И | Л | Й | И | О | Б | А | Т | Г |
| У | Б | З | И | Х | О | О | Ф | Л | О | Ё | Й | И | Н | О | М | Ҳ | А | Б | Ҳ | У | У | Р | О | У |
| О | А | М | М | У | С | У | А | Р | О | Р | Н | О | Г | А | А | Ш | Р | Й | А | В | Й | И | Й | Л |
| Б | И | А | Х | Н | И | В | А | Й | Ғ | И | А | Д | О | Ҳ | И | Б | О | Д | И | Р | И | Н | А | Х |
| Ҳ | Д | А | М | У | И | Й | З | С | И | Й | Л | И | Р | Т | Й | А | Р | А | М | И | О | Н | Ў | Т |
| А | М | З | М | Р | М | Б | А | В | Й | А | М | Ф | А | А | А | В | Н | О | Й | Й | Т | И | А | А |
| Ч | Ў | Л | У | Қ | И | Е | Ҳ | Қ | И | И | Й | У | Р | Қ | Ф | Л | О | Н | И | Я | Ш | О | Й | Р |
| Қ | О | П | О | Қ | Ҳ | О | Б | У | Й | | | | | | И | Т | О | Й | К | М | И | Л | Н | И |
| Ш | Д | И | Н | А | Ҳ | Р | Н | Д | И | | | | | | У | Р | А | Б | Е | И | Н | И | М | Й |
| А | Й | Р | И | Ғ | У | З | О | С | Й | | | | | | Й | Ғ | Т | Е | Т | Р | И | Н | Ж | О |
| З | Х | Р | Й | О | Л | У | Л | И | Р | | | | | | М | У | Н | М | И | Ҳ | С | Ш | У | Н |
| О | Д | А | Ш | М | В | Қ | Ф | И | Я | | | | | | У | Х | Р | М | Р | У | А | О | К | Р |
| Ҳ | А | О | И | Д | О | О | Д | О | В | | | | | | Ш | Т | О | И | Р | М | Ҳ | Л | Л | У |
| О | Ш | Р | И | П | В | О | И | Р | В | Т | Ў | Х | Х | О | У | Ҳ | Р | В | Д | А | М | З | У | Н |
| М | И | Ё | Қ | О | У | Ҳ | И | Д | О | Б | А | Т | П | Л | М | Т | А | Е | М | А | Л | Н | У | Н |
| О | В | А | У | В | М | М | У | В | Е | О | Д | А | А | Р | И | Р | З | А | О | В | И | О | В | А |
| Н | И | М | Б | О | А | С | Ҳ | А | М | М | А | Л | И | Ф | И | Б | О | Е | К | Ш | К | В | А | Д |
| О | А | В | О | В | Р | У | Л | Д | Ў | М | У | М | М | Э | Ш | О | Ш | Б | Н | У | К | Р | О | Қ |
| В | З | М | К | Е | Б | Қ | Т | О | С | Т | Ҳ | А | А | Д | Қ | Н | О | Т | У | Р | У | Р | Н | О |
| М | И | А | Т | Ж | М | У | Т | Н | О | В | Н | М | У | Р | У | Л | О | А | Б | И | Й | Л | У | Б |
| | | | | О | У | Ҳ | Б | И | Д | Д | И | Ҳ | А | О | Д | В | В | М | А | Ҳ | | | | |
| | | | | Н | М | А | Р | А | О | Н | М | У | М | М | В | О | Р | У | И | Р | | | | |
| | | | | А | М | В | О | Ҳ | М | К | Е | Ю | Д | А | О | Д | О | В | Е | Т | | | | |
| | | | | Д | С | Т | М | А | Е | Н | Б | С | И | Б | М | И | Л | О | М | Ў | | | | |
| | | | | Д | Ў | А | Ъ | З | К | Ж | А | У | Ф | Р | О | Ҳ | У | Ғ | А | Л | | | | |





1. Туркий тилнинг биринчи тилшунос олими, "Девони луғотут турк" асари муаллифи (8). 2. Машҳур муҳаддис аллома, "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" асари муаллифи (7). 3. Қашқар элига Табғач Буғрохон томонидан берилган "Эшик оғаси" унвони эгаси, "Қутадғу билиг" асари муаллифи (8). 4. Хоразмнинг Работи Ўғуз деган жойида туғилган олим, 72 бобдан иборат "Қиссасул анбиё" асари муаллифи (8). 5. Дод Сипоҳсолорбекка бағишланган "Ҳибатул ҳақойиқ" асари муаллифи (7). 6. Шарқдаги буюк тариқат асосчиси, "Девони ҳикмат" муаллифи (7). 7. "Гулистони бит-туркий", "Суҳайл ва Гулдурсун", "Васфуш шуаро" асарлари муаллифи (6). 8. Туркий тилда нома жанри асосчиси, "Муҳаббатнома" асари муаллифи (8). 9. Пурёрвалий, Қитолий тахаллуслари билан ижод қилган шоир, "Канзул ҳақойиқ" асари муаллифи (6). 10. Навоийнинг "Оразин ёпғоч..." деб бошланувчи ғазалига юксак таъриф берган устоз, машҳур шоир, Али Яздийнинг "Зафарнома"си таржимони (6). 11. Ғазал мулкининг султони, турк тилининг гўзаллигини бутун адабиёт аҳлига исботлаган аллома, "Хамса", "Хазойинул маоний", "Лисонут тайр", "Маҳбуб-ул қулуб" каби бир қатор асарлар муаллифи (6). 12. Бобур "каримут тарафайн" деб атаган шоҳ ва шоир, "Рисола", "Девон" асарлари муаллифи (7). 13. "Гулзор" ва "Мифтоҳул адл " асарлари муаллифи (4). 14. Шоҳ Будоғнинг ўғли, ажойиб шоир ва ҳукмдор, "Девон", "Баҳрул ҳидоя", "Шаҳиди шуҳадо" асарлари муаллифи (11). 15. "Шайбонийнома" асари муаллифи (5). 16. Фарғона ҳукмдори Умаршайх Мирзонинг ўғли, "Мубаййин", "Мухтасар" асарлари муаллифи (5). 17. "Шажараи тарокима", "Шажараи турк", "Манофеъул инсон" тарихий асарлари муаллифи (11). 18. Буюк мутасаввуфлардан бири, "Саботул ожизин", "Маслакул муттақин", "Нажотул толибин" асарлари муаллифи (6). 19. Алишер Навоий "Мажолисун нафоис"да "Балхда бўлур эрди, Исмоил ота фарзандларидин эрди" дея таърифлаган шоир ким эди? (5). 20. Қўқонлик шоир, "Зарбулмасал" асари муаллифи (8). 21. XVII аср ўрталарида яшаган шоир, "Кенглик қилинг", "Бу мулк" ғазаллари, "Аз-забони хон" мухаммаси муаллифи (7). 22. Лутфий ғазалига тазмин – "Хоҳ инон, хоҳ инонма" ғазали муаллифи (6). 23. "Роҳати дил" достони муаллифи (7). 24. XVIII асрда яшаган бухоролик шоир, "Ҳасби ҳол" биографик асари муаллифи (4). 25. "Муножот", "Қози Муҳаммад Ражаб Авж", "Ҳожи Ниёз", "Ҳапалак" каби ҳажвиялар муаллифи (6). 26. Хоразмлик шоир, тарихчи, таржимон, хаттот, мироб (5). 27. Марғилонлик хассос шоира, "Шаҳзода Ҳасан", "Воқеаи Муҳаммадалихон", "Карбалонома" асарлари муаллифи (7). 28. Қўқон хони Умархоннинг завжаси, шоира (6). 29. XIX асрнинг Навоийси дея таърифланган шоир, мутаржим, тарихчи, "Таъвизул ошиқин" девони муаллифи (6). 30. XIX асрда яшаган тошкентлик шоир, "Калила ва Димна" таржимони (6). 31. Отин, шоира, "Тарихи муҳожирон", "Таржимаи ҳол" асарлари муаллифи (5). 32. Қўқон хони Норбўтабийнинг ўғли, шоира Нодиранинг завжи, ажойиб шоир (6). 33. "Танобчилар" асари муаллифи (7). 34. Ёркентга ҳижрат қилган, бир қанча давлатларда саёҳатда бўлган шоир (6). 35. Қўқонлик шоир (XIX аср), "Жаҳонда камсухан ким бўлди" ғазали муаллифи (6). 36. Хива хони Муҳаммад Раҳим II ва Асфандиёр даврида яшаб, ижод қилган шоир (4). 37. Дилшоди Барно "Муҳожирлар тарихи" асарида башорат қилган шоира, "Фалсафаи сиёҳон" — асари муаллифи (4). 38. Биринчи ўзбек драмаси — "Падаркуш" муаллифи (8). 39. "Биринчи муаллим" (1909), "Адабиёт ёхуд миллий шеърлар" дарсликлари муаллифи (6). 40. Садриддин Айний "Туркияда ўқийдурғон талабаларнинг энг аълоси" дея таърифлаган адиб ким эди? (6). 41. "Ҳақиқат кимда?" деган биринчи ўзбек романини ёзган (лекин у асар йўқолиб қолган) ким эди? (5). 42. Ўзбек ва тожик адабиёти дарғаси, "Қуллар" романи муаллифи (5). 43. Қўқон мухториятининг мадҳиясини ёзган шоир ким эди? (6). 44. Пушкиннинг "Капитан қизи", Гоголнинг "Уйланиш" ва "Ревизор" асарларини таржима қилган адиб (6). 45. М. Шевердин "зарарли асар" деб таърифлаган, Сотти Ҳусайн қаттиқ танқид қилган биринчи ўзбек миллий романи муаллифи (7). 46. 9 ёшида отадан, 12 ёшида онадан айрилган машҳур шоир, ёзувчи, "Ёдгор", "Нетай" қиссалари муаллифи (5). 47. Абдулла Орипов "У ҳали қаҳқаҳага айланмай, лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир" дея таърифлаган шоир ким эди? (5). 48. 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами соҳиби, шоир, ёзувчи (5). 49. "Гулсара", "Нурхон" пьесалари муаллифи (4). 50. Н. Островскийнинг "Пўлат қандай тобланди?", Пушкиннинг "Кавказ асири", "Сув париси" асарларининг таржимони ким? (7). 51. Иброҳим Ғофуров "У ижодда янги сўз айтди, чинакам шеърий кашфиётлар қилди" дея таърифлаган шоир ким? (8). 52. Қозоғистоннинг Марки шаҳрида туғилган, асл исми Раҳматилла бўлган ўзбек шоири (5). 53. Ҳамид Олимжон "У фикрлар шоиридир, сиёсий шеърлар яратган санъаткордир" дея кимни таърифлаган эди? (8). 54. "Бўрондан кучли", "Қудратли тўлқин" романлари муаллифи, давлат арбоби (7). 55. "Тонг куйчиси" (Миртемир), машҳур ўзбек шоираси (6). 56. "Бухоронинг жин кўчалари", "Опа-сингиллар", "Туғилиш", "Давр менинг тақдиримда" асарлари муаллифи (6). 57. "Хўжанд қалъаси", "Илон ўчи" романлари муаллифи (9). 58. "Кафансиз кўмилганлар" асари муаллифи (8). 59. Биринчи ўзбек трилогияси муаллифи (5). 60. "Уч илдиз" асарини ўқиб, Абдулла Қаҳҳор "У адабиётга момақалдироқдек гулдурос солиб кириб келди" дея кимни таърифлаган эди? (7). 61. "Шинелли йиллар", "Жаннат қидирганлар", "Олтин зангламас" романлари муаллифи (6). 62. Дантенинг "Илоҳий комедия"сининг биринчи қисмини таржима қилган шоир (6). 63. "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" романлари муаллифи (7). 64. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, "Ўзбегим", "Инсон" қасидалари муаллифи (7). 65. "Сариқ девни миниб", "Ширин қовунлар мамлакати", "Мунгли кўзлар" романлари муаллифи (9). 66. "Сўнгги бекат", "Қил кўприк", "Олабўжи" романлари муаллифи (10). 67. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг завжаси, "Руҳ билан суҳбат" достони муаллифи (9). 68. Ўзбек адабиётидаги энг машҳур қиссанавис, "Муқаддас", "Тенгдошлар", "Матлуба", "Қанот жуфт бўлади" асарлари муаллифи (6). 69. Мольернинг "Сохта оқсуяк", Нушичнинг "Вазирнинг жаноби олиялари", Михалковнинг "Думалоқ хат" асарларини ўзбекчалаштирган адиб (6). 70. "Одам бўлиш қийин", "Тоҳир ва Зуҳра" романлари муаллифи (9). 71. Ўзбекистон халқ шоири, "Абдуллажон марсияси", "Она Туркистон" асарлари муаллифи (5). 72. "Сарбадорлар" асари муаллифи (11). 73. "Мен шеър ёзсам, энди уни қоғозга эмас, анов ял-ял ёниб турган ўтга ёзаман" мисралари муаллифи ким? (6). 74. "Сўнгги ўқ", "Шайтанат" қиссалари муаллифи (5). 75. "Темир хотин" комедияси муаллифи (8). 76. "Саодат соҳили", "Кўнгул озодадур", "Ёзнинг ёлғиз ёдгори" асарлари муаллифи (8). 77. "Ёшлар" телеканали раҳбари, "Соҳибқирон набираси" асари муаллифи (6). 78. Машҳур шоир, "Оқпадар" достони муаллифи (4). 79. Шоир, "Изоҳсиз луғат" достони муаллифи (9). 80. "Жажман", "Оромкурси", "Бозор" асарлари муаллифи (12). 81. "Лолазор" романи муаллифи (12). 82. "От кишнаган оқшом", "Ойдинда юрган одамлар", "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" асарлари муаллифи (5). 83. "Унутилган соҳиллар" романи муаллифи (5). 84. "Боғболалик кўкалдош", "Жавоб" асарлари муаллифи (7). 85. "Хароба шаҳар суврати", "Қуюн", "Маймун етаклаган одам" ҳикоялари муаллифи (9). 86. Ўшлик машҳур шоир, "Сайланма" шеърий тўплами муаллифи (6). 87. "Хайрлашув", "Қурултой нотиқларига", "Ҳақиқат" шеърлари муаллифи (8). 88. Машҳур қўшиқчи шоир, "Кокилингни ким кесди?" шеъри муаллифи (12). 89. Шоир, "Узоқлашаётган оғриқ" достони муаллифи (10). 90. Шоир, "Ибтидо хатоси" достони муаллифи (5). 91. "Пуч" драмаси муаллифи (9). 92. 80 – 90-йиллардаги машҳур публицист (5). 93. Машҳур журналист, публицист, "Ой бориб омон қайтмаган болам" асари муаллифи (6). 94. "Нодирабегим" драмаси муаллифи (4). 95. Машҳур ёзувчи, "Бир миллион фожеаси" асари муаллифи (5).

**Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**

## Xullas...

### ЭНГ СЎНГГИ ФОРМУЛА

Бошқирдистоннинг савдо дўконларидан бирида хизмат қилувчи кишига роса пивонинг хумори тутди. Маошгача ҳали анча кун бор. Миясига ўрнашган шайтон унга йўл кўрсатди: 30 минг рубл шундоқ катта дўконга нима, ким олганини сезиб ўтиришибдими? Юкчилар бўлса, кўп.

... Эрталаб ишга келган дўкон сотувчилари пул ўғирланганини дарҳол пайқашди. Бир-бирига шубҳали қараган сотувчилар ўғри кимлигини билолмай ҳайрон. Яхшиси, бундай вазиятда милиционерга мурожаат қилиш керак.

Орган ходимлари дўконга алоқадор хизматчиларнинг ҳаммаси билан савол-жавоб қилиб чиқишди, уйларига кириб, энг сўнгги сотиб олинган нарсалар билан қизиқишди. Навбат ҳалиги юкчига келганида, ҳовлисида бир яшик пиво турганини кўриб, милиция ходимлари уни «яхшилаб» гапиртиришди. «Қинғир ишнинг қийиғи» минг яширган билан сезилади. Юкчи сўзларидан «илинди».

Ўғрилик — жиноят. Юкчи 30 минг рублни қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, тўлаб қутилди. Аммо энди у одатдаги формулага дуч келди: «Ўғирлади, ичди, сўнгра қамоқхона».

### СОВРИНГА СИЧҚОНЛАР

Янги Каледониянинг маъмурий маркази Нумеада Сиам мушукларининг сузиш бўйича мусобақаси ўтказилди. Бунинг учун мушуклар узоқ вақт машқ қилдирилди. 20 метрлик йўлакдан думли жониворларнинг сакрашини томоша қилсангиз, роса кулгингиз қистар эди.

Шундай қилиб, «старт» берилгандан кейин учта улкан ва иккита кичкина мушук ҳовузчада бир-биридан қолишмаймиз, дегандек шу қадар эпчиллик билан сузиб кетдиларки, эгалари ҳам, судьялар ҳам беихтиёр чапак чалиб юборишди. Марраga биринчи бўлиб «Туана» лақабли мушук етиб келди. Кейинги ғолиб эса «Сузи»дир.

Мушуклар мусобақасининг жонли ўтишини таъминлаган нарса қафасларга қўйилган сичқонлар эди. Энг севимли таомдан ҳеч қайси мушук бебаҳра қолмади, 14 та сичқон уларга оқилона тақсимланди, албатта, ғолибларга кўпроқ, деб хабар беради бу ҳақда Францияда чиқадиган «Пуркуа па» журнали.

**ana shunaqa gaplar**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1129. Тиражи 19844. 1 2 3 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Хулкар ТЎЙМОНОВА. Навбатчи: Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди. (М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди —